

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ”
модули бўйича
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тошкент - 2018

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 201____ йил _____даги ____-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: ТТЕСИ п.ф.н., доц. Д.Ходжакулова
ТТЕСИ доц., Ш.Мамаражабов
ТТЕСИ Кат.ўқит. Ж.Халмуротова

Тақризчилар: хорижий эксперт Hwan Ki Lee, Жанубий Корея
КОІСА маслаҳатчиси профессор
ТТЕСИ т.ф.н., доц. А.Гуламов

*Ўқув -услугий мажмуа ТТЕСИ Кенгашининг 201____ йил _____даги
_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	19
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	37
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	91
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	92
VII. ГЛОССАРИЙ.....	94
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	96

1. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, махсус фанларни ўқитишнинг замонавий услублари, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, маҳсулот сифати менежменти ва тизимли таҳлил, қарор қабул қилиш асослари модули негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда мутахассислик фанларини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари. Мутахассислик фанларининг мазмуни. Мутахассислик фанларини ўқитишнинг ташкилий шакллари. Мутахассислик фанларини замонавий дарс тузилмаси асосида ўқитиш методикаси. Мутахассислик фанини ўқитишда қўлланиладиган таълим методлари ва воситалари. Тингловчиларда мутахассисликка оид билим, кўникма ва малакаларни шаклланганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш методикаси. Мутахассислик фани ўқитувчисининг ўқув йилига ва навбатдаги ўқув машғулотларга тайёргарлик кўриши. Мутахассислик фани бўйича модул ишлаб чиқиш йўллари келтирилган

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Махсус фанларни ўқитишнинг замонавий услублари **модулининг мақсад ва вазифалари:**

Модулнинг мақсади: Махсус фанларни ўқитишнинг замонавий усулларини ўрганиш

Модулнинг вазифаси: мутахассислик фанларини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, мутахассислик фанларини ўқитишнинг ташкилий шакллари, мутахассислик фанларини замонавий дарс тузилмаси асосида ўқитиш методикаси, мутахассислик фанини ўқитишда қўлланиладиган таълим

методлари ва воситалари, тингловчиларда мутахассисликка оид билим, кўникма ва малакаларни шаклланганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш методикаси, мутахассислик фани ўқитувчисининг ўқув йилига ва навбатдаги ўқув машғулотларга тайёргарлик кўриши, мутахассислик фани бўйича модул ишлаб чиқиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Махсус фанларни ўқитишнинг замонавий услублари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- моддулли ўқитиш технологиясини;
- мустақил ишлашни ташкил этишни;
- таълим жараёнида кичик гуруҳларда ишлашни;
- кейс-стади технологияси ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- мутахассислик фанларини ўқитишда модулли ўқитиш технологиясидан фойдаланиш ;
- таълим жараёнида аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил ишлашни ташкил этиш;
- назарий ва амалий машғулотрни ташкил этишда илғор таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- махсус фанларни ўқитишда модулли ўқитиш технологиясини самарали қўллаш;
- мустақил таълимни ташкил этиш;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида фойдаланиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Махсус фанларни ўқитишнинг замонавий услублари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик

технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва тарқатма материаллардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-савол-жавоб, дебат, ҳамкорликда ишлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Махсус фанларни ўқитишнинг замонавий услублари” модули мазмуни ўқув режадаги махсус фанлар блокадаги ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларни дарсларни ташкил этиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мобил иловалар яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкласи, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкласи			Мустақил таълим
			Жами	жумладан,		
			назарий	амалий машғулот		
1.	Модулли ёндашувнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари	2	2	2		
2.	Таълим оловчиларнинг мустақил фаолиятни ташкил этиш бўйича хориж тажрибаси	2	2	2		
3.	Мутахассислик фанларни ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш	2	2		2	

4.	Гуруҳларни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб машғулотларни ташкил этиш	2	2		2	
5.	Махсус фанларни ўрганишда қўлланиладиган методлар ва уларни танлаш мезонлари	2	2		2	
7	Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: кейс-стади				2	
8	Муаммоли вазиятлар яратиш ва муаммоли топшириқлар билан ишлаш	2				2
	Жами:	14	12	4	8	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Модулли ёндашувнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари.

Модулли ёндашув концепциясининг моҳияти, хусусиятлари, турлари ва тамйиллари. Модулнинг таркибий қисмлари. Модулли таълимда маслаҳатлар тизими ва таълим инновациялари. Модулли ёндашув тамойиллари. Модуль туралри

2-мавзу: Таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятни ташкил этиш бўйича хориж тажрибаси.

Аудиторияда тингловчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш. Аудиториядан ташқарида талабалар мустақил фаолиятини ташкил этиш. Мустақил ишларни ташкил этишда “оддийдан-мураккабга” ҳамда “умумийдан-хусусийга”, “мавҳумдан-аниқликка” қараб ҳаракатланиш усуллари

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот: Мутахассислик фанларни ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.

Педагогик технология тушунчасининг мазмун-моҳияти, таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг илмий муаммолари, педагогик технологиянинг афзалликлари

2-Амалий машғулот: Гуруҳларни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб машғулотларни ташкил этиш.

Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишнинг бошқа методлардан фарқи, кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишни ташкил этиш ва унинг асосий фазалари, методнинг афзалликлари ва камчиликлари

3-Амалий машғулот:Махсус фанларни ўрганишда қўлланиладиган методлар ва уларни танлаш мезонлари.

Махсус фанлардан машғулотларда турли методларни қўллаш, интерактив методларни қўллаш ва ўқув жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар, машғулотларни олиб боришда методларини танлаш мезонлари.

4-Амалий машғулот:

Замонавий таълим ва инновационтехнологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: кейс-стади.

Кейс-стадининг аҳамияти ва моҳияти. Кейс-стади услубининг умумий тавсифномаси. Кейс-стадининг моҳиятли белгилари. Кейслар типологияси. Кейсологнинг интервью ўтказиши қоидалари. Кейс объектининг тарихий баёни. Кейснинг педагогик паспорти. Педагогик аннотация.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (кичик гуруҳларда ва ҳамкорликда ишлаш, ақлий қизиқишни р
- ивожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- кичик гуруҳларда ишлаш (топшириқлар бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- дебат (топшириқлар бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.5 балл
3	Мустақил иш		1.0 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Скарабей технологияси

«Скарабей» интерфаол технология бўлиб, у тингловчиларда фикрий боғлиқлик, мантикий фикрлаш, хотираларининг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология тингловчиларга мустақил равишда ўз билимларининг сифати ва савиясини ҳолисона баҳолашга, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни аниқлашга замин яратади. У айни пайтда турли ғояларни ифодалаш ва улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга ҳам хизмат қилади.

«Скарабей» технологияси универсал технологиялардан бўлиб, ундан ўқув материалларини тингловчилар томонидан эгаллашнинг турли босқичларида, яъни:

-бошида - ўқув фаолиятини рағбатлантириш сифатида («Ақлий ҳужум») услуоби;

-мавзунини ўрганиш жараёнида - унинг моҳияти, тузилиши ва мазмунини белгилаш; мавзу мазмунини ичидаги асосий қисмлар, тушунчалар, алоқалар характерини аниқлаш, мазмунни янада чуқурроқ ўрганиш, янги жиҳатларини кўрсатишда;

-охирда - олинган билимларни мустақамлаш ва яқунлаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

«Скарабей» технологияси тингловчилар томонидан осон қабул қилинади, чунки у фаолиятнинг фикрлаш, билиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Технология таълим олувчилар тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутаяди, рефлексив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга.

Мазкур технологиянинг айрим афзалликлари сифатида идрок қилишни енгиллаштирувчи чизма шакллардан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

«Скарабей» технологиясидан яқка ҳолда, кичик гуруҳларда ва жамоа бўлиб ишлашларида фойдаланиш мумкин.

Мазкур технологияни амалга ошириш тартиби:

- “Ақлий ҳужум” методи ёрдамида тингловчиларнинг билимларини текшириш мақсадида уларни фаол ҳаракатга чорланади;
- Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинадилар, лекин истисно ҳолат учун яқка ёки жуфт тарзда ишлайдиган, юқори натижаларга эришишни кўзлайдиган тингловчиларнинг фаолият олиб боришларига ҳам йўл қўйилади;
- Тингловчиларга муаммоли вазиятларни ифода этувчи топшириқлар берилади;
- Топшириқни гуруҳ ичида тезкор ғояларни билидириш орқали бажарадилар;
- Гуруҳ фаоллари ичидан ягона эксперт танланиб, у ғояларни ранжирлаш билан шуғулланади;
- Танлаб олинган ғоялар тақдимот сифатида гуруҳ аъзоларининг бири томонидан аудитория олдида ўз ғояларини аҳамиятлилиги ва ассоциатив мантикий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, намоён қилиб, тагма-таг осиб тақдимот қилинади.

*Тинглолвчиларни
фаоллаштириши учун
бериладиган тезкор саволлар*

1. Модулли технологиялар?
2. Ўқув модули?.
3. Модулли ёндашув

Топшириқлар

1-гурух учун топшириқ

*Модулли таълимда маслаҳатлар тизими ва таълим инновациялари
хақида фикрингизни ёритиб беринг.
(Т-схема, Кластер, Инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда)*

2-гурух учун топшириқ

*Модулли ёндашув тамойиллари хақида фикрингизни ёритиб беринг?
(Т-схема, Кластер, Инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда)*

3- гурух варақаси

*Модулни таркибий қисмларини ёритиб беринг?
(Т-схема, Кластер, Инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда)*

ФСМУ технологияси

Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинарларнинг ўқув машғулоти хамда ўтилган мавзу ва бўлимлардаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув рўжаси асосида бирор-бир бўлим ўрганилгач қўлланилиши мумкин. Чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан қаторда тингловчилар томонидан ўқув жараёнида эгалланган билимларини таҳлил этишга ва эгаллаганлик даражасини аниқлашга, баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Машғулоти ўтказиш тартиби:

Ўқитувчи ҳар бир тингловчига **ФСМУ** технологиясининг тўрт босқичи ёзилган қоғоз варақларини тарқатади ва яқка тартибда уларни тўлдиришни илтимос қилади. Бу ерда:

- Ф - фикрингизни баён этинг;
- С - фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг;
- М - кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг;
- У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ўқитувчи тингловчилар билан баҳс мавзуси (ёки муаммо)ни белгилаб олади;

- яқка тартибдаги иш тугагач, тингловчилар кичик гуруҳларга ажратилади ва ўқитувчи кичик гуруҳларга **ФСМУ** технологиясининг тўрт босқичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади;

- кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда тўрт босқич бўйича ёзишларини таклиф этилади;

- ўқитувчи кичик гуруҳларнинг ёзган фикрларини жамоа ўртасида химоя қилишларини сўрайди;

- машғулоти ўқитувчи томонидан муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш билан яқунланади.

1-группа учун вазифа: “Комуникатив компентентлик” буйича куйидаги фикрларингизни баён этинг:
Ф- Фикрингизни баён этинг;
С- фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг;
М-курсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг;
У - Фикрингизни умумлаштиринг.

2-группа учун вазифа: “Тизимли компентентлик” буйича куйидаги фикрларингизни баён этинг:
Ф- Фикрингизни баён этинг;
С- фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг;
М-курсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг;
У - Фикрингизни умумлаштиринг.

Тезкор савол- жавоб

1. Мустақил таълим турлари?
2. Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишлар?
3. Аудиториядан ташқарида тингловчининг мустақил фаолиятни ташкил этиш?


“Балиқ скелети”

“Балиқ скелети” методини самарали амалга ошириш қоидалари:


- 1) Фикрлашга тўлиқ эркинлик берилади;

- 2) берилаётган ғоялар миқдори қанча кўп бўлса, шунча яхши;
- 3) мавзу асосида берилган ғояларни ёзиб, кўринадиган жойга осиб қўйиш зарур;
- 4) берилган янги ғояларни яна тўлдириб, қатнашчилар рағбатлантирилиши лозим;
- 5) янги-янги ғоялар туғилаётган экан, демак ишни давом эттириш керак.

«Балиқ скелети» методи



Блиц суров методи



“3x4” методи

Методнинг тавсифи. Ушбу машғулот аниқ бир муаммони (ёки бирор мавзуни) якка холда (ёки кичик жамоа бўлиб) фикрлаб ҳал этиши, ечимини топиши, кўп фикрлардан керагини танлаш, танлаб олинган фикрларни умумлаштириши ва улар асосида қўйилган муаммо (ёки мавзу) юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилишига, шунингдек, уз фикрларни маъқуллай олишига ўргатади. Бу технология тингловчилар билан аввал якка ҳолда, сўнгра уларни кичик гуруҳларга атилган ҳолда ёзма равишида ўтказилади.


Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: А-3, А-4 форматдаги қоғоз варақлари (гуруҳ сонига қараб), фламастер (ёки рангли калам).

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- умумий сонига қараб, 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (кичик гуруҳлар сони 4 ёки 5 та бўлгани мақсадга мувофиқ);
- машғулотнинг мақсади ва ўтказилиш тартиби билан таништиради ва ҳар бир кичик гуруҳга қоғознинг юқори қисмида ёзуви бўлган варақларни тарқатади;
- ўқитувчи кичик гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган асосий фикрни фақат учта фикр, яъни учта сўз ёки сўзлар бирикмаси, ёки учта гап билан давом эттиришлари мумкинлигини ўқтиради ва буни амалга ошириш учун аниқ вақт белгилайди;
- гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган фикрни ёзиб давом эттирадилар;
- вазифа бажарилгач, гуруҳ аъзолари ўринларидан туриб соат мили йўналиши бўйича жойларини ўзгартирадилар, яъни 1-гуруҳ 2-гуруҳнинг 2 -гуруҳ 3-гуруҳнинг, 3-гуруҳ эса 4 - гуруҳнинг (бошқа кичик гуруҳлар бўлса, шу тарихқа) ўрнига ўтадилар;
- янги жойга келган гуруҳ аъзолари шу ерда қолдирилган тарқатма материалдаги фикрлар билан танишиб, унга яна янги учтадан ўз фикрларини ёзиб кўядилар;
- гуруҳ аъзолари яна юқоридаги каби жойларини ўзгартирадилар, шу тарихқа кичик гуруҳлар ўз жойларига қайтиб келгунларига қадар жойларини алмаштириб, тарқатма материалларга ўз фикрларини қўшиб борадилар;
- ўз жойларига қайтиб келган кичик гуруҳлар тарқатма материалда тупланган барча фикрларни диққат билан ўқиб, уларни умумлаштирган холда битта яхлит таъриф ёки қоида ҳолатига келтирадилар;
- ҳар бир кичик гуруҳнинг муаллифлик таърифлари ёки қоидаларини гуруҳ аъзоларидан бири тақдимот қилади;
- ўқитувчи кичик гуруҳлар томонидан берилган таърифлар ёки қоидаларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди, сўнгра машғулотни якунлайди.



2-гуруҳ учун топшириқ



3-гуруҳ учун топшириқ



“Қандай ?” диаграммаси методи

“Қандай?” диаграммаси методидан фойдаланиш тартиби:

Машғулоти ўтишдан аввал унга муаммоли тус бериш мақсадида, ҳар бир кўриб чиқиладиган масаласи муаммо сифатида тақдим этилади. Тингловчиларни машғулоти бошидан мотивациялаштириш мақсадида уларга берилган муаммоларни ечимини излаб топиш йўллари қидиришга имконият яратиб берилади. Ушбу метод қуйидагича амалга оширилади:

- йирик муаммо ўртага ташланади ва уни ечишда Қандай? Калит сўзи қўлланилади;
- муаммодан поғоналар чиқарилиб, уларда янги ғоялар, яъни муаммони ечиш усуллари Қандай? Калит сўзи билан аниқлаб борилади;
- янги ғоялар тезкор ва беихтиёр тарзда берилиб, улар орасидаги боғланишлар топилади;
- поғоналар ихтиёрий шаклда ва ихтиёрий кесмалар билан ўзаро боғланиши мумкин;
- “Қандай?” диаграммаси охиригача туганмас жараёнدير;
- машғулотида муаммони ечиш йўналишларини аниқлаб олишга имконият яратади;



“Ғоялар ғилдираги” методи

«Ғоялар ғилдираги» шундай принципга асосланадики, қаерда қандайдир муаммони ҳал қилиш учун ғояларнинг маълум сонининг рўйхатини келтириш зарурий шарт бўлади, камида саккизта ғояни келтириш лозим.

Фойдаланиш бўйича тавсиялар:

1. Ўртасига ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони ёки масалани ёзасиз.
2. Саккиз – бу ўзаро келишув асосидаги вариант, умидсизликка тушиш учун унчалик катта сон эмас, агар сиз шунча ғояларни бирданига топишга эришаолмасангиз.

Бизнинг миямизнинг онгсиз қисми ўзининг ижодий имкониятлари чегарасини билмайди, шунинг учун (назарий жиҳатдан) сиз ғояларнинг берилган сонини осонгина ўйлаб чиқаришингиз мумкин.

3. «Ғоялар ғилдираги» Ҳар хил сондаги кегайлардан иборат бўлиши мумкин: 4;6;7;



Гуруҳ фаолиятини баҳолаш

Гуруҳ	Муаммолитопшириқни ечиш			Гуруҳ фаоллиги	Баллар йиғиндиси
	Вазиятни таҳлил қилиш ва йўналишни танлаб олиш	Янги ижодий ғоялар	Яқуний тақдимот		
	0.5	1.0	0.6		
1.				0.4	2.5
2.					
3.					
4.					

II. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Модулли ёндашувнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари.

Режа

1.1. Модулли ёндашув концепциясининг моҳияти, хусусиятлари, турлари ва тамйиллари.

1.2. Модулнинг таркибий қисмлари.

1.3. Модулли таълимда маслаҳатлар тизими ва таълим инновациялари.

Таянч иборалар: муаммоли таълим, дидактик- ўйин, ҳамкорлик технология, мудулли технология, модуль, модуль дастур, анъанавий таълим, модул, спецификацияси, тьютер, эдвайзер, фасилитатор, модератор, супервизор, супервизия

1.1. Модулли ёндашув концепциясининг моҳияти, мақсади ва вазифалари, тамойиллари.

Замонавий педагогик технологияларни бир неча турга бўлиш мумкин:

1. Муаммоли таълим технологиялари.
2. Дидактик- ўйинларга асосланган технологиялар.
3. Ҳамкорлик технологиялари.
4. Модулли технологиялар.

Мудулли технологиялар- энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган, Б.К.М. диагностикасида турли шаклларидадан фойдаланган ҳолда ташкил этилувчи яхлит жараён.

Модуль - мазмуний ва мантикий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир.

Модуль дастур- бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндиси бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндисидир.

Ўқув модули – нисбатан мустақил, мантикий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув методик таъминотдан назарий ва амалий

қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат.

Модулли технологиялар мустақил фаолият асосида талабаларда билим, кўникмаларни шакллантириш, уларда режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўзлаштириш бўйича самарали натижани таъминлашга қаратилган энг самарали ёндашувлардан бири бўлиб қолмоқда. Модул бу шундай мақсадгша йўналтирилган боғламки, у ўзида ўрганиладиган мазмунни ва уни ўзлаштириш технологиясини акс эттиради.

Бугунги кунда талаба шахсини барча имкониятларини юзага чиқариш учун албатта таълим шахсга йўналтирилган характерда бўлиши талаб этилади. Бунинг учун таълимни ташкил этиш жараёнида талабанинг қобилиятлари, эҳтиёжлари ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Ана шу элементлар ҳисобга олинган тақдирда ўз-ўзидан табақалаштирилган, ривожлантирувчи, ўқишга бўлган мотивларни кучайтирувчи “субъект-субъект” концепциясига асосланган таълим тизими келиб чиқади.

Анъанавий таълим тизимида чуқур ўрнашиб қолган педагогик парадигмалардан бири бу субъект-объект муносабатларидир. Бу ёндашув немис педагоги И.Ф.Гербард томонидан (1776-1841йиллар) киритилган. Бундй ёндашувда педагог субъект рлини бажаради ва қандай ўқитиш, қандай талабаларни ишлаб чиқиш, талабалар жамоасини қай йўналишда ривожлантиришни фақат ўз ёндашуви асосида ҳал этади. Талабалар эса пассив ҳолда объект ролини бажаради. Талабаларнинг асосий фаолияти эслаб қолиш, тушиниш, қўллашга ўрганиш ҳисобланади. Бу парагдимага қарши ғояни америкалик педагог Д. Дьюи ишлаб (1859-1952) чиқади. Унинг фикрича нимани ва қандай ўқиш лозим деган саволларга жавоб топишда талабага ҳам эркинлик бериш ва унинг ҳохишларини ҳисобга олиш лозим. Токи талаба ўз фаолиятини, ўз тақдирини, ўз ҳаётини мустақил бошқаришга фаол киришсин. Бу концепция “субъект-субъект” муносабатлари сифатида тан олинди ва кўпгина ривожланган давлатлар таълим тизимида ўз ўрнига эга.

Айтиш жоизки, таълим тарихида йиғилган бой дидактик тажрибанинг ижобий жиҳатлари ўз аксини модулли таълимда топди.

“Модулли таълим ” тушунчаси 1971 йилларда Дж.Рассел томонидан киритилди. Рассел модулни ўқув пакети сифатида талқин этади ва унга ўқув материалининг концептуал бирлигини ўрганишга оид ҳаракатларни киратади. Б.М.Гольдшмид – модулни талабага маълум кўзланган натижага етишга ёрдам берувчи мустақил бирлик сифатида талқин этади (1972 й).

Г.Оуенс модулни ёпиқ комплекс сифатида талқин этади ва бу комплексга ўқитувчи, талаба, ўрганиладиган ахборот материали, воситаларни киритади.(1975 й).

Замонавий тадқиқотчилардан бири П.А.Юцявичене модулни маълум даражадаги мустақил ахборотдан ҳамда мақсадли равишдаги методик

бошқарув асосида мақсад қилиб қўйилган натижаларни таъминлашга қаратилган бирлик сифатида таҳлил этади.

Н.В. Борисова, В.М. К.Я. Вазина, Гареев, Е.М. Дурко, В.В. Карпов, М.Н. Катханов, С.И. Куликов, П. Юцявичене ва бошқа олимларнинг фикрларини ўрганиш натижасида қуйидаги кўринишлардаги модулларни ажратиш мумкин:

- мустақил концептуал кичик бирлик;
- модул мустақил бирлик сифатида бир ўқув курсини ўз ичига олиб, бир неча блокларни ўзида мужассам этади;
- модул маълум мутахассисликка тегишли бўлган бир қанча ўқув предметларни ўзида мужассамлаштирувчи фанлараро бирлик бўла олади¹;
- аниқ бир мутахассисликни эгаллашга йўналтирилган касбий таълим модули.

Бундан ташқари “модул” тушунчасига тегишли бўлган бир қанча хусусиятларни ажратиш мумкин:

- Мақсад;
- Турли хил турдаги ўқув фаолиятини интеграцияси;
- Методик таъминот;
- Мустақил ривожланиш;
- Таълим жараёнидаги талабанинг мустақиллиги;
- Ўқув ахборотини таҳлил қилиш ва структуралаштириш кўникмаси;
- Назорат ва ўз-ўзини назорат;
- Талабанинг таълим олишдаги шахсий траекторияси.

Модуль бир неча блоклардан иборат бўлиши мумкин:

1. Блок. Кириш назорати- янги мавзуни ўрганиш учун мавжуд базавий ва қолдиқ билимларни текширишга қаратилган.
2. Блок. Назарий блок. Мавзунинг ҳар бир мантиқий бўлаги учун тузилган ахборот ва кўрғазмали материаллардан иборат (Ахборот расм, диаграмма, схемаларда тўлиқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ).
3. Блок. Назарий ахборотни ҳар бир бўлагини талабалар билан биргаликда таҳлил этишга қаратилган.
4. Блок. Амалий блок. Назарий билимлар асосида талабаларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш.
5. Блок. Чуқурлашиб боровчи блок. Мавзуга оид соҳа бўйича мураккаб топшириқларни бажариш.
6. Блок. Назорат блоки. Бажарилган топшириқларни назорат қилиш.
7. Блок. Назорат натижаларини таҳлил этиш. Умумий йўл қўйилган ҳатоликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

¹ Marcia J. Scherer “Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with disabilities”, American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover

8. Блок. Чиқиш назорати. Мавзу бўйича белгиланган топшириқларни бажариш ва топшириш.

Модулли ёндашув тамойиллари:

- ◎ Модуллилиқ
- ◎ Мазмунни структуралаштириш
- ◎ Динамик ҳаракатни таъминлаш (соддадан-мсураккабга)
- ◎ Фаолиятлилиқ
- ◎ Эгилувчанлиқ (гибкость)
- ◎ Натижаларни олдиндан аниқлаш
- ◎ Маслаҳатларнинг турли-туманлигини таъминлаш.

Модуль туралри:

◎ Назарий модульлар(Назарий билимларни шакллантиришга йўналтирилган модульлар).

◎ Амалий модульлар (Амалий кўникмаларни ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модульлар).

◎ Технологик ёки аралаш модульлар (назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модульлар).

2.1. Модулнинг таркибий қисмлари.

Модул дастур комплекс дидактик мақсаддан (КДМ) ва бу мақсадга эришишга хизмат қилувчи модуль блоклари йиғиндисидан иборат.

Модул дастурини ишлаб чиқиш учун асосий ғояларни ажаратиб олиш ва блок-модульларда структуралаштириш, сўнгра комплекс дидактик мақсадларни шакллантириш талаб этилади. Комплекс дидактик мақсадлар модул-блокларининг мақсадларига, яъни интегратив дидактик мақсадларга (ИДМ) ва хусусий дидактик мақсадларга (ХДМ) бўлинади, уни эса ўз навбатида ўқув элементлари ташкил этади.

Модул дастурларнинг мақсади албатта малакали мутахассисни етиштиришга хизмат қилади. Модул дастурнинг мақсадини тузишда ана шу мутахассисга қандай талабалар тизими қўйилаётган эканини аниқлаб олишдан бошланади. Бугунги кунда Россияда мутахассисга қўйиладиган умумий талабалар тизими ўрганилиб уларни уч асосий гуруҳга ажратилмоқда. Мутахассисни компентлигини аниқловчи критерийларни қуйидаги категорияларга бўлиш мумкин

*** Инструментал компентенциялар:**

- анализ ва синтез қобилиятига эга бўлиш;
- режалаштириш ва ташкил этиш қобилияти;
- умуий базавий билимларга эга эканлиги;
- мутахассислик бўйича базавий билимларни эгаллаганлиги;
- она тилида бемалол мулоқатга кириша олиш;
- ахборот технологияларидан фойдалан олиш малакалари;
- ахборот материали билан ишлаш қобилияти;

- муаммоларни ечиш қобилияти;
- Қарорлар қабул қилиш қобилияти.

***Комуникатив компентентлик:**

- танқид ва ўз-ўзини танқид қила олиш;
- груҳда фаолият кўрсатаолиш;-ўзаро мулоқатга кириша олиш;
- ахлоқий қадриятларни тан олиш;
- турли халқлар маданиятига хурмат билан қараш;
- бошқа йўналишда фаолият юритувчи экспертлар билан муносабатга

кириша олиш.

***Тизимли компентентлик:**

- билимларини амалда тизимли равишда қўллаш олиш;
- тадқиқот олиб бориш;
- янги ўроитга мослашиш;
- ижод қилиш;
- лидерлик қобилиятини ўстириб бориш;
- индивидуал ҳолда фаолият юритиш қобилияти;
- лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш;
- тадбиркорлик ва янги ғояларни илгари суриш;
- масулиятлилилик;
- муваффақиятга эришиш мотивининг ривожланганлиги.

Танланган мутахассислик бўйича умумий дидактик мақсадлар тасдиқланган стандартда ўз аксини топган. Модул дастурини ишлаб чиқишда ана шу стандарт талабларига асосланилади.

Модулларни ишлаб чиқишда учта асосий компонентга эътибор қаратиш лозим:

1. Модул спецификацияси.
2. Модулнинг назорат блокинни ишлаб чиқиш.
3. Модулнинг ўқув материални ишлаб чиқиш.

1.Модул спецификацияси-ана шу модул ҳақида тўлиқ маълумотни ўзида акс эттиради. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

1.1.Модулнинг номи. Модулларнинг номлари мазмунга мос бўлиши ва қайтарилишларга йўл қўймаслик лозим.

1.2.Ўқитишнинг мақсади. Мана шу модулни ўзлаштириш натижасида қандай фаолият юритиш имкони туғилиши, касбий тайёргаликдаги аҳамияти ёритиб берилиши лозим. Талабанинг режали тараққиёти акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

1.3.Ўқитиш натижалари. Модулни ўрганиш натижасида қандай билимларни эгаллаши, қанадй кўникма ва малакалар шакллантирилиши санаб ўтилади. Ўзлаштириш жараёни тугагандан сўнг талаба қандай фаолиятни қандай шароитларда бажара олиши кўрсатилади. Натижалар узвий бирликка

эга бўлиб, ўқитиш мақсадларидан четга чиқмаган ҳолда шакллантирилиши лозим. Натижаларни текшириш жараёнида бир неча кўникмаларни эгалланиши назарда тутилиши лозим. Одатда бир модул 3-5 турдаги кўникмани эгаллашга қаратилган бўлиб, уни эгалланганлиги мақсадга эришилганлик даражасини кўрсатади. Эришиладиган натижалар аниқлаштирилган мақсадларни шакллантириш қоидалари асосида шакллантирилади.

2. Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш.

2.1. Баҳолаш мезонлари. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фаолият объекти, бажариладиган фаолият тури, фаолият сифати, бажарилган фаолиятнинг стандартлари кўриб чиқилади. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ўқитиш натижаларига мос ҳолдаги фаолият тури ишлаб чиқилиши лозим. Ҳар бир натижани текшириш мезонлари 4 ёки 6 тадан ошмаслиги тавсия этилади.

2.2. Ўзлаштириш даражаси. Ўзлаштирилганлик даражасини чуқурлигини кўрсатувчи мезонлар ишлаб яқилади, баъзи ҳолларда уни ишлаб чимқиш шарт эмас, агар у баҳолаш мезонларида кўрсатилган бўлса. Ўзлаштирилганлик даражасини исботловчи эришилган натижа турли кўринишда бўлиши мумкин. Ўзлаштириш объекти- тайёрланган предмет, амалий топшириқ, оғзаки ёки ёзма жавоблар тарзида бўлиши мумкин.

2.3. Модулга кириш назорати. Модулни ўрганиш учун зарур бўлган таълим ва билимлар тизимини кўрсатади.

2.4. Ўқув жараёнини давомийлиги. Давомийлик Ўқув соатлари ёки зачёт бирликлари кўринишида акс этади.

2.5. Баҳолаш. Баҳолаш тизимини ишлаб чиқаётганда унинг ҳаққонийлигига ва ишончли бўлишига эътибор қаратиш лозим. Якуний назорат алоҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Баъзи модулларда ягона баҳо ҳам қўйилиши мумкин. Баҳолаш тизими модулнинг характерида келиб чиқиб танланади.

2.6. Модулнинг тушунтириш хати. Ушбу хат тавиялар кўринишида бўлиб, педагог шахсига йўналтирилган. Унда педагогга қўшимча тавсиялар, баҳолаш жараёнини олиб боришнинг янги имкониятлари, қўллаш мумкин бўлган усулларга тавсиф берилади. Проект, портфолио каби усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

3. Ўқув материали.

Ўқув материали ахборот матнини ва дидактик воситаларни ўзида акс эттиради. Ахборот матнида адабиётлар, иловалар ва ҳаволалар ўз аксини топади. Қайтар алоқани амалга ошириш учун ахборотни ишлаб чиқишда жорий назорат учун топшириқлар ва уларни ишлаб чиқиш намуналарини киритиш тавсия этилади. Ахборот материали тушунарли, лўнда ва кўрғазмали бўлиши лозим.

Модулли таълим индивидуал ёндашув воситасидир. Талаба мустақил

равишда ёки педагогнинг маълум маслаҳатларидан фойдаланган ҳолда қўйилган дидактик мақсадга эришади. Ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилади. Ўқитувчига ўзлаштириш жараёнини тўғри баҳолаб бориш, талабанинг мустақил фаолиятини самарали ташкил этиш, унинг тараққиётини кузатиб бориш масъулият юклатилади. Талаба фаолиятини самарасини баҳолаш, ўз вақтида коррективлар киритиб туриш лозим.

Модулни таркибий қисмлари:

1. Модульни номи.
2. Модульни ўзлаштиришдан мақсад.
3. Модуль билан ишлаш учун методик тавсиялар.
4. Назарий ахборот банки ва таянч тушунчалар.
5. Семинар, амалий ва лабаратория ишларининг мазмуни, топшириқлар ва уларни бажаришга ёрдам берувчи тавсиялар.
6. Жорий назорат топшириқлари.
7. Индивидуал ҳолда бажариладиган мустақил топшириқлар.
8. Ёзма назорат вариантлари.
9. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.
10. Талаба йиғиши мумкин бўлган рейтинг баллари.

Хулоса қилиб айтганда, модулли ёндашувнинг **мақсади** - ахборотни ўзлаштириш, идрок этилган ахборотни мустақил таҳлил қилиш, ўз мустақил фикрларини билдиришни тақазо этувчи ва қисқа муддатда оптимал усуллар ёрдамида белгиланган мақсадларга эришишдир¹.

1.3. Модулли таълимда маслаҳатлар тизими ва таълим инновациялари.

Модулли таълим юқорида айтиб ўтилганидек “субъект-субъект” муносабатларига қурилган. Шу сабабали талабаларнинг мустақил фаолиятига катта эътибор қаратилади. Талаба мустақил фаолиятини самарали бўлиши учун педагогдан турли хилдаги маслаҳатлар тизими талаб қилинади. Шу сабабли хориж тажрибасида педагогик ёрдамнинг турли кўринишлари такомиллашиб борди ва бугунги кунда педагогик фаолиятига кўра бир қанча тушунчалар келиб чиқишига сабаб бўлди. Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Тьютер - (лот. *tutorem* – маслаҳатчи) фаолияти талабаларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган.

Эдвайзер- (advisor - қадимги француз сўзи “avisen”, “ўйламоқ” сўзидан олинган) индивидуал ҳолда диплом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот олиб бориш, индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир.

¹S.K. Mangal, Uma Mangal, Educational technology, India 2013Ratha Mohan

Фасилитатор (ингл. *facilitator*, лот. *facilis* — «енгил, қулай» деган маънони билдиради) — **фасилитатор** гуруҳларда фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади. У гуруҳлардаги фаолиятни самарали бўлишини таъминлаши, гуруҳда соҳлом комуникацияни ўрнатиши, гуруҳда ишлаш қоидаларига ва регаментларга амал қилишни таъминлаши жоиз. Фасилитатор гуруҳда қулай психологик муҳитни яратади ва фаолиятни самарали бўлишига ёрдам беради. Ушбу тушунча мумтоз психолог Роджерс Карл томонидан киритилган бўлиб, инглиз забон мамлакатларининг таълим муассасаларида кенг фойдаланилади. 1989 йилдан буён Халқаро бош фасилитаторлар ассоциацияси (The International Association of Facilitators) фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда унинг фаолиятида 63 давлатнинг 1200 аъзоси иштирок этмоқда. Фасилитатор фаолияти турли моделларда учрайди. Қозоғистон миллий тиббиёт университетида бўлажак шифокорларни касбий фаолиятини моҳиятини чуқур тушиниши ва ўз шахсини мутахассис сифатида тараққиётини таъминлашда психологик-педагогик ёрдам кўрсатишга йўналтирилган. Фасилитатор фаолияти ҳар қандай тренингнинг таркибига киради. Турли амалий фаолиятларни онлайн тизимида, гуруҳларда ташкил этиш жараёнида фасилитаторлик хусусиятлари ўз аксини топади.

Модератор - (лот. *moderor* — меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

Супервизор- қуйидаги тўрт фазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради.

Супервизия — бу ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда тутаяди. Бу фаолият айниқса психотерапевтларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Супервизия касбий компетентликни оширишга, билим, кўнкмаларни янада такомлаштиришга ва шахсий камолотга эришишга ёрдам беради. Баъзи мутахассисликларни ўқув режасида (Клиник психология) “Супервизорлик” курси ўқитилади. У мажбурий амалий курс ҳисобланади. Умуман олганда, юқорида қайд этилган тушунчалар бир маъно ва бир вазифани ўзида акс эттирмайди. Улар орасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Улар ҳаммаси маслаҳат тизимига эга бўлиб, қандайдир фаолиятга урғу берган ҳолда олиб борилади. Лекин турли олийгоҳларда ушбу фаолиятлар турлирча номланиши ҳам мумкин.

Кейинги вақтларда модулли таълим тизимида комплекс ёндашув тамойили кучайиб бормоқда. Унда турли шакл, усуллар мослаштирилган ҳолда жойлаштирилмоқда. Бугунги кунда аралаш таълим инновация сифатида кириб келмоқда.

Деклан Берн "blended learning" (аралаш таълим) ҳақида шундай дейди- ушбу таълим бой педагогик тажрибадан самарали фойдаланишга қаратилган. Бундай ёндашув ахборотни тақдим этишда турли методикалардан

фойдаланишни, таълимни ташкил этишда ва таълим жараёнида ахборот технологиялари, индивидуал ва гуруҳларда анъанавий фаолиятни ташкил этишга асосланиши мумкин. Бундай турлича ёндашув талабани чарчатмайди ва ўқишга бўлган мотивларини кучайтиради. Асосий масала танланган методикаларнинг ўзаро муттаносиблигини таъминлаш ва кам ҳаражат асосида юқори самарадорликка эришиш ҳисобланади.

Аралаш таълим кўпроқ тренингларни ташкил этишни талаб этади. Тренингларни ташкил этишда қуйидаги босқичларга эътибор қаратиш лозим:

1. Тайёргарлик босқичи.
2. Мақсадларни аниқлаб олиш босқичи.
3. Тренингни ўтказиш босқичи.

Бугунги кунда blended learning таълими деганда кундузги анъанавий таълим ва масофавий таълимнинг элементларини комбинацияси ҳам тушунилмоқда. Бу тизимда ўқитувчи таълим марказида қолади ва интернет имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланди. Айтиш жоизки, ахборот технологияларининг таълим тизимидаги ахамияти беъқиёс, тобора унинг янги кўринишлари таклиф этилмоқда. Таълим тизимига ушбу технологияларнинг кириб келиши тарихига назар ташласак.

XVIII аср охирида Европада, мунтазам равишда фаолият кўрсатувчи ва кўпчилик аҳоли учун имкониятли бўлган почта алоқасининг жорий қилиниши натижасида “корреспондентлик ўқуви” пайдо бўлди. Талабалар почта орқали ўқув материаллари олар ва ўқитувчилар билан ёзма алоқа олиб борардилар ҳамда илмий иш шаклида ёки ишонч билдирилган шахсга имтиҳон топширардилар. Россияда бундай шакл XIX аср охирида пайдо бўлди. XX аср боши технологияларнинг жўшқин ривожланиши радио ва телевидениенинг пайдо бўлиши масофавий ўқитиш усулларига янги ўзгаришлар киритди. Бундай технологияларнинг кириб келиши жамият ҳаётининг кескин ўсиши билан боғлиқ бўлиб, талабалар аудиторияси бир неча юз баробар ошиб кетди. XX асрнинг 50-йилларидан ўқув-телекўрсатувлар ташкил қилина бошлади. Бироқ телевидение ва радиода олиб борилаётган бундай ўқув машғулотларининг жиддий камчилиги мавжуд эди, яъни талабада қайтарув алоқа олиш имкониятлари мавжуд эмас эди. 1969 йил Буюк Британияда жаҳонда биринчи бўлиб масофавий таълим университети очилди. Университет "Буюк Британия очик университети" деб номланди. Унинг бундай номланишининг сабаби, машғулот аудиторияларига тез-тез бориш зарурияти бўлмаган ҳолларда, юқори бўлмаган ҳақ ҳисобига масофавий билим олиш имкониятларини очиш эди.

Хорижий мамлакатларда масофавий ўқитиш дастурлари асосида фаолият юритувчи машҳур университетлар вужудга келди. Жумладан, University of South Africa 1946. Fern Universitat in Hagen (Германия, 1974). Миллий технология университети АҚШ 1984 (инженер мутахассислиги бўйича дастурлар асосида масофавий машғулотлар олиб борилади)), Хаген очик университети (Германия), ИНТЕС коллеж Кейптаун (ЮАР), Испания

масофавий ўқитиш миллий университети, Британия очик университетининг очик бизнес мактаби, Австралия худудий ахборот тармоғи ва ҳоказолар. Масофадан ўқитиш таълимнинг оммавийлашувида Интернет (“on-line”)нинг роли, телекоммуникацияларнинг ўрни, барча инсонларнинг Интернетга баробар очик ташрифи учун йўлак WWW (Web) технологиясини яратган олим Тим Бернерс Лининг хизмати беқиёсдир. Ҳозирги кунда масофавий таълим АҚШда мукамал шаклланган бўлиб, унинг вужудга келиши 1970-йиллар охирига бориб тақалади. Дунёда интерактив таълим олишнинг кўплаб базалари вужудга келяпти. Жумладан, Британия очик университетига қарашли масофавий таълим умумжаҳон марказининг маълумотлар базасини мисол қилиб келтириш мумкин. Дистант услубида Халқаро Кенгаш фаолият кўрсатяпти, “D – Learning” – масофавий таълим олаётган тингловчиларнинг сони тобора ортиб борапти. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида шахсий компьютер имкониятларининг ошиши ўқитиш тизимини соддалаштириш ва автоматлаштириш билан боғлиқ янги имкониятларни вужудга келтирди. Компьютер ўргатувчи дастурлар ҳар хил ўйинлар шаклида пайдо бўлди.

XXI аср компьютерлари ва Интернет масофавий ўқитишнинг тезкорлик ва соддалаштирилган тартибда кенг тарқалишига имкон берди. Интернет радио ва телевидениега нисбатан жуда катта силжишларга олиб келди. Ҳар қандай талаба билан у қаерда жойлашганлигидан қатъи назар мулоқотга киришиш ва қайтарув алоқага киришиш имкониятлари пайдо бўлди. Тезкор интернетнинг тарқалиши ўқиш учун "онлайн" семинар тизимига ўтиш имконини берди ва натижада масофавий ўқитиш тизими вужудга келди. Масофавий ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг ҳамма вақт аудиторияда бўлиши талаб қилинмайди. Масофавий ўқитишни амалга оширувчи кўпчилик ўқув муассасаларида умумий машғулотлар ўтказиб келинмоқда, айрим ҳолатларда улар кечки вақт ёки дам олиш кунлари ўтказилади. Бундай машғулотларда тингловчиларнинг қатнашиши шарт эмас, бироқ тингловчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш учун уларнинг бундай машғулотларда иштирок этиши жуда фойдали ҳисобланади¹.

Масофавий ўқиш таълим беришда икки асосий ёндашишни изоҳлаб беради – булар кенгайтириш ва трансформация моделларидир. Кенгайтириш моделида ўқитиш технологияси ҳозирги анъанавий усулдан деярли фарқ қилмайди. Трансформация модели ўқитувчи ва тингловчи ҳамкорлиги учун ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини ўзида мужассам қилади.

Бугун масофавий таълимнинг яна бир тури «webinar» (1998 йилда бу термин мулоқатга киритилди) технология вужудга келди. Вебинар технология ўқитишни web –технология асосида интерактив ҳолда ташкил этишни назарда тутди. Бу технология нафақат тингловчиларга ахборотни етказди балки, улар билан мулоқатга киришиш (оғзаки, ёзма) имконини яратади, яъни семинар кўринишида фикрларни алмашиш, ўз фикрини баён этиш мумкин.

¹ R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic

Бошқача қилиб айтганда интернет тармоғи асосида ташкил этилувчи таълим ҳам субъект-субъект парадигмасига ўтмоқда.

Назорат саволлари:

1. Модулли таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятлари
2. Таълим технологиясининг тамойиллари
3. Модулли таълим технологиясида қўлланиладиган таълим технологиялари
4. Модули таълим технологиясининг таркибий қисмлари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. MarciaJ. Scherer “Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with disabilities”, American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover
2. S.K. Mangal, Uma Mangal, Educational technology, India 2013Ratha Mohan
3. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic
4. Ш.Мамаражабов, Ж.Халмуратова “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” Т.2015 й.
5. В.Сатторов, Х.Гатаев “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Т.2015 й.

2-мавзу: Таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятни ташкил этиш бўйича хориж тажрибаси.

Режа:

- 2.1.Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш.
- 2.2.Аудиториядан ташқарида талабалар мустақил фаолиятини ташкил этиш.

***Таянч иборалар:** Мустақил фаолият, ижодий фаолият, мустақил иш, дидактик материал, организаерлар, интерфаол методлар*

2.1.Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш.

Мустақил фаолият муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни

шакллантиришни амалга оширишга хизмат қилади, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудиторияда ёки аудиториядан ташқарида бажарилади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги схемада келтирилган мустақил иш турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Талаба томонидан мустақил равишда жавоб ёзишни (реферат ёки ҳисобот шаклида) талаб этувчи саволлар ишлаб чиқилади. Талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлар ишлаб чиқилади. Мустақил ишларни уч турга ажратиш мумкин:

Ёзма мустақил топшириқларга қуйидагилар киради: ҳисоблаш учун берилган вазифаларни бажариш, умумлаштирувчи ва такрорланувчи жадвалларни тўлдириш, технологик хариталарни ишлаб чиқиш, лаборатория, амалий ишлар тўғрисида ҳисоботлар тузиш, турли органайзерлар асосида талабалар фаолиятини ташкил этиш ва б.

График мустақил топшириқларга қуйидагиларни киритиш мумкин: турли лойиҳаларни тайёрлаш чизмачилик ишларини эскизлаштириш, кесмалар ва кесишмаларни тасвирлаш, (айрим детал ва тугунларни чизиб кўрсатиш ва х.з), схемалар, графиклар, диаграммаларни тузиш, кузатиш натижаларини тасвирлаш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

Амалий ҳарактердаги мустақил топшириқларга қуйидаги вазифаларни киритиш мумкин: Талабалар педагог топшириғи асосида мустақил ишни бажариш жараёнида буюм ва маҳсулотларни тайёрлаш, жиҳоз ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш, маҳсулотга ишлов бериш, ҳисоблаш, янги мосламаларни лойиҳалаш, макет ва моделлар, намуналар тайёрлаш каби ишларни амалга оширадилар.

Мустақил ишларни индивидуал - дидактик мақсадларни амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Билимларни дастлабки шаклланишига, идрок қилишга ундайдиган вазифалар. Бунда талабалармақсадга эришиши учун нима талаб қилинишини билиши лозим. Вазифалар - ахборотларни, маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган бўлади.

2) Ўзлаштиришга ахборот, маълумотларни хотирада сақлаш ва қайта жонлантириш ва қайта ишлашга қаратилган топшириқлар. Бунда аввал эгалланган билимларни тўғри жалб қилиш, фаоллаштириш асосида бажариладиган ҳамда аниқ шароитда татбиқ этиш талаб қилинадиган вазифалар берилади.

3) Аввал ўзлаштирилган, қолипга тушган, тажриба тўпланиши натижасидаги билим, малака, кўникмаларга янгича нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилувчи топшириқлар. Уларда масаланинг моҳиятини излаш, янгича ечимлар топиш, янгича ғоя, фикрлар билан ифодалашни талаб этиладиган вазифалар берилади.

4) Ижодий фаолиятга ундовчи топшириқлар.

Бунда, янги ёки олдиндан маълум бўлсада, унгача бошқача нуқтаи назардан қаралган ғоя, фикрларни тадқиқ қилиш, яъни ахборотлар тўплаш, улар устида ишлаш, ўз фикрини билдиришга ундайдиган топшириқлар, вазифалар берилади¹.

Бугунги кунда малакали мутахассис тайёрлаш жараёнини мустақил ишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, айнан мустақил ишларни бажариш жараёнида талабаларда танқидий, ижодий фикрлаш рефлекслари ривожлантирилади. Аммо мусатқил ишларни ташкил этиш жараёнида маълум қийинчиликлар ва муаммолар ҳам мавжуд:

1. Тарқатма материалларни тайёрлаш масаласи. Педагог томонидан тайёрланган тарқатма материаллар ҳар бир талаба учун кўпайтирилиши лозим. Груҳда талабалар сони ўртача 20 та бўлиши мумкин. Ҳар бир тарқатма материални 20 тадан кўпайтириш учун маълум маблағ талаб этилади. Педагог ҳар гал ўз ҳисобидан маблағ ажартиш имконига эга эмас.

2. Дарс жараёнида ташкил этилувчи мустақил ишларни баъзан кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш усулидан фойдаланган ҳолда ўтказиш талаб этилади. Бунинг учун кичик гуруҳларда ишлашга қулай аудиториялар талаб этилади, аммо бундай имкониятлар олийгоҳларда ҳозирча йўқ.

3. Кўпчилик педагоглар мустақил ишларни ташкил этиш маҳоратига эга эмас.

4. Мустақил ишларни бажариш учун талабалар талаб этилувчи билимлар билан яхши қуролланган, мавзунини чуқур ўзлаштирган бўлишлари лозим. Агар маъруза дарсида талаба етарли тушунчага эга бўлмаган бўлса, у топшириқни ижобий ҳал этиш имконига эга бўлмайди. Шунинг учун мустақил ишларни ташкил этишда аввалам бор билимларни фаоллаштириш, эслаш, коррективировка қилиш ва ягона хулосага келиш мақсадга мувофиқ.

Мустақил фаолиятни ташкил этиш жараёнида ўқитувчи кўпроқ дидактик материаллардан фойдаланади. Дидактик материалларга талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш ҳамда фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли, қизиқарли саволлар, ижодий топшириқлар, лойиҳалар ўйинлар, қарсвордлар каби материаллар киради (1-расм).

Шунингдек ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган тарқатма материаллар, карточкалар, саволномалар, йўриқномалар, амалий ишни ташкил этиш бўйича технологик хариталар киради.

Дидактик топшириқлар ва материалларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш;
2. Тадқиқотлар олиб боришга йўналтириш;

¹ R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic

3. Турли вазиятлар ва ҳолатлар таҳлиliga қаратиш;
4. Таҷрибалар ва машқлар ўтказишга мўлжаллаш;
5. Янгиликларни излаш ва топишга йўналтириш.



1-расм. Дидактик материаллар.

Мустақил ишларни ташкил этишда “оддийдан-мураккабга” ҳамда “умумийдан-хусусийга”, “мавҳумдан-аниқликка” қараб ҳаракатланишни таъминлаш лозим.

Аудиторияда мустақил фаолиятни ташкил этишга оид юқоридаги талабалар тизими билан танишиб чиққач, ўқитувчи аудиторияда олиб бориш мумкин бўлган дидактик ўйинлар билан тингловчиларни таништиради (Органайзерлар, интерфаол методлар, мустақил топшириқлар).

Тингловчиларни бир неча гуруҳга бўлади ва ҳар бир гуруҳга алоҳида вазифа топширади. Ҳар бир гуруҳ ўзига топширилган вазифа бўйича тақдимот тайёрлайди.

Тавсиялар:

Талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга бағишланган топшириқни бажариш вақтида ҳар бир гуруҳ куйидагиларни бажариши лозим:

- ўз соҳаси бўйича мавзу танлаши керак;
- мавзуга мос бўлган мустақил фаолиятни ташкил этишнинг икки оптимал методини танлаши;
- танланган метод асосида қандай кўникма ва малакани шакллантирмоқчи эканига изох бериш;
- вазифани бажаришга қанча вақт ажратилганлигини белгилаш;

- топшириқни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- танланган метод асосида талаба ўрнида ўзи фаолият кўрсатиб вазифани бажариш;
- топшириқ натижалари бўйича тақдимот тайёрлаш.

Ҳар бир гуруҳ тақдимоти бошқа гуруҳлар томонидан таҳлил қилинади ва ютуқ ҳамда камчиликлар аниқланиб баҳоланади.

2.2.Аудиториядан ташқарида талабалар мустақил фаолиятини ташкил этиш

Кейинги йилларда таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълим олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки эндиликда таълим олувчиларда мустақил фикр ва ижодий фикрни ривожлантириш масаласи таълимнинг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Мустақил ишларнинг ажралмас қисми бу мустақил таҳсилдир. Талабаларнинг мустақил таҳсили уларни ўз билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилишидир.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсади талабаларни шахсий ва касбий сифатларини шакллантиришда ўз устида ишлаш устунлигидир. Мустақил таҳсилнинг асосий методи адабиётлар устида индивидуал ишлашдир. Бу метод ахборотлар оқишида энг зарур ахборотни топиш, унга баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради.

Талабалар мустақил ишини ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- Президент асарлари ва иқтисодий масалаларни тадқиқ қилишга бағишланган илмий адабиётларни конспект қилиш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- берилган мавзулар бўйича реферат, ахборот тайёрлаш;
- ўрганилаётган фаннинг энг долзарб муаммоларини қамраб олувчи рефератлар ёзиш;
- муаммоли вазиятларни ечимини топиш;
- кейс стади асосида мустақил фаолиятни ташкил этиш;
- касбга оид бўлган лойиҳаларни тайёрлаш;

Ўқув дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий-тадқиқот характеридаги ишлар аудиториядан ташқарида амалга оширилган мустақил ишлар қаторига киради.

Биринчи тур ишлари талабаларнинг назарий ва амалий билимларини ўзлаштириб бориш даражаси, амалий машғулотларга (амалиёт, лаборатория, семинар дарслари) тайёргарлик савияси ва уй вазифаларининг бажарилиш сифатини текшириш мақсадида, одатда, назорат ишлари олиш, савол-жавоб, суҳбат, мунозара, амалий топшириқларни бажартириб кўриш ва ҳ.к.

Иккинчи тур ишлар фаннинг ишчи ўқув дастурида аудиториядан ташқарида ўзлаштирилиши белгиланган мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни мустақил равишда излаб топиш, таҳлил қилиш, конспектлаштириш (ёки реферат тарзида расмийлаштириш) ва ўзлаштириш, ижодий ёндашишни талаб қиладиган амалий топшириқларни бажариш кўринишида амалга оширилади. Бу турдаги ишларни бажариш жараёни ва ўзлаштириш сифатининг назорати дарсдан ташқари пайтларда, махсус белгиланган консультация соатларида амалга оширилади. Курс иши ва лойиҳасини, ҳамда битирув ишларини ташкил қилиш бўйича олиб бориладиган фаолият ҳам аудиториядан ташқарида олиб бориладиган мустақил ишлар қаторига киради.

Мустақил ишлар жорий ўқув жараёни билан биргаликда ва узвий боғлиқликда олиб борилади. Мустақил равишда билиш доирасини кенгайтириш ҳамда қўшимча назарий ва амалий материални эгаллаш талаба эгаллаётган касбий малака ва ишлаб чиқаришда мустақил ишлай билиш кўникмасини орттириш билан чамбарчас боғланган.

Адабиётлар билан мустақил ишлаши, уни ўқиб чиқиб тушуниш, эслаб қолиш нуқтаи назардан эмас, балки маълум бир ўқув масалаларни (масалан, масала ечишни, курс лойиҳаси ва битирув иши лойиҳаларини) ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни топиш ва уларни тизимлаштириш, таҳлил этиш нуқтаи назардан қараш керак. Реферат, курс иши ва битирув ишларининг вазифаси махсус фанларидан олинган назарий билимларни мустақил билим орттириш йўли билан амалий мустаҳкамлашдан иборатдир. Талабалар курс иши ёки битирув иши бажаришар экан, улар албатта, чизиш, ҳисоблаш, таҳлил ишлари билан бирга (бир вақтнинг ўзида) бажариладиган ишлар бўлиб, изланишлар ва прогнозлашнинг илғор усуллари асосида мустақил равишда олиб борилади. Талабаларда курс ишини бажариш малакасини шакллантириш, ҳамда талабаларнинг иқтисодий муаммони ечишдаги ижодий изланишлари қуйидаги усулларда олиб борилиши мумкин: - муаммони атрофлича ўрганиш, унинг назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш ва амалий ҳолатдаги четга чиқишларни аниқлаш, ҳатоликларни ахтариш ва уларни йўқотиш йўллари ахтариш. Мазкур фаолиятнинг ютуғи шундаки, у талабаларни ижодий

изланишларга, мулоҳазалар юритишига, янги ечимларни ишлаб чиқишга ундайди¹.

Бугунги кунда фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёни кетаяпти. Шу сабабали битирув малакавий иш мавзулари буюртмачилар билан маслаҳатлашган ҳолда танланмоқда. Битирув малакавий ишларнинг натижалари буюртмачилар томонидан баҳоланади ва реал вазиятларда улардан фойдаланилади. Шундай қилиб талабаларнинг мустақил фаолияти ва ишлаб чиқариш ўртасида узвий алоқалар ўрнатилмоқда.

Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишлар лойиҳа ва кейс-стади усулидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши бугунги кунда хориж тажрибасида кенг қўлланилади.

Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятни ташкил этишга оид юқоридаги фаолият тури билан танишиб чиқилгач тингловчиларга қўйидаги вазифани тақдим этиш мумкин.

Тингловчилар фаолияти индивидуал ҳолда ташкил этилиб, ўзалри дарс берадиган курс бўйича аудиториядан ташқарида мустақил фаолиятни ташкил этиш жадвалини тўлдириш таклиф этилади (1- жадвал). Ушбу фаолият натижаларини таҳлил этиш учун экспертлар гуруҳи тайинланади.

Тавсиялар:

-танланган мустақил фаолият тури мавзунинг мақсади ва вазифаларига мос эканлигига эътибор қаратинг;

-эришиладиган натижага изох беринг;

-танланган мустақил фаолиятга ажратилган вақт муддатини аниқланг;

-танланган мустақил фаолият эришиш лозим бўлган натижани таъминлашда оптимал эканини асосланг;

Ҳар бир тингловчи ўз фаолият натижаси бўлмиш жадвални тақдим этгач экспертларнинг фикрлари билан танишиш мақсадга мувофиқ.

№	Фан мавзуларнинг номлари бўйича	Мавзуга ажратилган соатлар миқдори	Мавзуга мос бўлган аудиториядан ташқарида бажариладиган фаолият тури	Мустақил фаолиятга ажратилган вақт	Танланган мустақил фаолиятдан кутилаётган натижага изох
1					
2					
3					

Назорат саволлари

¹ Marcia J. Scherer "Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with disabilities", American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover

1. Аудиторияда мустақил таълимни ташкил этиш йўллари ?
2. Мустақил таълим турлари?
3. Аудиториядан ташқари мустақил таълимни ташкил этиш йўллари?
4. Мустақил таълимни ташкил этишда фойдаланиладиган таълим технологиялари

Фойдаланилган адабиётлар

1. MarciaJ. Scherer “Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with disabilities”, American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover
2. S.K. Mangal, Uma Mangal, Educational technology, India 2013Ratha Mohan
3. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic
4. Ш.Мамаражабов, Ж.Халмуратова “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” Т.2015 й.
5. В.Сатторов, Х.Гатаев “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Т.2015 й.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Мутахассислик фанларни ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.

Ишдан мақсад. Мутахассислик фанларни ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш

Масаланинг қўйилиши. Педагогик технология тушунчасининг мазмун-моҳияти, таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг илмий муаммолари, педагогик технологиянинг афзалликлари.

Ишни бажариш учун намуна

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, куп маротаба илгор педагогик технологияларни урганиб, уларни укув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уқтирилган.

Кейинги ун йиллар ичида яратилган, педагогикага багишланган адабиётларда «Педагогик технология», «Янги педагогик технология», «Илгор педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология» каби тушунчалар куп учраб тургани билан уларнинг узбек тилидаги маромига етган таърифи хали тузилмаган.

Республикамизнинг педагог олим ва амалиётчилари илмий асосланган хамда Узбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида куллашга интиломқдалар.

Бу ерда, нима учун бугунги кунда педагогик технологияларнинг миллий назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбик этиш зарурати тугилди, деган савол пайдо булиши мумкин. Жамиятимизга канчадан-канча билимли кадрларни ва юкори малакали олимларни етиштириб келган педагогика услублари мавжуд-ку, уларнинг эскириб, талабга жавоб бермай колган ва мафкуралаштирилган жойларини узгартириб, миллий тус бериб, фойдаланаверса булмайдими? - деган мулохазалар хам йук эмас. Узбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчилигининг аксарияти, айнан мана шу йулдан бормокда. Бу йул иложсизликдан излаб топилган булиб, киска муддат хизмат килиши мумкин. Мустакилликни кулга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамиятга бу йул узок хизмат килолмайди.

Чунки: **биринчидан**, маълум сабабларга кура жахон хамжамияти тараккиётдан ортда колиб кетган жамиятимиз тараккий этган мамлакатлар каторидан урин олиши учун ахоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илгор педагогик тадбирлардан фойдаланишнинг зарурлиги;

иккинчидан, анъанавий уқитиш тизими ёзма ва огзаки сузларга таяниб иш куриши туфайли «Ахборотли уқитиш» сифатида тавсифланиб, уқитувчи фаолияти биргина укув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб колганлиги;

учинчидан, фан-техника тараккиётининг ута ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;

туртинчидан, кишилик жамияти уз тараккиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга булган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга утиб бораётганлиги;

бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илгор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа мажму ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилишидир.

Педагогик технология юқорида санаб утилган бешта сабабий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир.

Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг илмий муаммолари. Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида махсус тадқиқотлар олиб боришни кузда тутуди.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари педагогика илмининг тадқиқот объекти сифатида, аниқ фанларни уқитиш услуги булибгина қолмай, ижтимоий фанларни уқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши лозим.

Жамиятимиз жадаллик билан тараккий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада ва, айниқса, таълим-тарбияда депсиниш ва умумий тараккиётдан орқада қолиш сезилмоқда. Бундай ноҳуш вазиятдан чиқиб кетиш йулларидан бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришдир.

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффақият билан кулланиб келаётган педагогик технологияларни урганиб, халқимизнинг миллий педагогика анибаларидан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда педагогик технологиясини яратиш лозим.

Технология, деганда, субъект томонидан объектга курсатилган таъсир натижасида субъектда сифат узгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йуналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кузда тутуди.

Ушбу тушунчаларни уқув жараёнига қучирадиган булсак, уқитувчининг уқитиш воситалари ёрдамида уқувчиларга муайян шароитларда курсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур булган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса, деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назарияси буйича бундай ижтимоий ҳодисани педагогик технология деса булади.

Педагогик технология ижтимоий зарурий сифатида. Педагогик технология ижтимоий зарурий булганлигидан даставвал АКШда 70-йилларда фалсафанинг бихивиоризм оқими заминида юзага келиб, бошқа ривожланган мамлакатларга тез тарқалиб кетди.

XX асрнинг 90-йиллари бошида Собик Иттифокка аъзо булган давлатлар бирин-кетин мустакил булганидан кейин, хар жихатдан тараккий этган хорижий мамлакатлар, шу жумладан Узбекистон учун хам кенг йул очилди.

Мустакилликка эришган Узбекистон олимлари хорижий мамлакатлар билан иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва илмий-маърифий алокалар урната бошладилар. Натижада юртимизга илгор ва самарали технологиялар кириб кела бошлади. Шулар катори жахондаги прогрессив педагогик технология деган тушунчалар хам кириб келди.

Педагогик технологияни укув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДХга кирувчи мамлакатлар ичида биринчилар каторида таърифлаган В.П.Беспальконинг фикрича, «ПТ - бу укувчи махоратига боглик булмаган холда педагогик муваффакиятни кафолатлай оладиган укувчи шахсини шакллантириш жараёни лойихасидир».

Россия олимларидан В.М.Монахов: «ПТ - аввалдан режалашти-рилган натижаларга олиб борувчи ва бажарилиши шарт булган тартибли амаллар тизимидир», - деган кискача таърифни бера туриб, унинг асосий хусусиятларига эътиборни каратади. «ПТ – укув жараёнини технологиялаштириб, унинг кайта тикланувчанлигини хамда педагогик жараён тургунлигини ошириб, бу жараён ижрочисининг субъектив хусусиятларидан уни озод килади», - дейди.

М.В.Кларин фикрича, ПТ-укув жараёнига технологик ёндошган холда, олдиндан белгилаб олинган максад курсаткичларидан келиб чикиб укув жараёнини лойихалашдир.

В.П.Беспальконинг узбекистонлик шогирдларидан Нурали Саидахмедов ва Абдурахмон Очиловларнинг фикрича, ПТ - бу укувчининг укутиш воситалари ёрдамида укувчиларга муайян шароитда таъсир курсатиши ва бу фаолият махсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир.

Узбекистонлик педагог олим Б.Л. Фарберман педагогик технологияга куйидагича таъриф беради: ПТ таълим жараёнига янгича ёндашув булиб, педагогикада ижтимоий-мухандислик онг ифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт холга солиб, унинг оптимал лойихасини тузиб чикиш билан боглик ижтимоий ходисадир.

Бу таърифларни узок хорижда берилган таърифлар билан солиштириб куриш учун япон педагог олими Т.Сакомото берган таърифни келтирамиз. «ПТ, - дейди Сакомото, - бу тизимли фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошкча килиб айтганда, педагогик жараённи муайян бир мажмуага келтиришдир».

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКО нинг таърифи буйича, «ПТ - бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини узаро узвий боглик холда куриб, бутун таълим жараёнини лойихалашда ва амалда куллашда тизимли ёндашув усулидан фойдаланишдир».

Келтирилган таърифларни илмий-фалсафий нуктаи назардан тахлил киладиган булсак, узок хорижда берилган таърифлар билан МДХ мамлакатлари олимларининг берган таърифлари бир-бирига якин келса-да, фарқи ҳам анчалигини кураимиз. Жумладан, Сакомато ва ЮНЕСКО таърифларида мажму ёндашув тамойилига алохида ургу берилган. МДХ олимларининг ПТ га берган таърифларида тизимли ёндашув эслатиб утилгани билан, укув жараёнининг лойихаси тузилаётганда уни мутлак унутиб, тизимли ёндашув тамойилининг конун ва коидаларига сира ҳам амал килинмаганини кураимиз.

Хакикатда эса, объектив борликка тизимли ёндашув тамойилини яхши билган кишига, Сакомато айтганидек, «ПТ - укув жараёнини муайян бир тизимга келтиришдир», деган тушунча кифоя килади. Бу тушунча оркали ПТ нинг бошка ҳамма хусусиятларини, яъни мақсадга йуналтирилганини, бир неча узаро узвий боғлик булган қисмлардан ташкил топганлигини ва бошкаларни англаб олса булади. Чунки бу хусусиятларнинг ҳаммаси, тизимлар назариясига биноан, тизим деб ном олган нарса ва ходисаларнинг ажралмас сифатларидир.

Педагогик технологиянинг асосий тушунчаси, сузсиз, укув жараёнига тизим сифатида ёндашишдир. Бунда таълим-тарбияда иштирок этувчи барча нарса ва ходисалар узаро функционал боғликликда булиб, бир бутунликни, яъни педагогик жараён тизимини ташкил килади. Педагогик жараён тизимининг муайян бир вақт мобайнида босқичма-босқич амалга оширилиши педагогик технология дейилади (4-расмга қаранг).

Педагогик технологиянинг афзалликлари. Педагогик технологиянинг аввалги услублардан афзаллиги, биринчидан, у таълим жараёнини бир бутунликда қуриб, таълим мақсади, унинг мазмуни, билим бериш усуллари ва воситалари таълим босқичларини лойихалаб, таълим жараёнини назорат қилиш ва таълим натижаларини баҳолаш каби қисмларини узаро узвий боғлик тизимга келтириб туриб, унинг лойихасини тузишидадир.

Иккинчидан у талабаларнинг узларига берилган билимни ёдлаб олиб айтиб беришига эмас, балки таълим ва тарбия жараёнининг якунида амалий ишларни бажарилишига йуналтирилганлигидадир.

Илмий асосланиб, яхши лойихалаштирилган педагогик технология буйича ҳар қандай уқитувчи ҳам, аъло булмаса-да, яхши дарс утади. Чунки педагогик технологияни педагог олим, методист ёки илгор тажрибали уқитувчилар тузади, шу боис уларнинг педагогик маҳорати педагогик жараён лойихасида уз ифодасини топган булади.

ПТ-бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йуналтирилган укув жараёнини тизим сифатида қуриб, уни ташкил қилувчи қисмлари булган уқитувчи (педагог)нинг уқитиш воситалари ёрдамида укувчи (талаба)ларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда курсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир.

Технологик ёндашув ишлаб чиқаришдан олинган булиб, унда минглаб технологик жараёнлар лойихалаштирилган. Улар ишлаб чиқаришда керакли натижаларга эришиш гарови ҳисобланади. Бу технологияларни куллаш вақтида ҳудуд ва уларнинг ижроси узгарса ҳам, керакли маҳсулот чиқаради. Таълим-тарбия жараёнида ҳам шунга эришиш учун педагогик технология ишлаб чиқилди.

Педагогик технология, умуман олганда, репродуктив (нусха олиш) дарс беришга асосланган булиб, ундаги укув жараёни укувчи (талаба)ларга типик ҳолатлардаги ҳаракатларни эгаллашга йўналтирилган.

Педагогик технологиянинг узига хос хусусияти шундан иборатки, унда укув мақсадларига эришишни қафолатлайдиган укув жараёни лойихалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойихалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий курсатмали тузилмада узифодасини топади.

Педагогик технологияни тушуниш учун асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунтазам узаро алоқани урнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асоси ҳисобланган таълим олувчининг ҳатти-ҳаракати орқали уқитишдир. Узаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, укув жараёнини тулик қамраб олиши керак.

Демак, анъанавий укув жараёнида асосий омил педагог (ва унинг фаолияти) ҳисобланса, педагогик технологияда биринчи уринда уқиш жараёнидаги укувчиларнинг фаоллиги қўйилади.

Педагогик технологиядаги репродуктив билим бериш жараёнида дарс аниқ булақларга булиниб, ҳар бир булагида укувчи (талаба) лар билиши шарт бўлган натижалар қўйилади. Укув материаллар дарс мақсадидан келиб чиқиб, модулларга бўлинган бўлади. Ҳар қайси модулга тест саволлари тузилади. Укув жараёни аниқ саволларга конкрет жавоблар топишга қўйилган бўлиб, саволлар ва жавоблар узаро узвий боғлиқликда бўлиши натижасида бир бутунликни, яъни тизимини ташкил қилади.

Педагогик технология тамойиллари. Педагогик технологияни яратиш тамойилларининг биринчиси – муайян дарс, мавзу, қисм, укув предметдан қўйилган асосий мақсадни шакллантириб олиш; иккинчиси – умумий мақсаддан келиб чиқиб, дарсни ёки укув предметини модулларга ажратиб, ҳар бир модулдан қўйилган мақсадни ва модуллар ичида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар тизимини аниқлаб олиш; учинчиси – модул ичида ечиладиган масалаларнинг ҳар бири бўйича тест саволларини тузиб чиқиш; тўртинчиси – мақсадлар аниқ бўлиб, тест саволлари тузилгандан кейин, мақсадларга эришиш усуллари танланиб, уларни ишлатадиган аниқ жойларни белгилаб олиш.

Таълим жараёнига технологик ёндашув пайтида, аввал айтиб ўтганимиздек, тизимли ёндашув тамойилига биноан дарс қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликларга ва фанлар аро алоқаларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу педагогик технологиянинг бешинчи тамойили ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Технология тушунчаси дастлаб қайси соҳада қўлланилган?
2. Педагогик технология тушунчасининг мазмун-моҳияти нимани англатади?
3. Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг илмий муаммолари нималардан иборат?
4. Педагогик технологиянинг ижтимоий зарурият сифатида белгиланишига сабаб нима?
5. Педагогик технологиянинг афзалликлари нималардан иборат?
6. Педагогик технология тамойилларини белгиланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Marcia J. Scherer “Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with disabilities”, American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover
2. S.K. Mangal, Uma Mangal, Educational technology, India 2013 Ratha Mohan
3. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic
4. Ш.Мамаражабов, Ж.Халмуратова “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” Т.2015 й.
5. В.Сатторов, Х.Гатаев “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Т.2015 й.

2-амалий машғулот: Гуруҳларни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб машғулотларни ташкил этиш.

Ишдан мақсад: Машғулотларни гуруҳларда, жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб ташкил этиш

Масаланинг қўйилиши. Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишнинг бошқа методлардан фарқи, кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишни ташкил этиш ва унинг асосий фазалари, методнинг афзалликлари ва камчиликлари

Ишни бажариш учун намуна

Махсус фанларни ўқитишда муваффақиятли равишда қўлланилаётган методлардан бири талабалар гуруҳларини жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишдир. Бу услубда асосий масъулият талабалар зиммасига юкланиб, улар фаоллигини оширишга қаратилади. Илғор мамлакатлар, шунингдек мамлакатимиз педагогларининг тажрибаси кичик қўллабқувватлаш ва ривожлантириш гуруҳи тарзида ташкил қилинганда, иқтидорли талабалар, ўқиш даражаси нисбатан пастроқ гуруҳларга ажратилади. Бажариладиган топшириққа кўра жуфтлик, 45 кишидан иборат ёки ундан кўп талабаталабалардан ташкил топган гуруҳларга бўлиш мумкин.

Кичик гуруҳларни фаолият кўрсатиши вақти, бир топшириқни бажаргунча амал қиладиган гуруҳлар, бир неча машғулот мобайнида

биргаликда ишлайдиган гуруҳлар, таркиби ўзгариб турувчи гуруҳлар тарзида ташкил этиш мумкин. Кичик гуруҳ аъзоларининг мажбуриятлари: Кичик гуруҳнинг ҳар бир аъзоси:

ўртоқларининг фикрини диққат билан эшитиши;

- гуруҳ ишида фаол қатнашиши ва ҳамкорликда ишлашдан бўйин тортмаслиги керак;
- зарурат бўлганда ёрдам сўраши;
- ундан ёрдам сўрашганда, бошқаларга ўз ёрдамини бериши;
- гуруҳ ишининг натижаларини баҳолашда иштирок этиши;
- ўзининг ролини яхши тушуниши ва бажариши;
- топшириқни бажаришда, аниқ вазифаларини билиши керак.

Ҳар бир кичик гуруҳнинг этакчиси тайинлангани маъқул. Уларни пассив, ўз фикрини айтмайдиган ёки яхши ўзлаштирадиган, фаол талабалардан танлаш мумкин. Этакчи турли функцияларни бажариши мумкин, кичик гуруҳ аъзоларининг топшириқни бажаришини назорат қилиши лозим. Этакчилар гуруҳнинг ҳар бир аъзосини индивидуал ҳиссасини, ролини кўрсатиб беришлари керак. Иложи борича барча талабаталабаларни этакчи ролида синаб кўрган маъқул. Кичик гуруҳларга бўлиниб дарс ўтиш услубининг бир неча моделларивариантлари мавжуд. Улар командаларнинг ўқув материални ўзлаштириш натижасини яхшилашга қаратилган. Бунда ўқитувчи биронбир материал ёки ўтилган дарсни қисқача тушунтириб, талабаларга топшириқ беради. Топшириқ масала, машқ, саволга жавоб ва бошқа шакллардаги назорат иши бўлиши мумкин. Топшириқ командалар ичида муҳокама қилинади. Кейин ўрганилган мавзу бўйича ҳар бир команда аъзоси индивидуал тарзда назорат иши ёзади. Ҳар бир талабанинг баллари жамланиб, умумий команданинг бали чиқарилади. У шахсий ва команда тўплаган балл билан таққосланади. Командаларнинг олган ўринлари аниқланиб, тўпланган балга кўра рағбатлантирилади. Иккинчи моделда мусобақа (танлов) ўтказилади. Бунда команда аъзолари бошқа команда аъзолари билан мусобақалашиб очколар тўплашади. Учинчи модель, мозаика модели деб ҳам аталади. Бу модель кўпроқ катта гуруҳ, айтилик, 25-30 тадан талаба бор гуруҳларда қўллангани маъқул. Гуруҳдаги талабалар сони бўйича ўқитувчи ҳар бир командага 5 ёки 6 тадан талабани жалб қилади. Ҳар бир команда таркибидаги талаба сонига қараб, 5-6 савол ёки қисмдан иборат материални ўрганиш учун топшириқ берилади. Ҳар бир командадан бир киши битта қисмни ёки саволни ўрганади. Турли командалардан шу қисм ёки саволни олган талабалар бирга йиғилиб, ўқув топшириғини муҳокама қилдилар. Бу гуруҳларни эксперт гуруҳлари деб аталади. Асосий гуруҳларни альфавитдаги ҳарфлар билан талабаларни рақамлар билан белгилаймиз. Айтилик, гуруҳ 30 та талабадан иборат. Ўқитувчи уларни 6 тадан 5 та гуруҳга (А, Б, В, Г, Д) бўлади. Биринчи гуруҳ А, ундаги талабалар А1, А2, А3, А4, А5, А6, иккинчи гуруҳ Б, ундаги талабалар Б1, Б2, Б3, Б4, Б5, Б6 ва ҳоказо тарзида

бўлинади, Ҳар бир талаба ўзининг рақами бўйича асосий командасидан, яъни ҳарф бўйича ўқув материалнинг маълум қисмини ёки саволни ўрганиш бўйича топшириқ олади. Сўнгра мутахассислар гуруҳида (рақамлар бўйича) барча 1 ёки 2 ва ҳоказо рақамлар асосида янги гуруҳ ташкил бўлади. Яъни мутахассислар командаси А1, В1, Г1, Д1, иккинчи команда А2, В2, Г2, Д2 ва ҳоказо тарзида янги команда ҳосил бўлади. Ҳар бир асосий командадан бир хил рақамдаги, лекин ҳарфи ҳар хил команда аъзолари тўпланиб, ўзларига берилган савол, топшириқни муҳокама қиладилар. Сўнгра ҳар ким экспертлар гуруҳидан ўзининг асосий гуруҳига қайтади. Гуруҳнинг ҳар бир қатнашчиси экспертлар гуруҳида ўзи ўрганган масалани гапириб беради. Гуруҳнинг ҳар бир қатнашчиси диққат билан ўртоқларининг фикрини эшитишга ҳаракат қилади. Чунки берилган топшириқни бажаришнинг ягона ёъли ўртоқларининг фикрини диққат билан тинглаб, таҳлил қилиб, сўнгра гапириб беришдир. Ундан ташқари, ҳар бир талабада ўз топшириғини муфассал бажариш учун стимул мавжуд. Сабаби, у берилган савол, топшириқни ўртоқлари қай даражада ўзлаштиришларига масъул. Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишдаги тўртинчи модель аввалги моделлардан бирмунча фарқланади. Бу моделда кичик гуруҳдаги ҳар бир талаба берилган топшириқни аввал алоҳида ўзи бажариб, фикрини семинар дафтарида ёзади. Сўнгра гуруҳ биргаликда ҳамманинг фикрини ўрганиб чиқади. Кичик гуруҳ номидан ягона жавоб тайёрланади, дарсда барча гуруҳларнинг жавоблари эшитилади ва гуруҳни эришган натижаси баҳоланади.

Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишни ташкил этиш ва унинг асосий фазалари. Кичик гуруҳларда талабалар ўртасида фикр алмашув, таҳлил қилиш имконияти кенг. Ҳар бир талабанинг фикри ўртоқлари томонидан таҳлил қилинади. Бунда ҳар бир талаба, албатта ўз фикрини асослашга, ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Мунозара жараёнида ҳар бир талаба ўз хатосини тушунади ёки ҳақлигини синаб кўради, ҳамкорликда муаммони эчишга ўрганади. Гуруҳни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб ишлаш мақсадга мувофиқ, қачонки:

- * ахборот билан алмашув;
- * ғоя ва фикрларни йиғиш ва ўртоқлашиш;
- * қийин эчиладиган муаммо ва вариантларни таҳлил қилиш;
- * мураккаб масалани эчиш ва хулоса чиқариш зарур бўлганда.

Гуруҳда ишлаш индивидуал ишлашга қараганда яхши натижа беради. Сабаби:

- ахборот диапазони кенг, чунки ҳар бир талаба маълум ахборотга эга;
- ҳамкорлик натижасида пассив талабаларнинг ҳам фаоллиги ортиши мумкин.
- кўпгина таклиф, фикрлар ўзаро танқид натижасида сараланади.

Гуруҳ билан ишлашнинг мақсади талабаларнинг билимини оширишдир. Услугани қўллаш натижасида талабалар томонидан:

- биргаликда ишлаш шаклланади;
- нутқ сўзлаш ва ўз фикрини асослаб беришга, химояланишга ўрганади;
- мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечишга иштиёқ шаклланади;
- ўрганишга, ишлашга кўникма ҳосил бўлади.

Кичик гуруҳларга бўлиб ўтилган дарсда ўқитувчи ягона ахборот берувчи, тақриз қилувчи, баҳоловчи шахс сифатида марказда турмайди. У мавзунини ўргатувчидан дарсни тайёрловчи ва ташкил этувчига айланади. Кичик гуруҳларда берилган топшириқ бўйича мавзунини интенсив ўрганишга тўғри келади. Қўшимча адабиётлар билан ишлаш, уларни чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қилиш натижасида олинган билимни узоқ муддат ёдда қолишига эришилади. Жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишнинг муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан унга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга боғлиқ. Кичик гуруҳларда ишлаш фақат қўйилган топшириқни эмас, балки унинг натижасини муҳокама қилишни ҳам ўз ичига олади. Бунда доскадан, техник воситалардан фойдаланиш мумкин.

Кичик гуруҳда ишлашнинг аҳамиятли жиҳати кичик гуруҳ, охиरोқибат умуман бутун гуруҳнинг ишини унумли бўлишини таъминлашдир. Бунинг учун ўқитувчи аввалдан ҳамма дарс жараёнини режалаштириши керак.

1. Тайёргарлик кўриш:

- * мақсад қўйиш;
- * материал танлаш;
- * кичик гуруҳларга топшириқни тушунтириш;
- * зарур материаллар билан таъминлаш;
- * қўйилаётган топшириқни, масалани ўқитувчининг ўзи эчиши зарурлиги.

2. Ахборот билан таъминлаш:

кичик гуруҳлар қандай топшириқ оладилар, уни бажаришга қанча вақт ажратилади;

қандай қоидаларга риоя қилиш керак кабилар эълон қилинади.

3. Топшириқ устида ишлаш:

кичик гуруҳ топшириқни олгач, вазифаларни бўлишиб олиши мумкин; кичик гуруҳлар ўзининг топшириғини бажаради.

кичик гуруҳ ўз иш натижасини гапириб беришга, қилган ишини кўрсатишга тайёрланади.

кичик гуруҳ ўз иш натижасини бошқа кичик гуруҳлар иш натижаси билан таққослайди.

4. Кичик гуруҳлар иш натижасини муҳокама қилиш:

* кичик гуруҳлар қўйилган масалани биргаликда муҳокама қилиш учун йиғилади;

* кичик гуруҳдан битта талаба (докладчи) эришган натижани қисқача доклад қилади;

* иш натижаси муҳокама қилинади;

* билдирган фикрлар бўйича умумий хулосага келинади;

* талабаларга умумий натижа эълон қилинади.

Ўқитувчининг роли:

* қарор қабул қилади;

* дарсни ташкил қилади ва бошлайди.

* назорат қилади ва зарур бўлганда, аралашади.

* таҳлил қилади ва баҳолайди.

Бу методни қандай қўлланишини юқорида кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишининг кооператив методи ҳақида тўхталганимизда, қўллашнинг асосий қоидаларини кўриб ўтдик. Кооператив методнинг дарслик, мақола ёки бошқа матн билан ишлашга қаратилган бир усули «Бумеранг» деб номланади. Бу метод талабаталабаларнинг дарс жараёнида, дарсдан ташқари турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, ўз фикрини эркин баён қилишни ўрганишига, дарс давомида уларни билимини баҳолашга қаратилган. Методни қўллашдан мақсад талабаталабаларга тарқатилган материални яқка ва гуруҳ бўлиб ўзлаштириш, суҳбат, мунозара орқали унинг мазмунини тушунишларига эришишдан иборат. «Бумеранг» методи кооператив ўқитиш методи бўлиб, кичик гуруҳлар билан дарс ўтишга ўхшаш бўлади. Бунда дарс жараёнида талабаларга ўрганилиши лозим бўлган матн билан ишлаш топширилади. Бунда дастлаб умумий мавзу матни кичик гуруҳларнинг сонига кўра бўлиниб, кичик гуруҳнинг барча аъзоларига бир хил матн тарқатилади.

Агар гуруҳни 5 та кичик гуруҳга бўлган бўлсак, у ҳолда 5та кичик гуруҳ умумий мавзу бўйича 5 хил матнга, ҳар бир талабаталаба ўз кичик гуруҳига тушган матнга эга бўлади. Талабалар фаолияти юқорида кооператив кичик гуруҳларга бўлиниб ишлашни кўриб чиққанимиздек, ташкил қилинади. Кичик гуруҳ фаолиятининг яна бир тури «Зигзаг» усули деб ҳам юритилади. Бунда юқоридагидек дастлаб, кичик гуруҳнинг барча аъзоларига бир хил матн бериб эмас, балки гуруҳга ажратилган матнни мавзуни ўрганиш учун кичик гуруҳлар фаолиятини ташкил қилишнинг иккинчи босқичида, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўртасида ҳам тақсимлаш орқали амалга оширилади. Масалан, бир талабага матннинг биринчи ёки ва иккинчи бети, иккинчисига 3-4 бети ва

хоказо тарқатилади. Кичик гуруҳ аъзолари ўзларига теккан матн бўйича эксперт гуруҳи ҳисобланади.

1. Эксперт кичик гуруҳлари материални ўрганадилар, тақдирот тайёрлайдилар. Эксперт гуруҳлари бу кичик гуруҳларда бир хил топшириқ олган талабалар бўлиб, яъни ўрганилиши керак бўлган китоб бетлари биринчи гуруҳдаги талаба билан иккинчи, учинчи, тўртинчи кичик

1 Бумеранг – австралиялик маҳаллий аҳоли ишлатадиган қурол. Отганда яна орқасига, овчига қайтиб келиш хусусиятига эга. Кооператив кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш тафсилоти гуруҳдан шундай топшириқ олганлар, яъни худди шу бетлар тушган талабалар учрашиб биргаликда ўқиб, муҳокама қиладилар.

Айтайлик, гуруҳ 25 талабадан иборат бўлсин. Уларни 5 та кичик гуруҳларга бўламиз. Бу кичик гуруҳдаги А номерли талабага 15бетни ўрганиш топширилган бўлсин, худди шу топшириқ 2кичик гуруҳдаги А номерли, 3кичик гуруҳдаги А номерли талаба, 4кичик гуруҳдаги А номерли талаба, 5 кичик гуруҳдаги А номерли талабада ҳам бор. Демак 5 та талаба 15 бетни ўқиб, фикр алмашадилар.

Шериклар экспертлар ўз материалларини ўқиб, ўрганишади. Уни диққатни тортадиган қилиб тақдир этиш учун саволлар тайёрлашади.

2. Талабалар ўз кооператив гуруҳларига қайтишади. Ўрганилган 5 бет материални навбат билан, ўзаро бирбирларига ўргатишади. Мақсад: ҳар бир киши бутун мавзунини тўлалигича ўзлаштириши керак.

3. Ҳар бир гуруҳ индивидуал ва гуруҳ ҳисоботини тайёрлайди. Гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси билимини синаш ёълларини ўқитувчи белгилайди. Айтайлик, ўқитувчи ҳар бир гуруҳ аъзоларига қатор саволлар бериб, оғзаки жавобларига кўра ёки ёзган назорат ишига қараб, тайёрлаган тақдироти бўйича ва бошқа усуллар, жумладан, кичик гуруҳлар ва талабаларни ўзларини ва бошқаларни баҳолаши орқали амалга ошириш мумкин.

Методнинг афзалликлари ва камчиликлари. Кичик гуруҳлар ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан дарсни тўғри ташкил қилиш, топшириқ ва унинг таркибини аниқлаш, дарс ўтказишни режалаштириш ва ўтказишга боғлиқ. Дарсни қуйидагича режалаштириш мумкин.

1. Ўзаро ижодий боғлиқлик, бирбирига таъсир этиш. Гуруҳда ижобий тарзда ўзаро ижодий

боғланиш юз беради.Бунда:

- Кичик гуруҳ олдига умумий мақсад қўйилади (масалан, гуруҳда биронбир материални ўзлаштириш. Саволга жавоб бериши лозим бўлган талабалар ана шу материални гуруҳнинг ҳар бир аъзоси тушуниб этишига эътибор қилиши керак).

- Гуруҳнинг барча аъзолари рағбатлантирилади (масалан, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси топшириқни бажариб, белгиланган натижага эришгандагина балл олади).

- Гуруҳ аъзолари ўзларида бор материал ва ахборотни ўзаро алмаштиришлари, ўртоқлашишлари керак (масалан, гуруҳнинг бир қисми бир материални, иккинчи қисми бошқа материални ўрганади ва сўнгра олган ахборотлари билан фикр алмашадилар).

- Гуруҳ аъзолари ўзаро ҳамкорликда ўйлайдилар ва маълум ролни бажарадилар (масалан, бири ёзиб туради, бири бутун гуруҳ номидан сўзга чиқади. Бошқалари мунозарада қатнашади). Шундай тарздаги ижодий боғланиш ижобий натижа беради. Ўзаро ҳамкорлик жараёнида (оғзаки таҳлил ва мулоқотда, бири билган ахборотни иккинчиси билмаслиги мумкин) талабалар бирбиридан ўрганади.

2. Шахсий масъулиятни ҳис қилиш. Ўзаро ижодий ҳамкорликнинг ўзи кичик гуруҳларга бўлиниб, дарс ўтишнинг муҳим натижаси ҳисобланади. Лекин ҳар бир гуруҳ аъзосининг янги билимни ўзлаштиришини таъминлаш учун берилган материал ёки саволни ўрганишда ҳар бирининг жавобгарлигини англашига эришиши зарур. Ҳар бир талабанинг шахсий жавобгарликни ҳис қилиши қай даражада эканлигини назорат иши ёки таваккалига танланган гуруҳнинг аъзоларидан бири жавобига қараб текшириш, аниқлаш мумкин.

3. Талабалар ўртасида мулоқот, кичик гуруҳда ишлай билиш маҳорати. Гуруҳда самарали ишлаш учун талабалар ўртасида бирбирига таъсир кўрсатишни ривожлантириш зарур. Бунга масалан, мулоқот, ишонч билдириш, сардорлик қилиш, қарор қабул қилиш ва низоли вазиятни бартараф қилиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

4. Гуруҳ бўлиб ахборотларни ишлаш. Гуруҳ аъзолари биргаликда ахборотни ишлайдилар ва материални таҳлил қилиб, ўз фикрларини ўртоқлашадилар. Жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиниб дарс ўтиш услубининг асосий жиҳатлари қуйидагилар:

- ижодий ҳамкорлик ва бевосита бирбирига таъсир кўрсатиш;
- масъулият ҳис қилиш;
- мулоқот, кичик гуруҳларда ишлай билиш маҳорати;
- гуруҳ бўлиб ахборотларни ишлаш.

Кичик гуруҳларга бўлиниб, дарс ўтишнинг афзалликлари:

- Муаммони, мавзуни, саволларни муҳокама қилишда талабаларнинг мустақиллиги.

- Мустақил олинган натижа яхши ўзлаштирилади ва узоқ вақт ёдда қолади.

- Мавзу бўйича талабалар жадал ишлашади.

- Ҳамкорликда ишлаш имконияти мавжудлиги.
- Ўқитувчи ягона ахборотчи, муҳаррир, имтиҳон қилувчи сифатида асосий ўринда турмайди.
- Талабаларда ўртоқларига нисбатан ўз билимини баҳолаш ва билмаганларини ўрганишга интилиш кучаяди.
- Талабаларда муаммони, вазиятни таҳлил қилиш қобилияти ўсади.
- Талабаларнинг хаттиҳаракатини аниқ мақсадга қаратилиши ортади.
- Талабалар ўртасида ҳамкорлик, бирбирига нисбатан ижобий муносабатлар шаклланади.
- Кичик гуруҳларда бажарилган ишлар талабалар томонидан муҳокама қилиниб, баҳоланади.

Жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб, дарс ўтишнинг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд. Биринчидан, муаммо билимни рағбатлантириш билан боғлиқ. Билими кучли талабалар юқори баҳо ола билмасликлари, билими кучсиз талабалар материални ўзлаштирмаганлари сабабли бутун гуруҳ паст балл тўплаши мумкин.

Иккинчидан, ўқитувчининг дарс ўтишдаги, ҳатто мураккаб масалаларни муҳокама қилишда ҳам роли минимал.

Учинчидан, талабалар бирбирига билмаганини ўргатади. Лекин янги тушунча, янги ўқув материали берилганда фаннинг мазмунини чуқур ва яхши тушунадиган ўқитувчи бўлиши керак.

Тўртинчидан, жуда кўп ўқитувчилар кичик гуруҳга бўлиб дарс ўтишни оддий гуруҳ бўйича ишлаш тарзида кўришади. Лекин назарий жиҳатдан ўқув материални ўзлаштириш учун бу этарли эмас. Натижада бу услубнинг имконияти тўла ишга солинмай қолади. Бешинчидан, кичик гуруҳга бўлиб дарс ўтиш, дарс жараёнида муаммо туғдириши мумкин. Сабаби, қўйилган масалани кичик гуруҳда муҳокама қилиш учун қўшимча аудитория талаб қилинади. Шунинг учун кичик гуруҳларга берилган топшириқни дарсдан ташқари пайтда муҳокама қилиб, семинар дарсида маърузачиларни тинглаш мумкин. Аудиторияда кичик гуруҳларга бўлиниб, биргаликда масала, машқ эчиш мумкин. Бунда талабалар берилган топшириқни маъносига тушунишдими ёки ёқми текшириш, уни бажаришга аниқ вақт белгилаш, талабалар ўртасида мулоқот ташкил этиш керак.

Методнинг асосий камчиликлари:

- Дарс ўтишнинг бошқа шаклларига қараганда кўп вақт талаб қилади.
- Ҳамма талабалар ҳам дарсга фаол катнашмаслиги мумкин.
- Ўқитувчининг роли минимал бўлгани сабабли мураккаб масалаларни муҳокама қилишда муаммо туғилиши мумкин.
- Дарс ўтишда мавзунини танлаш ва топшириқ тайёрлаш қийин.

- Топшириқнинг битта аудиторияда муҳокама қилиниши шовқинсуронни кучайиб кетишига олиб келади. Ҳар бир кичик гуруҳ учун алоҳида аудитория ажратишнинг имкони ёъқ.

Методнинг камчиликларига нисбатан афзаллик томонлари кўп. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида бу метод кенг қўлланилмоқда. Айниқса, бу методни бошқа методлар билан биргаликда қўллаш имкониятлари кенг.

Назорат саволлари:

1. Жуфтлик ва кичик гуруҳларга бўлиниб, дарс ўтиш қайси жиҳатлари билан бошқа методлардан ажралиб туради?

2. Талабаларнинг самарали ишлаши учун кичик гуруҳларда қандай қоидаларга амал қилиш керак?

3. Кичик гуруҳларда ишлаш талабаларга нималарни ўргатади?

4. Кичик гуруҳларга бўлиниб, дарс ўтишнинг асосий фазалари ва уларнинг мазмунини айтиб бера оласизми?

5. Методнинг афзалликлари нимада? Камчиликларичи?

6. Сизнингча, кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишнинг қайси моделларини қўллаш имконияти катта?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Marcia J. Scherer “Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with disabilities”, American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover

2. S.K. Mangal, Uma Mangal, Educational technology, India 2013 Ratha Mohan

3. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic

4. Ш.Мамаражабов, Ж.Халмуратова “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” Т.2015 й.

5. В.Сатторов, Х.Гатаев “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Т.2015 й.

3-амалий машғулот: Махсус фанларни ўрганишда қўлланиладиган методлар ва уларни танлаш мезонлари.

Ишдан мақсад: махсус фанларни бўйича машғулотларда самарали интерфаол методларни танлаш

Масаланинг қўйилиши Махсус фанлардан машғулотларда турли методларни қўллаш, интерактив методларни қўллаш ва ўқув жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар, машғулотларни олиб боришда методларини танлаш мезонлари.

Ишни бажариш учун намуна

Махсус фанлар дан дарс ўтишда турли методларни қўллаш зарурияти. Ҳозирги пайтда, аввал таъкидлаб ўтганимиздек, тайёр билимни ўзлаштириш асосий мақсад бўлмай, энг асосийси, талабаларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, мустақил танлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилиш объектив заруриятга айланди. Бу мақсадни амалга ошириш эса кўп жиҳатдан дарс ўтиш методларини танлашга боғлиқ.

Ҳар қандай фанни ўрганишда турли методлар қўлланилади. Бунинг сабаби, биринчидан, дарс ўтишда турли услубларни қўллаш уни қизиқарли бўлишига, талабаларни диққатини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришга қаратилади. Бир хил методда дарс ўтилавериши талабаларни зериктиради. Психологлар тадқиқотларига кўра ҳар қандай моҳир ўқитувчи ҳам бир хил методни қўллаб дарс берар экан, айтайлик, маъруза ўқир экан, талабалар дастлаб 20 минут, сўнгра дарсни тугашидан олдин 20 минут маърузани диққат билан эшитар, колган пайтда хаёлга берилиб кетар экан. Иккинчидан, талабаларнинг дарсни ўзлаштириш, билимни қабул қилиш қобилиятлари ҳар хил бўлиб, турли услубларни қўллашгина ўтилаётган мавзунини талабалар томонидан нисбатан тўлиқ ўзлаштиришга олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, билимни ўзлаштириш жараёнида мавзунини тезроқ англашга бир хил талабаларга бир услуб ёрдам берса, иккинчиларига бошқа услуб ёрдам беради.

Учинчидан, дарс ўтиш методлари талабаларни фикрлаш доирасини шакллантиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, барча педагоглар талабаларга билим беришнинг энг самарали ёъли, дарс ўтишга турли методларни қўллаш зарур деган фикр тарафдори бўлиб, айнан қайси метод қайси категориядаги талабалар учун қўлланилиши маъқуллиги бўйича эса ягона қолип ёъқ, Жаҳон педагогикаси тажрибаси шуни кўрсатадики, таҳлилий фикр юритадиган талабалардангина муваффақият билан ишловчи бизнесменлар, сиёсий лидерлар(сардорлар), фан арбоблари этишиб чиқади. Таҳлилий фикрлаш мустақил фикрлашдир. Ҳар бир кишининг фикр юритиши индивидуал характерга эга бўлиб, бошқаларникидан ажралиб туради. Ахборот эса таҳлилий фикрлашнинг бошланғич нуқтасидир.

Ғарб олимлари томонидан чоп этилган услубий ёқтиришади. Масалан, маъруза эшитиш, китоб ўқиш, адабиётларни конспект қилиш, назорат иши, реферат, доклад ёзиш кабилар.

Экстраверт гуруҳидаги талабалар ўқитишнинг фаол турларини, бошқалар билан ҳамкорликда бажариладиган услубларни ёқтиришади. Масалан, кичик гуруҳларда ишлаш, моделлаштирилган ўйинлар ўтказишда қатнашиш кабилар.

2. Инсонда олган ахборотни қайта ишлаш қобилияти ҳам турлича. Талабалар билим олиш, олган ахборотларини ёдда сақлаш, тушуниш ва қўллашда ҳам бирбиридан фарқ қиладилар. Баъзи талабалар учун вербал

(сўзда ифодаланган) ахборот, масалан, маъруза эшитиш ёки радио орқали тинглаш этарли. Бошқалари учун эса визуал (кўриш) ахбороти муҳим. Улар кўргазмали қуроллар: жадвал, схема, график, диаграмма кабилар орқали мавзунинг мазмунига тез тушунишади.

Учинчи гуруҳ талабалар учун кинестетик (ЎЗИ қатнашувчи) ахборот фойдали. Улар ўқитишнинг актив услублари, моделлаштирилган ўйинларда рол ўйнаш орқали ахборотни яхши ўзлаштирадilar.

3. Талабалар кўп нарсаларни бир бирларидан ўрганишади. Шунинг учун талабаларни бирбирларига таъсир кўрсатиш, ҳамкорлик қилишга асосланган дарс ўтиш методлари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, баъзилар мустақил, биринчи бўлишга интилиши билан ажралиб туради. Улар алоҳида ўқишни маъқул кўради. Уларга дебат, мунозара олиб бориш, конкурсларга қатнашиш ёқади. Бошқалар ёлғизликдан кўра ҳамкорликда ўқишга мойил. Улар учун кооперациялашган ўқитиш услубларини қўллаган маъқул. Баъзи талабалар аниқ фактлар, маълумотларни тезроқ қабул қилади. Бошқалари назарий математик моделларни ёқтиради. Баъзи талабалар кўргазмали расмлар, диаграммалар орқали, бошқалари мунозара қилганда, учинчилари эса амалиётда ўзи бажаришда қатнашса яхшироқ, пухтароқ ўрганади. Умуман олганда, таълимтарбиянинг методлари қотиб қолган эмас. Вақт ўтиши билан улар ўзгаради. Талабаларни билим олиши ва олган ахборотини қайта ишлаши учун турлитуман методларни ўйлаб топиб, қўллаш мумкин. Айниқса, ҳозирги пайтда муваффақиятли фаолият юритиш учун жуда кўп соҳаларга билишнинг турли усулларини қўллаш ва билим беришда мослашувчанлик, рангбаранг педагогик методлар қўллаш талаб этилади.

Ўқитувчиларни дарс жараёнида турли услубларни, ўқув топшириқларини қўллаб, талабаларда билим олишга иштиёқ уйғотишлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг қобилиятини, уларни индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда турли методларни қўллаш, албатта, ўзлаштириш натижасини кўтаради.

Тажриба шуни кўрсатадики, талабаталабаларни баркамол, чуқур билим эгаси, мустақил фикрлайдиган инсон бўлиб шаклланиши фақат индивидуал хусусиятларига боғлиқ эмас. Таъсир кўрсатадиган яна бир муҳим омил, таълим бериш жараёнини ташкил этишдир.

Таълим бериш жараёнини ташкил этишда эса ўқитиш шакллари ва методлари асосий рол ўйнайди. Айниқса, таълим методларини танлаш катта аҳамиятга эга. Ўқув методларини танлашда эса унинг самарадорлигини эътиборга олиш зарур.

Педагог олимларнинг тадқиқотлари бўйича ўқитиш жараёнида берилган ахборотни эслаб қолиш қўлланилган методларга кўра қуйидагича кўринишда акс этар экан (80бет).

Биз маъруза, доклад эшитар эканмиз унинг 5 фоизини, ўқиган материалларимизни 10 фоизи, видео, расм, кўргазмаларни кўрганимизни 20

фоизини, тажрибани намойиш қилинганида кўрган ва эшитганларимизни 30 фоизини, мунозарага киришсак, бирга муҳокама қилганимизни 40 фоизини, машқ эчар эканмиз, ўқиган, ёзган, гапирганларимизнинг 50 фоизини эслаб қолар эканмиз.

Ишбилармон ўйин, лойиҳа методи, мустақил ўқиганларимиз, таҳлил қилганларимизни муҳокама қилиш самарали метод экан. Бунинг натижасида талабалар онгида маълумотнинг 75 фоизи сақланиб қолар экан. Лекин, ўқувамалий машғулотлар жараёнида талабаларнинг бирбирларига ўргатишлари ундан ҳам самаралироқ ҳисобланади, бунда 90 фоиз маълумот ўзлаштирилади.

Инсоннинг эса сақлаш хотираси – биокомпьютердир. Одатда, олинган ахборотнинг жуда кўпи қисқа муддат ёдимизда сақланади.

Ўқитиш «пирамида»

А Х Б О Р О Т Н И Э С Л А Б Қ О Л И Ш

1. Маъруза, доклад. Эшитганимизнинг 5 фоизи;
 2. Ўқиш. Ўқиганимизнинг 10 фоизи;
 3. Видео, расм, кўргазмаларни кўриш. Кўрганимизнинг 20 фоизи;
 4. Тажрибани намойиш қилиш. Кўрган ва эшитганимизнинг 30 фоизи;
 5. Мунозара. Бирга муҳокама қилганимизнинг 40%;
 6. Машқ. Ўқиган, ёзган, гапирганларимизнинг 50%;
 7. Ишбилармон ўйини, лойиҳа усули. Мустақил ўқиганларимизнинг, таҳлил қилганларимизнинг, муҳокама, ҳимоя ва ёзганларимизнинг, намойиш қилганларимизнинг 75 фоизи;
 8. Бошқаларни ўқитиш. Бошқаларни ўқитган нарсаларимизни 90 фоизи.
- Бошқа янги ахборотни қабул қилар эканмиз, аввалги ахборот хотирадан кўтарилиб кетади.

Ахборотлар ниҳоятда хилмахил бўлиб, инсон ҳар куни ўз ҳаётида қабул қиладиган ахборотлар

миқдори турлича бўлиб, хотирада сақланиб қолиш жиҳатидан бирбиридан фарқ қилади.

Психологларнинг фикрича, ахборотни хотирада узоқ сақланиб қолиши учун, у гўёки

миянгизда филтрдан ўтиши, сараланиши, гўёки хотира қурилмасига ўтказилиши керак экан.

Ахборот сараланиб, охиरोқибат у ёки бу томони билан ажралиб турадиганларигина хотирага ўтар

экан.

Узоқ муддат хотирада қоладиган ахборотларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ниҳоятда қизиқарлилиги, жўшқинлиги ва бошқа шу каби хусусиятлари билан ажралиб турувчи ахборотлар;
- Тасаввур, ҳистуйғу ва шу каби бирбирини эслатадиган боғланишдаги ахборотлар;
- Инсон томонидан тушуниб, моҳиятига этилган ахборотлар;
- Фаоллик билан қабул қилинган ўрганилган, масалан, такрорланиб турадиган ахборотлар .

Билимни ўзлаштириш билан бир қаторда уни ёдда сақлаш, ундан фойдаланиш, такрорлаб

туриш муҳим аҳамиятга эга. Олинган билимдан фойдаланилмаса, такрорлаб турилмаса хотирадан

кўтарилади.

Демак, талабалар энг аввало ўқув материални ўзлаштириши, ёдда қолиш учун

олинадиган ахборотни иложи борича эшитиш ва кўриш орқалигина эмас, балки ўзи гапириши, ўз


фаолиятида синаб кўриши орқали этказиши катта аҳамиятга эга экан.

Бунга дарс ўтишда турли туман методларни қўллаш орқали эришиш мумкин.

Умуман олганда, ўқитувчиларнинг дарс жараёнида турли методларни, ўқув топшириқларини

қўллаб, ўз талабаларида билим олишга иштиёқ уйғотишлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Педагогларнинг муҳим вазифаси, мақсади айнан турли методлар орқали талабаларни билим, рот олишни турли шаклларига тезда мослашишга, ўз дунёқарашини кенгайтириш учун ҳаракат қилишга талабаларни қизиқтириш ва уни амалга оширишдир. Айниқса, ҳозирги пайтда муваффақиятли фаолият юритиш учун жуда кўп соҳаларга, билишнинг турли методларини қўллаш ва билим беришда мослашувчанлик, рангбаранг педагогик усуллар қўллаш талаб этилади.



Интерактив методларни қўллаш ва ўқув жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар. амлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, технологик ўзгаришлар, ислохотлар таълим стандартларини ўзгартиришга, янги фан, ўқув курсларини киритишигина эмас, балки дарс ўтиш методларини ҳам ўзгартиришни, талабаларни дарсга қизиқиб, фаол қатнашишларини таъминлайдиган методларни қўллаш эҳтиёжларини келтириб чиқарди.

Шунинг учун жаҳон педагогикасида асосий эътибор талабаларда ана шу хислатларни ҳосил қилишга қаратилди. Тажриба талабаларда айнан ана шу хислатлар, кўникмаларни ҳосил қилишда дарс беришнинг интерактив методларини қўллаш ижобий натижа беришини кўрсатди. Бу услублар дарс ўтишни диалог тарзда амалга оширишга, айниқса, талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлашга қаратилган.

Ҳар қандай фандан дарс ўтишда турли методларни, айниқса, интерактив методларни қўллаш зарурияти яна шунда ифодаланадики, биринчидан, бундай методларни қўллаш дарсни қизиқарли ўтиш ва талабаларни дарсга фаол қатнашишларини, иккинчидан, уларнинг диққатини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришга қаратишларини таъминлайди.

Дарс ўтишда қўлланиладиган методларни шартли равишда: анъанавий дарс ўтиш услублари ҳамда талабалар фаоллигини оширувчи интерактив методларга ажратиш мумкин.

Анъанавий дарс ўтишда дарснинг асосий мақсади кўпроқ тушунтиришга қаратилган бўлиб, ўқитувчи билим берувчи, талабаталаба билим олувчи ролини бажаради. Уларни ўрганилаётган мавзунини қай даражада

ўзлаштирганларини назорат қилиш жараёнида билдирган фикрларига қараб аниқланади.

Педагоглар, педагоголимлар дарс жараёнида талаба, талабалар ўртасида ҳамда улар билан ўқитувчи орасида юқори даражада ҳамкорлик ўрнатилса, уни интерактив ҳисоблашади.

Одатда бундай ҳамкорлик у ёки бу муаммони эчиш ёълларини фикрлашиб топишда, қабул қилинган қарорни қай даражада қўлласа бўлишини муҳокама қилишда ўрнатилади. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, муҳокама жараёни уни жавобларидан ҳам муҳимроқ. Таълим интерактив методларининг мақсади билим бериш эмас, балки талаба, талабаларда мустақил равишда ўқиш, изланиш, саволларга жавоб топиш, қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантиришдир.

Дарс ўтишнинг талабалар фаоллигини оширувчи интерактив методлари айрим адабиётларда ноанъанавий дарс ўтиш методлари деб ҳам таърифланади. Бу методлардан авваллари ҳам фойдаланилган, лекин камроқ эътибор берилган. Ҳозирги пайтда бутун дунёда фаол интерактив методларни қўллашни дарс ўтишнинг самарали методи сифатида тан олиниб, кенг қўлланилмоқда.

Интерактив методика ўзаро ҳамкорликнинг ниҳоятда кўп усул ва турларини қамраб олади. Лекин методик усул қандай бўлишидан қатъий назар, талаба талабаларнинг тажрибалари асосий таълим манбаи ҳисобланади. Ҳамкорлик асосида амалга оширилаётган методларнинг асосий хусусияти шундаки, унда талаба, талаба ўзи учун ниманидир кашф қилади.

Интерактив методлар «ўқишга ва уқишга» ўргатади. У талабаталабаларнинг ниҳоятда катта интеллектуал потенциалидан фойдаланиш имконини беради, уларни ўқув жараёнида фаол қатнашишларини таъминлайди. Ўқув жараёнида нафақат ҳамкорлик, балки мусобақа, беллашув элементларини ҳам қўллаш имконини беради.

Интерактив методлар талабаларни ўз фикрини ифодалаши учун кенг имконият яратиб берибгина қолмай, ўртоқларининг фикри, асослари, далилларини тинглаб, ўз фикридан қайтиши ёки фикрини тамомила ўзгартириши мумкин. Интерактив методлар бошқаларнинг фикрига ҳурмат билан қарашга, уни сабртоқат билан эшитишга ҳам ўргатади. Аудиторияда ҳамкорлик муҳитини яратишнинг реал имкониятини яратади.

Ўқитувчи яхши дарс беришнинг тайёр ретсептига эмас, балки интерактив методларга асосланган таълим технологиясига эга бўлиши керак. У ижодий ҳамкорликда ишлашга ва масъулиятли қарорлар қабул қилиш учун тайёр туришга ўргатади.

Таълимнинг интерактив методлари педагогларда:

- дарсда ўрганилаётган мавзуга қизиқиш уйғотишни таъминлайди;
- ўқув материални пухта ўзлаштириш имконини беради;

- талаба, талабанинг таҳлилий фикрлашини ривожлантиради;
- барча талаба, талабаларни ўқув жараёнига тортиш, фаоллигини ошириш учун шароит яратади;
- гуруҳда кўнгилдагидек ижобий психологик иқлим, муҳит яратади.

Дарс ўтиш методлари турлича бўлиб, улардан айримлари қуйидагилар: Тўғридантўғри баён қилиш услуби. Бу модель (услуб)да янги тушунчалар, навбатманавбат, астасекинлик билан, мантикий изчилликда бериб борилади. Бу услуб кўпроқ маъруза ўқиганда қўлланилади. Гуруҳларда жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиниб ишлаш. Бу услубда жуфтлик ёки кичик гуруҳ билан биргаликда қўйилган у ёки бу масалани, маълум белгиланган вақт ичида ўзаро фикр алмашиш, мулоқот қилиш орқали эчиш кўзда тутилади. Интервью – бир ёки бир неча кишилардан ахборот олиш учун аниқ мақсадга қаратилган сўров (саволжавоб) ўтказилади.

Дарсни аниқ ёъналтирилган (мўлжалланган) саволлар асосида олиб бориш. Бу услубда мавзу бўйича аниқ ёъналтирилган саволлар билан мавзу муҳокама қилинади. Ўқитувчи саволжавоб, суҳбатни бошқариб туради. Моделлаштирувчи амалий ўйинлар ва машқлар. Бу услубда талабалар қатнашади. Моделлаштиришда абстракт услублардан фойдаланиб, реал воқеликка иложи борича яқинлаштирилади. Бу услуб осон тушунадиган талабаларга қўл келади. Моделлаштирувчи ўйинда талабалар ўзлари белгиланган ролларни бажарадилар. Ўз хаттиҳаракатлари орқали зарур малака ва кўникмаларни эгаллашади.

Реферат – баҳолаш нуқтаи назаридан нейтрал позицияда турган ҳолда мавзу бўйича оғзаки ахборот бўлиб, у аниқ объектив, структура, китоб ёки рисоланинг мазмунини қисқача баён қилиш ёки бирон мавзу, асар бўйича қисқача доклад тарзида тайёрланиши мумкин.

Доклад ёки қисқача доклад мавзу ёки муаммони тартибга солинган ҳолда таништириш ёки баҳолаш тарзида баён қилинади.

Масала ёки машқ эчиш. Ўтилганларни назарий жиҳатдан ёдга тушириб, берилган топшириқни бажариш. Назарий билимни мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларга эга бўлишга қаратилади.

Тадқиқот методи. Бу методда бирон муаммо ёки гипотеза қўйилиб, гуруҳ биргаликда тадқиқот ўтказади, мантикий хулоса чиқарилади, уни илгари сурилган гипотеза билан таққослайди.

«Ақлий штурм» методи муайян муаммо эчиш учун талабалар ўртасига қўйилади. Унда ҳар бир гуруҳ ёки алоҳида талабалар томонидан фикр ва мулоҳазалар билдирилади. Улар солиштирилади ва хулоса чиқарилади.

Конкурс(танлов)лар ўтказиш. Маълум бир мавзу ёки муаммо бўйича талабалар олган илимларини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади. Дарс ўтишда бошқа қатор методлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўқитувчи мавзунинг мазмуни, гуруҳнинг тайёргарлигига қараб, қўллаши мумкин. Дарс бериш

жараёнида турли методларни қўллашни ҳозирги пайтда кенг тарғиб қилинаётганига қарамай ҳали кутилган натижага эришилгани ёёқ. Бунинг қатор сабаблари куйидагича:

- дарс жараёнини турли методлар асосида ташкил этиш, методларни қандай қўллаш бўйича методик қўлланмаларнинг ёёқлиги;
- интерактив методларни қўллаш бўйича ўтказиладиган дарсларга тайёргарликнинг кўп вақт ва маблағ талаб қилиши;
- интерактив методларни кенг қўллаш учун барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида моддий базанинг ётарли эмаслиги;
- интерактив методларни кенг қўллаб, дарс ўтиш ўқитувчидан чуқур билим ва маҳорат талаб қилиши;
- барча ўқитувчиларни бунга бирдай жалб қилишнинг қийинлиги ва ҳоказолар.

Бундан ташқари, ўқув жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар ва камчиликлар ҳам турли методларни қўллаб, дарс ўтишга тўсқинлик қилади.

Ўқиш жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар:

- а) бутун ўқув жараёнини ташкил қилишга тегишли;
- б) ўқув материалининг маълум бир қисмига тегишли бўлиши мумкин.

Камчиликлар эса:

- 1) умумий характерга эга бўлган;
- 2) ўқув жараёнидаги индивидуал тўсиқлар;
- 3) гуруҳ туфайли келиб чиққан қийинчилик;
- 4) дарс жараёнини ташкил қилишдаги қийинчиликлар туфайли келиб чиққан тўсиқлар.

Дарсни ташкил қилиш билан боғлиқ қийинчиликлар шовқин, дарс пайтидаги танаффус, дарсни бошқалар томонидан бузилиши туфайли келиб чиқиши мумкин.

Дарс жараёнида қўлланиши керак бўлган техник воситалар, дарслик, зарур ўқув қуроллари этишмаслиги кабилар ҳам қийинчиликлар туғдиради.

Ўқитувчинининг ўз фанини пухта билмаслиги, фанга доир янгиликлардан хабардор эмаслиги, ўзини бирорбир айби бор ёки бирор нарса этишмаётгандай тутиши ҳам дарс ўтишда қийинчилик туғдиради.

Талабаларнинг дарсда ўзини тута билмаслиги, ўзаро рақобатлашуви, ҳам дарс ўтказишга тўсиқ бўлиши мумкин.

Дидактик характердаги камчиликлар:

- ўқитувчинининг ҳукмронлик ролини ўйнаши;
- ўқитувчинининг ўзини тута билмаслиги;
- ўқитувчида сабртоқатнинг этишмаслиги;

- хушмуомалалик, хушфёълликнинг этишмаслиги;
- ёрдам беришга тайёр туришдаги камчилиги;
- хайрихоҳ эмаслиги, талабаларни кўркўрона сўзсиз бўйсунушга мажбур қилиши кабилардан иборат.

Дарс ўтишда юз берадиган турли камчиликлар натижасида талабаларнинг ўқишдан кўнгли совийди. Бу индивидуал, руҳий ва интеллектуал қобиляти даражасига нисбатан ўзлаштириш даражасини тушиб кетишида ифодаланади.

Ўқув жараёнида тўсқинликлар юз берганми ёъқлигини қуйидаги мезонлар бўйича аниқлаш мумкин:

- ўзлаштириш кўрсаткичининг пасайиши;
- дарсга қатнашиш даражасининг пасайиши;
- материални ўзлаштириш учун ажратилган вақтда улгурмаслик.

Демак, дарс жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи иложи борича ана шу камчиликлар юз бермаслигининг олдини олишга ҳаракат қилиши керак. Дарсда педагог интерактив методларни қўллаши учун шахсий тажриба талаб қилинади. Интерактив метод ва уларни қўллаш ҳақида кўплаб ўқув, услубий адабиётларни ўқиш мумкин. Лекин уларни қўллаш малакасига эса бевосита ана шу жараёнда ўзи қатнашибгина эга бўлиши, кўникма ҳосил қилиши мумкин.

Дарс ўтиш методларини танлаш мезонлари. Ўқитувчи дарсни режалаштирар экан, албатта, уни қандай метод асосида ўтказиш ҳақида бош қотиради. Юзаки қараганда, ҳар бир мавзунини хоҳлаган методни қўллаб ўтказаверса бўлади, лекин амалда бунинг иложи ёъқ. Бунга қатор объектив ва субъектив сабаблар, мавжуд шароит салбий таъсир кўрсатади.

Психология, педагогика бўйича ўқув ва илмий адабиётларда дарс ўтиш методини танлашга таъсир қилувчи жуда кўп омиллар кўрсатилади. (И боб, 3§ га қаранг) «Методика преподавания экономических дисциплин» китоби муаллифларининг фикрича таълим методини танлаш ёки аниқлашнинг олти та умумий шартшароитларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Булар;

1. Ўқитишнинг қонуниятлари ва тамойиллари;
2. Фаннинг мазмуни ва ўрганиш методи, жумладан, унинг предмети ва мавзулари;
3. Ўқитишнинг мақсади ва вазифалари;
4. Талабаларнинг ўқув имкониятлари (ёши, тайёргарлик даражаси, гуруҳнинг хусусиятлари);
5. Ташқи шароитлар (географик, ишлаб чиқариш, атрофмуҳит);
6. Ўқитувчиларнинг имкониятлари.

Турлитуман омилларнинг дарс ўтиш методини танлашдаги ўринларини иерархик тарзда жойлаштирадиган бўлсак, кўпчилик психологлар ва педагог олимларнинг фикрича, биринчи ўринда таълимнинг мақсади туради. Айнан дарс ўтиш мақсадида биз нимага эришишимиз лозимлиги ифодаланади, эришишимиз зарур бўлган натижа белгиланади. Иккинчи ўринда таълимнинг мотивация даражаси туради.

Мотивация – бу биологик жиҳатдан инсоннинг ирсий ва тўпланган тажрибаси асосида индивидуал ва гуруҳий равишда эҳтиёжларини қондиришга ёъналтирилган, ундайдиган туйғу. Инсонни ўқишга ўрганишга ҳам ана шу туйғу ундайди. Ўқитувчи дарс ўтиш методини танлар экан, албатта, талаба, талабалардаги мотивация даражасига эътибор бериш керак. Дарс ўтиш методини танлаганда таълим қонуниятлари ва

- таълим мазмунини ўзлаштириш суръати ва пухталиги, ўқитувчи томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ўқув фаолиятига, талаба, талабаларни билишга бўлган қизиқишини таъминлаш;

- уларнинг ҳар томонлама ривожланиши, камол топиши учун ўзлаштириши мумкин бўлган ўқув жараёнига қай даражада жалб қилиниши;

- ўзлаштирилган ўқув материали мазмунининг пухталигини таъминлашда мавзунини тўлиқ ёки қисман такрорлаш.

Ўқув жараёнида талабалар билим қонуниятларидан қандай фойдаланишлари дидактик принципларга амал қилиш билан боғлиқдир.

Албатта, дарс ўтиш методларини танлаётганимизда фанни ўрганишга қўйилган талаблар ва фаннинг мазмунига алоҳида аҳамият бериш лозим. Бир фанни ўзлаштиришда яхши натижа берган метод бошқа фанга талабаларни чуқур ўзлаштиришлари учун яхши ёрдам бермаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам дарс ўтиш методларини танлаганда, албатта, фаннинг хусусиятларига алоҳида диққат қаратиш лозим. Фанни ўрганишда ўқув материалнинг мураккаблиги ва миқдори ҳам муҳим рол ўйнайди. Демак, дарс ўтиш методини танлашда фаннинг бу жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, олий ўқув юртларида ишлаб чиқариш назарияси, академик лицей, касбхунар коллежларида ишлаб чиқариш асослари фанини ўрганишда абстракт тафаккур ниҳоятда катта рол ўйнайди.

Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, солиқ ва бошқа шу каби фанларда амалий методлар фанни ўрганишга катта ёрдам беради. Демак, методларни мувофиқ равишда танлаш лозим.

Дарс ўтишда қандай методни танлаш ўрганилаётган фанга, унинг хусусиятларига, ўрганиладиган мавзуларга боғлиқ. Масалан, статистика фанида технологик кўрсаткичларни ҳисоблаш асосий рол ўйнаса, бухгалтерия ҳисоби фанида эса ҳужжатлаштиришга асосий диққат қаратилади. Бир мавзунинг мазмуни мунозарада чуқур ўзлаштирилса, иккинчисиники, масаламашқ эчишда кўпроқ тушунарли бўлади. Дарс жарёнини қандай метод

асосида ташкил этишда талаба талабаларнинг ўртача билим даражаси ҳам муҳим рол ўйнайди.

Гуруҳда талабаларнинг билим даражаси юқори бўлса, мувофиқ равишда ижодий изланишга ундайдиган методларни қўллаш зарур. Бу уларни янада кўпроқ ўқишга, изланишга олиб келади. Билим даражаси паст бўлса, уларга фаннинг мазмунини ўзлаштиришга ёрдам берувчи методларни танлаган маъқул. Дарс ўтиш қийин бўлган гуруҳ талабаларнинг билим даражаси бирбиридан кескин фарқ қиладиган гуруҳдир. Шунинг учун бундай гуруҳларда билимдонлар бошқаларга ёрдам беришига эришишга, фанни ўзлаштиришга кўмаклашадиган методларни кўпроқ танлашга тўғри келади.

Ўқитувчи дарс методини танлар экан талабаларнинг фаоллиги, қизиқишини ҳам ҳисобга олиши зарур. Талабаларнинг қизиқиши паст гуруҳларда уларнинг фаоллигини оширувчи, фанни ўрганишга қизиқиш уйғотувчи методларни қўллаш зарур. Бунда моделлаштирувчи ўйин турли қизиқарли машқлар, конкурслар ўтказиш, талабаларга индивидуал топшириқлар бериш, айтайлик, бирон технологик кўрсаткичларни ўзгаришидан қандай хулоса чиқиши борасидаги фикрлашлар билан кечади.

Талабаларнинг фаоллиги юқори гуруҳларда уларни ўз устида мустақил ишлашларини таъминловчи, эришган даражада қотиб қолмай, янада кўпроқ билишга ундовчи методларни қўллаш муҳим.

Дарс ўтиш методини танлашда таълим бериш муддатини ҳам ҳисобга олиш зарур. Маълумки, вақт инсон учун энг чекланган ресурс. Шунинг учун талабаларни доимо вақтдан унумли фойдаланишга ўргатиш зарур. Фанни ўрганишга умумий қанча вақт берилгани, шулардан мавзуларга қанча вақт ажратилганига қараб, дарс ўтиш зарур. Шубҳасиз, дарс ўтиш методларини танлашда моддийтехник база, ўқитишнинг ташкилий шарт шароитлари ҳам муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир мавзуга ажратилган вақтдан келиб чиқиб, мақсадга эришиш учун ўрганилиши зарур бўлган асосий саволларга кўпроқ вақт ажратиши, шунга мувофиқ дарс ўтиш методини танлаш ва уни ўтказишни режалаштириши зарур.

Дарс ўтиш методини танлашга таъсир этадиган яна бир омил дарснинг шакли ва таркибидир. Албатта, назарий дарсда танланган методни амалий, дарсда ҳам қўллаш кутилган натижани бермайди. Ўқитиш методини танлашда гуруҳдаги талабалар сони ҳам катта рол ўйнайди. Кичик гуруҳларда муваффақият билан қўлланилган методлар катта гуруҳларда кутилган натижани бермаслиги мумкин, ёки умуман қўллаш қийин бўлади.

Дарс жараёнида қўлланиладиган методни танлашда ўқитувчи билан талабалар ўртасида ўқув жараёнида шаклландиган муносабатларда ўзаро ҳамкорликка диққат қаратилса, бошқаларида авторитарлик устун. Дарс ўтиш методини танлашда энг муҳим омил бу ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги даражасидир. Чунки қайси методни қўллаш, қандай қилиб дарс ўтиш, дарснинг мазмуни талабалар онгига этказиш ўқитувчига, унинг билими, салоҳияти, касбий кўникмаси, маҳоратига боғлиқ.

Юзаки қараганда дарс ўтиш методини танлаш мураккаб эмас. Уларни қандай қўллаш учун ўқитувчида тажриба бор. Улардан бирортасини танласа бўлди, дея фикр юритамиз. Лекин кўриб ўтганимиздек, дарс жараёнини ташкил этишга кўплаб омиллар таъсир қилади. Бундан ташқари реал жараёнга кутилмаган ҳолатлар, сабаблар таъсир қилиши мумкинки, уни аввалдан кўриб, ҳисобга олиб бўлмайди. Дарс ўтишда самарали методларни қўллаш деганда, мавжуд турлитуман методларни орасидан қабул қилинган мезонлар бўйича мавжуд шароитда энг юқори натижага эришиладиган методларни қўллаш тушунилади. Улар ҳар бир фан, мавзу, савол, гуруҳ учун турлитуман бўлиши мумкин. Дарс ўтиш методларини танлашда янги мавзунини, материални ўрганилиши, уни мустаҳкамлаш, мавзунини умумлаштириш ва дарс жараёни босқичлари ҳам катта рол ўйнайди.

Махсус фанларни масофадан ўқитиш методини қўллашнинг объектив асослари, афзалликлари ва муаммолари. Тараққиёт туфайли ҳаётимизга компьютер, интернетнинг кириб келиши, ўқиш, ўрганишнинг муҳим методи сифатида масофадан ўқитишни шаклланишига, ривожланиб боришига олиб келди.

Ёшларнинг чуқур билим, малака, кўникмага эга бўлишга эҳтиёжларини қондириши мумкин бўлган юқори малакали профессорўқитувчилар билан таъминланган билим масканларининг марказда ва йирик шаҳарларда жойлашгани масофадан ўқитиш тадбирларининг вужудга келишига туртки берди.

Ҳаётда шундай категориядаги кишилар борки, улар ўз билимларини оширишга. Тинмай изланишга эҳтиёж сезадилар. Лекин уни амалга ошириш учун анъанавий таълим тизими хизматларидан фойдаланишга имкониятлари ёёқ. Улар учун энг қулайи ўз хизмат вазифаларини бажарган ҳолда малакаларини оширишдир. Бундай эҳтиёжни масофадан ўқитиш ёрдамида қондириш мумкин.

Масофадан ўқитишни қулайлиги шундаки, ундан барча аҳоли қатламлари фойдаланиши мумкин. Масофадан (дистанцион) ўқитиш талабани мустақил билим олишга асосланган таълим жараёнини янгича ташкил этишдир. Таълим олиш жараёни, муҳити шу билан характерланадики, билим олаётганлар ўқитувчидан вақт ва масофа жиҳатидан ажралган ҳолда, узоқда, лекин телекоммуникация воситалари ёрдамида диалог олиб бориш имкониятига эга бўладилар. Масофадан ўқитиш ўқув материални хатлар, топшириқлар ёки аудиовизуал воситалар орқали мустақил ўрганишдир.

Масофадан ўқитиш ўзига хос қатор афзалликларга эга бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Сабоқ олаётганлар анъанавий ўқишга ўхшаб маъруза, семинар дарсларга мунтазам қатнашмайдилар. Улар ўрганаётган фанини, курсини ўзлаштириши учун, мутахассислик бўйича зарур билимларни олишга қанча вақт зарур бўлса, шунча ўқийди.

2. Ўқиш жараёнини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, касбий фаолият билан биргаликда олиб бориш мумкин.

3. Республикамизнинг энг чекка ҳудудларида яшаётганлар ҳам юртимиз ва чет эллик энг таниқли профессорўқитувчи олимлардан сабоқ олиш, жаҳоннинг машҳур кутубхоналари фондидаги ноёб асарлар билан танишиш имконига эга бўладилар. Ундан ташқари ўқитиш ҳар икки томон учун қулай вақтда, суръатда, келишилган ҳолда олиб борилиши мумкин.

4. Масофадан ўқитиш кенг ёйилган мамлакатлар тажрибаси, ҳисобкитоблари шуни кўрсатадики, анъанавий таълим тизимига қараганда бу 1050 фоиз арзонга тушади. Харажатларни пасайтиришга ўқув хоналари, техник воситалардан самарали фойдаланиш, ўқув материалларини концентрацияси ва унификацияси орқали эришилади. Шубҳасиз, ана шу афзалликларни ҳисобга олган ҳолда республикада ҳам кейинги пайтларда масофадан ўқитишни ёълга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Лекин масофадан ўқитишни республикада микёсида жорий этиш биз хоҳлаганимиздек тезда амалга оширилиши қийин. Сабаби, қатор муаммолар мавжудки, уларни эчмай туриб, қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди. Энг аввало, масофадан ўқитишни ташкил этиш учун мувофиқ равишда инфратузилмани яратишни талаб қилади. Зарур миқдорда дастурлар билан компьютерларга эга бўлиб, уларни умумий тармоққа улашни ташкил этиш керак. Масофадан ўқитиш янги информацион технология, компьютер, аудио, видеотехника, телекоммуникация воситалари тизимини талаб қилади, уни шакллантириб, хизмат кўрсатишни ёълга қўйиш лозим.

Виртуал ахборотдан фойдаланмоқчи бўлганлар учун кутубхона фондлари компакт дисклар, мувофиқ равишда каталоглар билан таъминлаш, уларни умумий тармоққа бирлаштириш зарур. Ўқув адабиётларининг электрон вариантларини комплекс тарзда тайёрланишига аҳамият бериш зарур. Фанлар, курслар бўйича таълим мазмуни давлат таълим стандартлари талабларига мос ўқув комплексларини яратиш лозим. Бу ҳолда дарсликлар, қўлланмалар ўрганилаётган фан бўйича масала, машқ, тестлар, глоссарий, ўзўзини текшириш учун саволжавоблар, кўргазмали қуроллар ҳозирланиши, ўқув методик тўпламларнинг электрон вариантлари яратилишига аҳамият бериш зарур.

Махсус фанларни ўрганиш анча мураккаб бўлиб, ўрганувчидан кучли ирода ва сабртоқат, тинимсиз изланишни, ўз устида ишлашни талаб қилади.

Маълумотлар, далиллар ўзгариши қандай натижага олиб келиши, улар асосида тўғри хулоса чиқаришни билиш Махсус фанларни нг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Технологик ёъналиш бўйича билим олаётган ёшлар учун, айниқса, Махсус фанларни , аввало, ишлаб чиқариш назариясини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш назарияси, бошқа Махсус фанларни масофадан ўқитиш учун зарур электрон ўқув дарсликлари, қўлланма, услубий адабиётлар тайёрлаганда буни албатта ҳисобга олиш зарур. Лекин ҳали ана шу

талабларга жавоб берадиган ўқув, услубий адабиётлар яратилганича ёъқ. Уларни яратиш машаққатли меҳнатни, вақтни талаб қилади.

Бундан ташқари, масофадан ўқитиш ўқишни хоҳлаганлардан ўз устида тинимсиз ишлаш, ўз вақтини тўғри ташкил этиш, маълум даражада бошланғич билим ва кўникмага эга бўлишни алаб қилади. Бунга, албатта, катта миқдордаги маблағ, вақт, меҳнат зарур.

Қўйилган мақсадни қисқа муддатда амалга ошириш учун эса, талабаларга дастлабки билим берувчи, ўқув адабиётлари комплексини тайёрловчи профессорўқитувчилардан бошлаб, масофадан ўқитишни ташкил қилишга масъул юқори бошқарув бўғинлари вакиллариғача ўз ишларига масъулият билан ёндашишлари талаб қилинади. Бу эрда яна бир нарсени унутмаслик керакки, талаба билан ўқитувчи ўртасидаги жонли мулоқотни ўз ўрни бор, уни ҳеч нарса боса олмайди. Масофадан ўқитиш технологияси кўп миқдордаги талабаларга мўлжалланган. Агарда уларнинг сони кам бўлса, сарфхаражатларни ошиб кетишига олиб келади.

Назорат саволлари:

1. Махсус фанларни ўрганишда турли методларни қўллаш зарурлигининг асосий сабаблари нимада деб ўйлайсиз?
2. Ахборот қандай тарзда қабул қилинса, уни эслаб қолиш даражаси энг юқори бўлади?
- Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?
3. Ўқув жараёнини ташкил қилишда қандай қийинчиликлар бўлиши мумкин?
4. Турли методларни қўллаб дарс ўтишнинг ижобий томонлари кўплигига қарамай, нима сабабдан ҳали ҳам турли интерактив методларни қўллаш талаб даражасида эмас?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. MarciaJ. Scherer “Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with disabilities”, American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover
2. S.K. Mangal, Uma Mangal, Educational technology, India 2013Ratha Mohan
3. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic
4. Ш.Мамаражабов, Ж.Халмуратова “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” Т.2015 й.
5. В.Сатторов, Х.Гатаев “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Т.2015 й.

4-амалий машғулот. Замонавий таълим ва инновационтехнологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: кейс-стади.

Ишдан мақсад: махсус фанлардан машғулотларда кейс-стади технологиясидан фойдаланиш

Масаланинг қўйилиши. Кейс-стадининг аҳамияти ва моҳияти. Кейслар типологияси. Кейс-стадининг услубий паспорти.

Ишни бажариш учун намуна.

Кейс-стадининг аҳамияти ва моҳияти

Таълим жараёнида кейс-стади услубини кенг татбиқ қилишнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари

Кейс-стади амалий вазиятларни таҳлил этиш ва ҳал қилиш асосида ўқитиш усули сифатида хорижий таълимда аввал-бошда ҳуқуқ соҳасида қўлланила бошлади: у илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуби кенг татбиқ этила бошлади.

Ана шу вақтдан бошлаб HBS кейсларнинг бой тўпламини йиғди ва мазкур услубни таълимнинг мустақил концепцияси даражасигача олиб чиқди.

Айни шу сабабга кўра кейс-стади услубини кўпинча гарвард услуби деб аташади. Ўз моҳиятига кўра, гарвард услуби таълим олувчиларнинг амалий вазиятларни видеоматериаллар, компьютер ва дастурий таъминотдан фойдаланиб ҳал қилиш бўйича интенсив тренингдан иборатдир.

Кейс-стадининг икки классик мактаби - Гарвард (Америкада) ва Манчестер (Европада) мактаблари мавжуд. Гарвард мактаби доирасида мазкур услуб ягона тўғри ечимни излашни ўргатиш усули ҳисобланиб, иккинчи мактаб кейсда баён қилинган муаммоли вазият ечимининг кўп вариантлилигини таклиф қилади. Америка кейслари ўнлаб саҳифали матнни ва кўплаб чизмаларни ўз ичига олади. Европа кейслари ҳажми бирмунча камроқ. Чет эллардаги бизнес-мактабларда одатий вазиятларни ўрганишга ўқув вақтининг ўртача 25 %дан 90 %гача бўлган қисми ажратилади. Масалан, Чикаго университети бизнес-мактабида ўқув вақтининг 25 % кейсларулушига,

Колумбия университетида – 30 %, Уортонда эса – 40 % тўғри келади.

Машғулотларни ушбу услуб бўйича ўтказишга ажратиладиган соатлар сони

бўйича унинг “илк ихтирочис” – Гарвард етакчилиги қилади. Оддий тингловчи HBSда ўқиш вақтида 700 тагача кейсларни кўриб чиқади ва бунинг учун ўқув вақтининг 90 %гача қисмини сарфлайди.

Бунда шундай аниқлик киритиш керак: молиявий фанларга ихтисослашган мактабларда кейслар салмоғи асосий фанлар - менежмент, маркетинг, ахборот технологиялари, ходимларни бошқариш ва шу кабилардан иборат мактаблардагига нисбатан анча камдир.

Мамлакатимиздаги таълим соҳасида кейс-стади, асосан, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида, айниқса бошқарув соҳасида қўлланилади. Кейинги йилларда олий ўқув юртларида ҳам ўқитувчиларнинг кейсларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қизиқиши ошаётганлиги кузатилаяпти.

Кейс-стадини иқтисодий олий ўқув юртининг таълим амалиётига кенг татбиқ этишнинг долзарблиги ва зарурлиги қуйидаги омиллар билан боғлиқ: Биринчидан, мамлакатдаги иқтисодий таълимнинг умумий йўналиши, унинг нафақат таълим олувчиларда аниқ билимларни шакллантиришга, шу билан бирга тингловчиларда фикрлаш фаолияти, назарий билимларини амалда қўллашга тайёрлик ва бунга қобилликни ривожлантириш, бўлғуси мутахассисларда мустақиллик ва ташаббускорлик, бошқарув ва иқтисодиётдаги тадқиқотларнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ кенг доирадаги масалаларни идрок этиш қобилиятини раванқ топтиришга йўналтирилганлиги билан.

«Инсоннинг қўлига балиқни тутқазсанг – у бир кун қорни тўқ юради, мабодо инсонни балиқ тутишга ўргатсанг – у бутун умри давомида очлик нималигини билмайди» - хитойлик донишмандларда шундай ҳикматли гап бор. Аудитория шароитларидаёқ бошқарувчилик ечимларини қабул қилишга доир малака ва кўникмалар эгалланмаса кейинчалик яхши бошқарувчи бўлиб чиқиш мумкин эмас. Келгусидаги касбий фаолият учун ўзининг бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш учун тингловчилар корхонада ва умуман иқтисодиётда вужудга келадиган турли хил вазиятларни таҳлил этиш малакалари ва кўникмаларини эгаллаши, таҳлил қила билиш қобилиятини ўстириши, бошқарувчига хос хусусиятларни орттириш зарур.

«Маслаҳат бериш мумкин, лекин бундай маслаҳатдан фойдаланишга ўргатиш мумкин эмаслиги» ҳақиқатдир. Ўрганиб олгач омадли иқтисодчи, молиячи ёки менежерга айланиб олишга имкон берадиган қандайдир ягона, универсал услуб ёки усул мавжуд эмас.

Тингловчиларнинг кейсларни ишлаб чиқиш технологияларини ўзлаштириши, кейсда тақдим қилинадиган амалий муаммоли вазиятларни таҳлил этиш, якка тартибда ва жамоа бўлиб уларни оптимал ҳал қилиш йўллари излаш малакаларини эгаллаши, бўлғуси мутахассисда функционал ваколатлиликни шакллантириш - касбий фаолиятда ўзининг бошқариш ва ташкил қилиш технологияларини лойиҳалаштириш, касбий жараён мантиғини қуриш усуллари, шунингдек касбий вазифаларни мустақил ва мобил тарзда ҳал этиш усуллари ҳосил қилишга ёрдам беради.

Иккинчидан, бозор иқтисодиётининг ностандарт вазиятларда бир тизимли асосда ва самарали ҳаракат қилиш, оқилона ечимларни қабул қилиш

қобилиятини эгаллаган мутахассисларга муҳтожлиги билан. Кейсда ҳар хил ҳаётий вазиятлар баёни берилади ва уларнинг оқибатлари хусусида мушоҳада юритиш ёки қатнашчилар ҳаракатларининг самарадорлигини баҳолаш ёхуд муаммони ҳал этиш усуллари таклиф қилиш талаб этилади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам амалий ҳаракат модели устида ишлаш таълим олувчилар – бўлғуси мутахассисларда меҳнат бозори талаб қиладиган касбий жиҳатдан муҳим хусусиятларни шакллантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Учинчидан, жаҳон тажрибаси кўрсатиб турганидек, кейс-стадингловчиларда ижтимоий етукликни ривожлантириш, ўқишга қизиқиш ва мотивларни ҳосил қилиш, уларни ҳақиқий профессионаллар сифатида етиштиришга кучли таъсир кўрсатади. Кейс-стадининг бўлғуси мутахассис шахсининг касбий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим фазилатларини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган усуллари ва воситалари, назаримизда 1-жадвалда ишонарли тарзда акс эттирилган.

1-жадвал

Мутахассисфазилатлари	Кейс-стадининг шахсий фазилатларни шакллантиришга таъсир кўрсатадиган усул ва воситалари
Мавҳум шароитларда вазиятни ҳис этиш ва адекват баҳолаш, оқилона ечимларни топиш қобилияти	Вазият субъектининг фазилатлари ва камчиликларини таққослаш ва баҳолаш, вазиятнинг ривожланиш мантиғини ажратиб олиш, муаммонинг оқилона ечимини излаш
Бир тизимли фикрлаш, мулоҳазакорлик, бозорвазиятидаги параметрлар ва ўзаро алоқаларни тушуниш	Вазият хусусида ҳар томонлама фикр юритиш, уни мақсадли таҳлил этиш, субъектларни уларнинг тузилмавий- функционал ифодасида яхлитлигича идрокэтиш
Мустақиллик ва ташаббускорлик	Мавҳумлик шароитида вазиятлар таҳлили, оқилона ечимнинг ишлаб чиқилишида ўқитувчи томонидан рағбатлантириладиган ва қўллаб-қувватладиган мустақиллик ва фаоллик
Ўзгаришларга тайёрлик, қайишқоқлик	Мунтазам ўзгариб турадиган вазиятларда оптимал феъл-атворнинг ишлаб чиқилиши
Амалий йўналишлилик	Муаммоли вазиятнинг ҳал этилишида нисбатан амалий натижага эришиш учун доимий изланиш
Ахборотлар билан ишлаш маҳорати	Доимий равишда асосий ахборотни излаш ва танлаш, уни тузилмаларга ажратиш, яна қайта тузилмалаш, уни таҳлил этиш, таснифлаш, бир

	тақдимот шаклидан бошқача шаклга ўтказиш, ўзаро ахборот алмашилиш
Коммуникативлик, Эмпатия	Муаммоли вазият ечими ва унинг мақсадга мувофиқ тарзда ҳал этилишини танлаш юзасидан ўз позициясини ҳар доим аниқ билдириш, далиллаш ва ўзининг нуқтаи назарини ҳимоя қилиш; кейс билан гуруҳ бўлиб ишлаш, мунозаралар ва ўз фикрини ўтказиш пайтида жамоанинг ошқора мулоқот ва ахборот алмашилиш, адолатли, конструктив ва тактикали танқидга ҳамда уни қабул қилишга, биргаликдаги фаолиятда ишончга ва ҳамфикрликка асосланган баҳамжиҳат ҳаракати
Муаммоли, мантиқий фикрлаш	Муамонинг изланилиши ва ифодаланиши ҳамда унинг асосий тавсифномалари белгиланиши, уни ҳал этиш усуллари ва воситаларининг асосланиши
Конструктивлик	Муаммони ҳал этиш моделининг ишлаб чиқилиши, конструктив ечимларнинг изланиши ва ифодаланиши
Назokatлилик	Жамоанинг ўз фикрини ўтказиш, мунозаралар, гуруҳ бўлиб ишлашга асосланган доимий баҳамжиҳат ҳаракати

Ва, ниҳоят, кейс-стади интерактив услуб бўлгани сабабли тингловчилар томонидан унга нисбатан ижобий муносабат бўлишига эришади, улар ушбу услубни ўқув ахборотини ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш юзасидан амалий кўникмаларни таъминлайдиган амалий қўлланма (практикум) сифатида қабул қиладилар.

Кейс-стади услубининг умумий тавсифномаси

□ Кейс – бу реал ҳаётнинг «бир парчасидир» (инглизча - TRUE LIFE атамасига кўра). Кейс вазиятнинг оддий ҳақиқий баёнигина эмас, балки вазиятни тушуниш ва баҳолашга имкон берадиган ягона ахборот комплекси дир.

□ Кейс-стади (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi - таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

□ Кейс-стади - таълим, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган таълим технологиясидир.

□ Вазият (ситуация) (кейинги лотинчадаги situation - аҳвол) – муайян вазият, аҳволни ҳосил қиладиган шарт-шароитлар ва ҳолатлар уюшмаси. Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

□ Муаммоли вазият. Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Кейс-стадининг моҳияти шундан иборатки, моҳиятига кўра кўриб чиқиладиган муаммоли вазият бўйича маслаҳатчилар ролини бажариши керак бўлган тингловчиларга қуйидагилар таклиф қилинади:

- кейсда баён қилинганида айтилган бир пайтда ташкилий ҳаётдаги типик амалий муаммони акс эттирадиган ва амалиётда ушбу муаммонинг ҳал этилишида ўзлаштирилиши ва қўлланилиши лозим бўладиган муайян билимлар мажмуини долзарблаштирадиган вазиятни идрок этиш ва таҳлилдан ўтказиш;

- муаммоли вазиятни мақсадга мувофиқ тарзда ҳал этадиган усуллар ва воситаларни излаш;

- таклиф этилган муқобил жиҳат(альтернатива)ларни баҳолаш ва улар орасидан қўйилган муаммога нисбатан энг қулай вариантини танлаш;

- танланган муқобил усул(альтернатива)ни амалга ошириш бўйича аниқ ечимни бутун тафсилотлари билан ишлаб чиқиш.

Кейс-стадининг моҳиятли белгиларини ифодалаймиз:

1. Ҳолати асосий параметрлари бўйича муайян дискрет вақтда ишларнинг реал аҳволини яна қайта тиклайдиган вазият шаклида тақдим этилган институционал тизим моделининг мавжудлиги.

2. Берилган вазиятнинг муаммолилиги.

3. Вазиятнинг тўлиқ чизмай эмаслиги ва, бунинг оқибати сифатида, унда мустақил, шаблон бўлмаган ечимларни талаб қиладиган мавҳумликнинг мавжудлиги.

4. Ечимларнинг қўллаб муқобил жиҳат (альтернатива)ларга эгаллиги: ҳар бир қатнашчи ўзининг билими, тажрибаси ва сезги(интуиция)сидан келиб чиқиб ўз вариантини таклиф қилади.

5. Муаммоли вазият оптимал ечимининг яқка тартибда, сўнгра жамоа бўлиб ишлаб чиқилиши ва оммавий тақдим этилиши (Шунингдек, кейс билан

мутлақо якка тартибда ишлашга ва натижаларни якка тартибда тақдим этишга ҳам йўл қўйилади).

6. Муаммоли вазият таҳлили ва унинг ечимини ишлаб чиқишдаги ягона мақсад.

7. Фаолият натижаларини гуруҳ бўлиб баҳолаш тизими.

8. Таълим олувчиларда бошқариладиган ҳиссий (эмоционал) кескинликнинг мавжуд бўлиши.

9. Ўқитувчи ва тингловчи таълим жараёнида айтилган бир пайтда ҳам масъул, ҳам эркин бўлади:

- Ўқитувчи кейсинг тайёрланиши ва унинг ўқув-услугий таъминоти, шунингдек ундан самарали фойдаланиш учун масъулдир.

- Тингловчи машғулотга тайёрланиш ва кейс бўйича ўқув

топшириқларини самарали бажариш учун масъул, айтилган бир пайтда у муаммоли вазиятни таҳлил этиш натижасида ечимлар ва хулосаларни ишлаб чиқиш борасида эркин иш тутаяди.

- Тингловчи ўқув шароитида муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишда хатога йўл қўйиши мумкин, лекин у реал ҳаётда қабул қилинадиган нотўғри ечим учун масъулият ҳиссини сезиши керак.

10. Таълим натижаларини режалаштириш ва уларга эришишда

таълимдаги ошқоралик билан қатъиятлилиқнинг қўшиб олиб борилиши.

Кейс-стади таълим услуби сифатида қуйидаги дидактик ўзига хос хусусиятларга эга:

- Кейсда тақдим этилган аниқ вазият таълимнинг воқелик билан ўзаро алоқасини таъминлайди, чунки у келгусидаги касбий фаолият учун типик муаммоларни акс эттиради. Бунда ўрганиш жараёни, ўз моҳиятига кўра, реал ҳаётда ечимни қабул қилиш механизминини ифодалайди.

- Кейс ундан фойдаланувчига муаммоларни таҳлил этиш, бир хиллаштириш ва ҳал қилиш йўллариини излашда эркинлик беради.

- Кейсни кўриб чиқишда тингловчилар таълим жараёнининг ташкилотчиларига айланадилар ва бир-бири билан ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилиш орқали реал коммуникацион ҳолатларни ифодалашади (масалан, банк - корхона).

- Таълим олувчилар аниқ вазиятни кўриб чиқиш жараёнида муайян умумлашган, концептуал тусга эга билимни шакллантиришга муваффақ бўладилар ва айтилган бир пайтда оддий умумлаштириш малакаларини орттирадилар.

- Амалий вазиятларга асосланган машғулотлар назарий тайёргарлик даврида олинган билимлар, шунингдек тингловчиларнинг ўз малака ва маҳоратларидан фойдаланиш ва амалда қўлланишга йўналтирилади.

- Кейс билан ишлаш натижаларининг оммавий тақдим этилиши тақдимотлар ўтказиш ва матбуот анжуманларида қатнашиш: ахборотни лўнда, мантиқан ва кўргазмали тарзда тақдим этиш, саволни ифодалай билиш ва жавобни далиллаш малакаларини ҳосил қилишга кўмаклашади.

- Кейс-стади таълимнинг бошқа услубларидан фарқли равишда нафақат таълим бериш ва тренинг, шу билан бирга диагностик/назоратчилик функцияларини ҳам бажаради.

Тингловчи имтиҳон олдидан кейсни олиши: уни ҳал қилиши ва амалий вазият таҳлилини ҳамда уни ҳал қилишга доир таклифларини ёзма иш шаклида тақдим этиши мумкин.

Кейс тингловчиларга бевосита имтиҳон пайтида таклиф қилиниши ҳам мумкин. Лекин бундай ҳолда у анча қисқа бўлиши, мақсадлари эса уларни тингловчи белгиланган вақт давомида ҳал қилишга улгурадиган ҳолатда бўлиши керак.

Тингловчиларнинг ўқув фани бўйича аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил иши кейслар туркумининг ечимини ўз ичига олиши умкин. Натижаларнинг графикка биноан ёзма тақдим этилиши (муддатлар ўқув режаси ва таълим дастурига мувофиқ белгиланади) ўқув ахборотларининг ўзлаштирилиши, ушбу курс бўйича ДТСга кўра назарда тутилган малака ва кўникмаларни оператив назорат қилиш ва баҳолашга имкон беради.

Кейслар типологияси

Кейсологнинг (шу ўринда ва кейинчалик - кейсни ишлаб чикувчи) вазифаси кейс турининг қўйилган дидактик мақсадларни оптимал амалга оширишига имкон берадиган ўзига хос хусусиятларини танлаш ва қўллашдан иборат.

Кейс интеллектуал маҳсулот сифатида ўз манбаларига эгадир. Уларни чизмали тарзда қуйидагича акс эттириш мумкин:



Расм. Интеллектуал маҳсулот сифатидаги кейснинг асосий манбалари

Социум кейсларнинг манбаидир, деган фикр ҳеч кимда шубҳа туғдирмаслиги аниқ. Фақат унинг кейснинг мазмуни ва шаклини қай даражада

олдиндан белгилаб бериши мумкинлиги ҳақида турлича фикр бўлиши мумкин.

Ижтимоий ҳаёт бутун турли-туманлиги билан кейс сюжети, муаммолари ва фактологик базасининг манбаи бўлади. Таълим ва тарбиянинг кейсда жамланган мақсадлари ва вазифалари, шунингдек таълим технологиясини белгилайдиган таълим яна бир манбадир.

Фан кейснинг учинчи манбаидир. У таҳлилий фаолият ва бир тизимли ёндашув билан белгиланадиган иккита асосий методологияни, шунингдек кейснинг ҳал этиш жараёнида қўлланиладиган бошқа илмий услубларни беради.

3-чизмада кейс детерминацияси асосий манбаларининг ўзаро нисбати бир хилда ва тенг томонли учбурчак сифатида тақдим этилган. Бу барча манбаларнинг тенг аҳамиятли эканлигининг идеал ва анча кам учрайдиган ҳолати - детерминантдир. Кейсларни қуришнинг реал амалиётида бундай ҳолат анча кам учрайди. Кўпинча манбалардан бирининг устунлик қилиши кузатилади. Чизма шаклида олганда манба ролени учбурчак бурчагининг катталиги тарзида тасаввур этиш мумкин. Бунда бурчак қанчалик тўмтоқроқ бўлса, тегишли манба таъсири шунчалик кўпроқ бўлади. Ўткир қирралар тегишлича манбанинг минимал таъсирини акс эттиради.

Ушбу ёндашув кейсларни асосий манбалари бўйича таснифлашга асос бўлиши мумкин. Бу ерда қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- 1) ҳаётий кейслари - мутлақо реал ҳаётий вазиятларни акс эттиради;
- 2) кабинетдаги кейслар - кейсолог моделлаштирган амалий вазиятни ўз ичига олади;
- 3) илмий-тадқиқотчилик кейслари – тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширишга йўналтирилган.

Ҳаётий кейснинг асосий вазифаси ҳаётий вазиятни батафсил ва тўлиқ Кейсларнинг турли манбалари акс эттиришдан иборат. Ўз моҳиятига кўра, бундай кейс вазиятнинг амалий, яъни «ҳаракатдаги» моделини яратади. Бунда бундай кейснинг ўқув мақсади таълим олувчилар тренинги, ушбу вазиятдаги билимлар, қобилиятлар ва феъл-атвор (қарорлар қабул қилиш) кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат бўлади. Бундай кейслар максимал кўрғазмали ва батафсил бўлиши керак. Уларнинг асосий мазмуни ҳаётни билиш ва оптимал фаолиятга доир қобилиятларни ҳосил қилишдир.

Гарчи ҳар бир кейс таълим берувчи функцияни бажарса-да, лекин уларнинг барча қирраларининг турли кейсларда акс этиши даражаси турличадир. Кўпроқ таълим берувчи функцияни бажарадиган, ҳаётни бироз бошқачароқ акс эттирадиган кейс кабинетдаги кейс дейилади.

Биринчидан, у ҳаётда кўпроқ учрайдиган ва мутахассис ўзининг касбий фаолиятида дуч келадиган типовой вазиятларни акс эттиради. Иккинчидан, таълим берувчи кейсда ўқув топшириқлари биринчи ўринда турадики, бу унда акс этадиган ҳаётнинг анча шартлилик элементи эга бўлишини олдиндан

белгилайди. Бу ердаги вазият, муаммо ва сюжет ҳаётда бўладигани каби тус касб этади. Улар сунъийлиги билан тавсифланади ва энг муҳим ва ҳақиқий ҳаётий деталлар конгломератидан иборат бўлади. Бундай кейс вазиятлардаги типикликни кўришга имкон беради ва вазиятни амлиётдаги шунга ўхшаган вариантни қўллаш орқали таҳлил қилиш қобилиятини олдиндан белгилаб беради.

Илмий-тадқиқотчилик кейси учун ҳам шундай хусусиятлар хосдир. Унинг асосий мазмуни шундаки, у вазият ва ундаги феъл-атвор ҳақидаги янги билимни олиш учун модел бўлиб хизмат қилади. Унинг таълим берувчи функцияси моделлаштириш услубини қўллаш орқали илмий тадқиқотчилик малакаларини шакллантиришдан иборат. Ушбу кейс тадқиқотчилик моделини яратиш тамойиллари бўйича курилади. Шунинг учун уни кўпроқ магистратурада, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги таълимда қўлланиш маъқулдир.

Бундай кейсда тадқиқотчилик функциясининг устунлик қилиши уни илмий-тадқиқотчилик фаолиятида анча самарали қўллашга имкон беради. Кейснинг юқорида ажратиб кўрсатилган манбаларини асосий, базавий ёки бирламчи манбалар деб аташ лозим, чунки улар кейсларга таъсир кўрсатишнинг энг моҳиятли омилларини белгилайди. Кейсларни шакллантиришнинг иккиламчи манбаларини ҳам ажратиб кўрсатадики, улар базавий манбалардан ҳосил бўладиган тусга эгадир. Қуйида уларга тўхталамиз.

1. Хорижий тажриба кўриниб турганидек, маҳсулотлари тингловчилар учун муайян шахсий аҳамият касб этадиган корхоналар фаолияти кўриб чиқилганида ёки ахборот «маҳаллий» материалга асосланганида кейслар муҳокамаси анча мазмунли ва қизиқарли кечади. Лекин бу кейсларда фақат мамлакатдаги корхоналар тажрибаси ёритилиши кераклигини билдирмайди.

Бунда у ёки бошқа сифати билан миллий бозорда мавжуд бўладиган корхоналар ва товарлар ёки хизматлар назарда тутилаяпти. Агар тингловчилар кейсларда баён қилинган ҳодисалар билан боғлиқ бўлган муҳит ва соҳани яхши билсалар, улар ўзларини анча ишончлироқ ҳис этади. Уларнинг, масалан, америкалик ёки бошқа хорижий истеъмолчилар феъл-атвори ва мотивларини муҳокама қилиши анча қийин кечади. Ўқитувчи ҳам ўзи субъектини яхши биладиган кейс муҳокамасига моҳирона раҳбарлик қилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам бундай кейслар муҳокамасида корхона – кейс объекти вакилини талиф қилишдек ноёб имконият мавжуд бўлади.

2. Статистик материаллар, бозор аҳволи ҳақидаги маълумотлар, корхонанинг ижтимоий-иқтисодий тавсифномалари ва шу кабилар кейсга илмийлик ва оддийлик бахш этади. Бунда мазкур материаллар вазиятни ташхис қилиш воситаси ролини бажариши, вазиятни тушуниш учун жуда муҳим бўлган кўрсаткичлар ҳисоб-китоби учун ахборот вазифасини удаллаши мумкин. Статистик материаллардан фойдаланишда тингловчи бу материалларни идрок этиши, қуйидаги каби бир неча саволларга жавоб

бериши керак: «Ушбу материаллар вазиятни тавсифлашда қандай роль ўйнайди?», «Материалларнинг ўзидаги қайси нарсалар вазиятни бевосита тавсифлайди?», «Бундай тавсифномалар қандай ҳисоблаб чиқилади ёки ажратиб кўрсатилади?» ва ҳоказо.

Статистик материаллар кейс матнида ёки иловада жойлаштирилади.

3. Илмий манбалар, публицистика ва бадиий адабиёт асарлари – булар ҳам кейсни ёзиш учун яна бир манбадир. У ёки бошқа муаммога бағишланган илмий мақолалар, монографиялар ва илмий ҳисоботларни таҳлил этиш орқали ҳам кейс учун яхши материалларни олиш мумкин. Яхши илмий мақола одатда қандайдир масалани теран тушунтириши билан тавсифланса, илмий монография тадқиқот предметининг бир тизимли, ҳар томонлама тавсифномасини беради. Илмий ҳисоботнинг ўзига хос хусусияти эса материалнинг долзарблиги ва янгилигидадир. Бундай фан маҳсулотлари ҳар доим ҳам вазиятни баён қилавермайди ва изоҳлаб бермайди. Шунинг учун уларни кейсолог вазият нуқтаи назаридан махсус мушоҳададан ўтказиши керак бўлади. Энг қизиқарли илмий мақолалар кейс-услубда иккита функцияни бажариши мумкин. Биринчиси шундан иборатки, илмий мақолалар ва уларнинг қисмлари уларни матнга киритиш орқали кейсларнинг таркибий қисмига айланиши мумкин, иккинчиси шундаки, улар кейсни тушуниш учун зарур адабиётлар рўйхатига қўшилиши мумкин.

Агар илмий манбалар кейсга қатъийлик ва оддийлик берса, унда публицистика ва бадиий адабиёт асарлари эмоционал тўлиқлик ва предметли изоҳлилиқни яратади.

4. Интернет ва унинг ресурслари – кейслар учун туганмас материал манбадир. Ушбу манба кенг миқёслилиги, қайишқоқлиги ва оперативлиги билан ажралиб туради.

Сюжет мавжудлигига қараб кейслар:

- сюжетли;
- сюжетсиз бўлади.

Сюжетли кейс одатда бўлиб ўтган воқеалар ҳақидаги ҳикояни, шахслар ва корхоналар ҳаракатларини ўз ичига олади. Сюжетсиз кейс, одатда, яққол ифодаланган сюжетга эга бўлмайди, чунки сюжетнинг аниқ ифодаси кўп жиҳатдан ечимни очиб беради. Сиртдан қараганда вазият ташхисига, сюжетни яна қайта тиклашга ёрдам бериши керак бўлган статистик материаллар, ҳисоб-китоблар, ишланмалар мажмуидан иборат бўлади.

Кейсда баён қилинадиган вазият сюжетининг вақтдаги изчиллиги ҳам кейснинг таснифий ўзига хос хусусиятларига ўз таъсирини ўтказиши. Ушбу белгига кўра кейсларнинг уч турини фарқлашади:

- Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс;
- Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира;

- Прогностик кейс.

Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс баён қилинадиган ҳодисаларнинг вақтдаги табиий изчиллиги билан тавсифланади, сабаб-оқибатли алоқаларни яхши аниқлашга имкон беради.

Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотирада вақт орқага қайтарилади: унда ҳаракат қилувчи шахслар нималарнидир эслашади, хотиранинг ўзи узук-юлук, кўпинча бир тизимсиз ва фрагментар бўладики, бу вақт занжирини қайта тиклашни қийинлаштиради. Ўз моҳиятига кўра, кейс таҳлили вазият реконструкцияси, унинг бирор бир билиш парадигмаси жиҳатидан идрок қилинишидан иборат бўлади.

Прогностик кейс яқин ўтмишдаги ва ҳозирги воқеаларнинг анча батафсил баёнини беради, ундаги объектнинг келгусидаги ҳолатининг энг яхши вариантини ишлаб чиқиш вазифасини қўяди.

Вазият объектига қараб кейслар шартли равишда уч гуруҳга бўлинади:

- Шахсларга оид кейс, унда аниқ субъектлар: менежерлар, сиёсатчилар, раҳбарлар амал қиладилар.

- Ташкилий-институционал кейс - унинг объекти институционал тизимлар: ташкилотлар, фирмалар, компаниялар, корхоналар ва улар бўлинмалари бўлиши билан фарқланади.

- Кўп объектли кейс – одатда бир неча ҳаракат қилувчи объектларни ўз ичига олади.

Материалларни етказишнинг жанрга хос хусусиятларига қараб кейс қуйидаги турлардан бири шаклида тақдим этилиши мумкин:

- ҳикоя;

- эссе;

- таҳлилий ёзишма;

Материални баён қилиш усулига кўра кейслар турлари

- журналист тергови;

- ҳисобот;

- очерк;

- фактлар мажмуи;

- статистик материаллар мажмуи;

- ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи.

Кейслар катталигига қараб уч турда бўлади:

- қисқа (лўнда) кейс;

- ўртача миқдордаги кейс;

- катта (узун) кейс.

Кейснинг катталиги унинг ҳажмига боғлиқ бўлади ва уни таҳлил этиш учун зарур ўқув вақтини белгилайди.

Қисқа кейс - шунингдек «европача», қисқа кейс деб ҳам аталади. Унинг ҳажми бир неча жумладан бир-икки саҳифагача бўлади. Унинг ечими икки соатлик амалий машғулотнинг бир қисмини банд қилишига мўлжалланган. Ўртача миқдордаги кейс – унинг кўриб чиқилиши одатда икки соатлик машғулотни банд қилади.

Катта кейс («америкача», узун) – ўнлаб саҳифаларни ўз ичига олади, бир неча амалий машғулотлар давомида ва ҳатто бутун ўқув курси мобайнида қўлланилиши мумкин. Тузилмавий хусусиятларига қараб кейсларнинг икки тури фарқланади:

- тузилмага келтирилган;
- тузилмалага келтирилмаган.

Тузилмавий кейс тузилмавий шакли вазиятнинг идрок этилиши ва фикрланишини енгиллаштирадиган ахборотни ўз ичига олади. Тузилмага эга бўлмаган кейс, одатда, муаммони батафсил (баъзан, ҳатто ҳаддан ортик тафсилотлари билан) ёритадиган катта ҳажмдаги тузилмаланмаган ахборотни ўз ичига олади. Ушбу таснифлаш асосига кўра кейслар икки турда бўлади:

- Саволли кейс – унинг ечилишида тингловчилар вазият баён қилинганидан кейин қўйиладиган саволларга жавоб бериши керак.

- Кейс-топширик - кейсни ҳал қилиш жараёнида бажарилиши лозим бўлган вазифа ёки топширик, одатда вазият баёнигача қўйилади.

Ушбу таснифлаш асосига кўра кейсларнинг беш тури фарқланади:

1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳловчи кейс. Таниқли ва муваффақият билан ишлайдиган корхоналар (компаниялар)нинг узоқ муддат давомидаги иш фаолиятини баён қилади (мақсадлари, стратегиялари, маҳсулот модификациялари, турли бозорлардаги иши ва бошқалар).

Бундай кейснинг таълимий мақсади – мисол орқали ўқитиш. Режалаштириладиган ўқув натижалари – тўғри қабул қилинган қарорларни эслаб қолиш, таниқли ва муваффақият билан ишлайдиган корхоналар ва тармоқларнинг амалиёти билан танишиш.

2. Тренингли, ўқув мавзуи/предмети бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган. Унинг таълимий мақсади - тингловчиларга бирор бир ҳаракатларни бажариш алгоритмини ўргатиш.

Тингловчи қуйидагиларни ўрганиши керак: муайян модель/формула/ҳисоб-китоб алгоритмини қўллаш, берилган одатий вазиятда ягона тўғри қарорни қабул қилиш.

3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи. Кейсда аниқ вақт давридаги вазият баён қилинган, вазият субъекти олдида турган муаммолар аниқланган ва аниқ ифодаланган.

Тингловчи вазиятни тушуниши, таҳлил қилиши ва баҳолаши, қўйилган муаммо юзасидан қарор қабул қилиши лозим.

4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи. Мураккаб баён қилинган вазиятга эга. Муаммо вазиятга киритилади-ю, лекин аниқ намоён бўлмайди. У статистик маълумотлар, корхона ҳисоботлари, бўлинмалар раҳбарлари нутқлари ва шу кабиларда тақдим этилган.


Тингловчилар муаммони аниқлаши ва ифодалаши, уни ҳал этиш усуллари ва воситаларини кўрсатиши керак.

5. Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янгича баҳолаш услублари ва шу кабиларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи. Бундай кейснинг ўзига хос хусусияти шундаки, бошқарувчилик муаммоси корхона фаолиятининг муайян турига, муайян асосий шарт-шароитларга боғлаб баён қилинади.

Тингловчидан вазият субъектини ривожлантиришнинг янги стратегияси ва йўллари топиш талаб қилинади. Бундай кейсдаги вазиятда ахборотнинг бир қисми бўлмаслиги мумкин. Ахборотга эҳтиёжни аниқлаш ва уни топиш – тингловчининг яна бир вазифасидир.

Кейслар тингловчиларга турли шаклда тақдим этилиши мумкин: босма, электрон, видео-кейс, аудио-кейс, мультимедиа-кейс.

Ўқитиш амалиётида, одатда, босма шаклдаги ва электрон ташувчилардаги кейслар қўлланилади – бундай шаклдаги ахборот билан ишлаш аудио- ёки видео-вариантлардагига нисбатан қулай ва таҳлил қилиш осонроқ. Бундан ташқари, кўп марталаб интерактив кўздан кечириш имкониятларининг чекланганлиги бирламчи ахборотнинг бузилиши ва хатоларга олиб келиши мумкин. Мультимедиа – кейсларнинг имкониятлари юқорида кўрсатилган қийинчиликларнинг олдини олишга имкон беради ва ўзларида матнли ахборот ва интерактив видео-тасвир устунликларини мужассам этади.



4-чизма. Кейсни ишлаб чиқиш модели.

Чизмада кўриниб турганидек, кейснинг шакллантирилишига бир неча омиллар таъсир қилади:

1. Давлат таълим стандартида (ДТС) кейсни ишлаб чиқишга асос бўлган ўқув предмети бўйича ифодаланган таълим тизими талаблари - кейснинг предметни ўқитиш тизимидаги ўрни, унинг мақсадлари ва ўқув натижалари, тингловчилар кейсни ҳал қилиш учун олдиндан эгаллаши лозим бўлган билимларни белгилайди.

2. Ушбу предмет бўйича таълим тизимини қамраб оладиган дидактика – таълим мазмуни; таълим мақсадларининг амалга оширилиши ва прогноз

Кейсни ишлаб чиқиш модели қилинадиган ўқув натижаларига эришишни воситали тарзда таъминлайдиган ўқитиш услублари, шакллари ва воситалари, ахборот, коммуникация ва бошқарув усуллари ва воситаларини;

таълим жараёнининг кечиши ва натижаларини белгилайдиган қонуниятлар, тамойиллар, қоидалар ва нормативларни белгилайди.

3. Социум, институционал тизим – кейс объекти, ДТСда юз берадиган ўзгаришлар - кейсга ўзгартишларни киритиш орқали ахборот таъминотида тезкорлик билан акс этиши керак.

4. Кейсологнинг касбий маҳорати - ўқув предмети бўйича билимлар мажмуи, кейсни ишлаб чиқиш, таълимнинг кейс-технологиясини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва амалга ошириш қобилиятидан иборат бўлади. Кейсни ишлаб чиқиш жараёнининг ўзи кейсологнинг мақсадни фароз қилишидан то кейсни таълим жараёнига жорий этишгача бўлган жами ҳаракатлари изчиллигидан иборат.

Кейсолог фаолияти мазмунини босқичма-босқич кўриб чиқамиз.

Кейсни ишлаб чиқишнинг ушбу биринчи босқичи қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

- кейснинг ўқув курси тузилмасидаги ўрнини белгилаш;
- унинг таълимий мақсадини ифодалаш (тингловчиларни таништириш, ҳақидаги билимларни шакллантириш/чуқурлаштириш, ўргатиш, малакаларни орттириш, кўникмаларни ривожлантириш ва ҳоказо);
- кейснинг тингловчиларнинг таълимдаги ютуқлари натижалари учун «масъулият зонаси» ни аниқлаш;
- ўзлаштирилиши/кенгайтирилиши/ривожлантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар рўйхатини таҳлил этади, тузади (бизнес-режа), ишлаб чиқади (маркетинг стратегияси) га тайёрлик/кўникмани намоён этади ва ҳоказо);
- ечими тингловчиларнинг мўлжалланган ўқув натижаларига эришишини таъминлайдиган педагогик вазифаларнинг белгиланиши (... ни ўргатиш, ... ни бир тизимга солиш, ... ни тушунтириш ва ҳоказо). Тингловчи – кейсологнинг аниқ ва бир хилда ифодаланган таълимий мақсадлари, ўқув натижалари ва вазифалари вазиятга доир машқни «қуриш» учун асос бўлади.

Мисол: Ўқув предмети: «Стратегик маркетинг». Таълим берувчи амалий вазият мавзуси: «Маркетинг стратегияси». Ушбу кейснинг мақсади: маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, бозорга янги маҳсулот билан чиқиш режаси, уни илгари суриш стратегиясини асослаш ва ишлаб чиқиш малакаларини орттириш.

Кейсологнинг вазифалари: Сиз бозордаги муваффақиятга олиб борадиган ҳаракатлар режасини асослашингиз ва баён қилишингиз керак. Сиз янги

Мақсаднинг қўйилиши маҳсулот билан бозорга қандай чиқиш, ўрин олиш, бозордаги ўз улушингизни сақлаб қолиш ва кўрсатилган истиқболдаги молиявий натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатишингиз лозим.

Муаммо қандайдир ҳаракатлар қилиш учун етилган зарурат билан уни амалга ошириш учун шарт-шароитлар етишмаслиги ўртасидаги зиддиятнинг амал қилиши ва ифодаланиши шаклидан иборатлиги сабабли муаммонинг ифодаланиши ана шу зиддиятни белгилаш, сўнгра унинг асосий таркибий қисмлари – муаммо тузилмасини (кичик муаммоларни) белгилашни назарда тутади.

Мисол:

Кейс муаммоси: янги маҳсулот билан рақобатчи бозорга чиқиш: имкониятлар ва хавфлар, олиб чиқиш стратегияси, янги брэнд.

Муаммо тузилмаси:

1. Бозор таҳлили.
2. Бозорга кириб бориш мақсадлари.
3. Нархлар ва қадоқлаш.
4. Сотиш ва тақсимлаш.
5. Хизмат кўрсатиш ва кафолатли хизматлар.
6. Жамоатчилик билан алоқалар, реклама ва реклама фаолияти.

Кейс дастурий картасининг қурилиши –кейсни ишлаб чиқишнинг энг муҳим босқичларидан бири.

Кейснинг дастурий картаси кейс учун ахборот йиғиш ва вазиятни баён қилиш учун асос бўладиган асосий масалалар (тезислар)нинг тузилмаланган рўйхатидан иборат бўлади.

Қуйида тақдим этилган мисолдаги кейснинг дастурий картаси саволлар шаклида ишлаб чиқилган. Бу тингловчи – кейсологнинг ахборот йиғиш, шу жумладан интервью шаклида йиғиши, ва уни баён қилиш вазифасини енгиллаштиради.

Мисол: «Маркетинг стратегияси» мавзусидаги кейснинг дастурий картаси

1. Бозор таҳлили
 - 1.1. Бозорнинг умумий тузилмаси қандай?
 - 1.2. Бозор сегментацияси қандай?
 - 1.3. Ушбу бозорда қандай йирик ишлаб чиқарувчилар (ва хомашёни етказиб берувчилар) тақдим этилган?
 - 1.4. Бу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг (технологик) ўзига хос хусусиятлари қандай?
 - 1.5. Мазкур маҳсулот нархлари қандай? Пировард маҳсулот нархиға қандай омиллар таъсир қилади?
 - 1.6. Сизнинг доимий рақибларингиз рекламанинг қандай турларини қўллайдилар?

2. Бозорга кириб боришдан мақсадлар

2.1. Сизнинг бозорга чиқишдан режаларингиз қандай?

2.2. Сиз мўлжаллаётган сотишлар ҳажми ва унинг улуши қандай бўлади?

2.3. Нима нарса Сизнинг маҳсулотингизни сотишда жозибали бўлади? Унинг ўзига хос хусусияти ва ноёблиги нимадан иборат?

2.4. Бозорнинг аниқ секторларидаги сотиш жозибадорлиги нимадан иборат бўлади?

2.5. Сиз ҳар бир секторда истиқболли буюртмачиларни қандай аниқлайсиз?

2.6. Улар ўртасида устуворликларни қандай тақсимлайсиз?

2.7. Сиз ўз бозорингизга қандай жалб қиласиз ва қўллаб-қувватлаб турасиз?

Сиз уни қандай кенгайтирмоқчисиз? Қандай муддатда?

2.8. Рақиблар стратегияси Сизнинг стратегиянгизга қандай таъсир қилиши мумкин?

2.9. Сиз қарорлар қабул қиладиган шахслар эътиборини қандай тортмоқчисиз?

2.10. Сиз ким билан алоқага кириш зарурлигини қандай ҳал қилмоқчисиз?

Қандай тартибда?

2.11. Сиз маҳсулот сотишда қандай фаоллик даражасига эришмоқчисиз?

Нима учун бундай ёндашувни энг яхши деб ҳисоблайсиз?

2.12. Сизнинг асосий Буюртмачингиз (буюртмачиларингиз) кимлар бўлади ва у (улар) Сизнинг бозорга кириб боришингизга қандай ёрдам бериши мумкин?

3. Нархлар ва қадоқлаш

3.1. Сизнинг нарх сиёсатингиз нима билан белгиланади? Нархлар стратегияси қандай бўлади?

3.2. Сизнинг тушумингиз паст бўладими ёки юқори?

3.3. Сизнинг фикрингизча, рақобатчилик, чегирмалар тизими, товарлар таннархи, бозорда амал қиладиган кучлар ва бошқа омиллар нархга қандай таъсир кўрсатади?

3.4. Агар Сизнинг нархларингиз бозордаги шунга ўхшаш маҳсулотлар/хизматлар нархидан анча юқори ёки паст бўлса, улар асослими?

Эҳтимол, нарх белгиланиши компаниянгизнинг фойда олиш қобилиятига асослангандир?

3.5. Тадқиқот ва ишланмаларга харажатларнинг ҳисобга олиниши нархларга қандай таъсир кўрсатади?

3.6. Сизнинг нархлар стратегиянгиз кейинчалик қандай ўзгаради?

3.7. Рақобатчилик жараёнида юз берадиган нархлар тўқнашуви эҳтимолига қандай қарайсиз?

3.8. Қадоклаш ва маркалаш дизайнини яратиш бўйича режаларингиз қандай?

3.9. Сизнинг фирмангиз номи, қадоклаш ранглари, белгилари ва умумий услуги харидорни маҳсулотингизни харид қилишга қандай жалб этади? Нима учун бўлғуси истеъмолчида Сизнинг маҳсулотингизни бир кўришда сотиб олиш истаги туғилади?

3.10. Сизнинг маҳсулотга илова қилинадиган кўрсатма ва йўриқномаларингиз қай тарзда уни муомалада оддий қилиб қўяди?

4. Сотиш ва тақсимлаш

4.1. Истеъмолчи ўртача қандай миқдорда буюртма беради? Сиз қандай турдаги такрорий буюртмаларни кутаяпсиз?

4.2. Сотиш даври қандай бўлади? Сотиш режаларини бажаришнинг қандай босқичлари ажратилган?

4.3. Сиз таъминотчи ва/ёки дистрибьюторлар билан қандай алоқадасиз?

4.4. Сизда амал қилаётган ёки тузмоқчи бўлаётган дистрибьюторлик ёки лицензион битимлар борми?

4.5. Сизнинг маҳсулот/хизматларингиз қандай ва қайси географик зонада тақсимланади?

4.6. Сотиш ва савдо, бевосита етказиб бериш усуллари қандай? Сиз уларни қандай қўллайсиз, таъминлайсиз ва назорат қиласиз?

4.7. Сизнинг кредит сиёсатингиз ва тўловларни йиғиш сиёсатингиз қандай бўлади? Сизнинг: 1) нақд пулга, 2) молиялаштиришга, 3) лизингга, 4) кредитга,

5) тўловлар шартлари асосидаги сотиш имкониятларингиз қандай?

4.8. Сиз қанча савдо агентига эгасиз? Булар мустақил ходимларми ёки ишлаб чиқариш вакилларими? Улар фаолияти чегаралари ва стимуллари қандай бўлади? Комиссион ҳақлар қандай ҳисобланади?

4.9. Уларни ёллаш ва ўқитиш дастурининг умумий белгилари қандай бўлади? (Сотишлар ҳажми сотишга доир самарали таклифлар сонига тўғри мутаносибми?).

5. Хизмат кўрсатиш ва кафолат хизматлари

5.1. Сиз маҳсулотингизга хизмат кўрсатиш, ундан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш, кафолатли шартларни қандай ташкил этмоқчисиз ва истеъмолчи уларни қандай билиб олади? Сиз уларни қандай реклама қиласиз? Улар Сизнинг даромадингизга қандай таъсир қилиши мумкин?

5.2. Бундай ёндашувлар Сизнинг маҳсулотингизни қай тарзда рақобатбардош қилади ва улар даромадларга қандай таъсир кўрсатади? Бундай ёндашувларни амалга ошириш русумлари қандай намоён бўлади? Улар тажриба орттирилишига қараб қандай ўзгаради ёки яхшиланади?

5.3. Сиз истеъмолчилар шикоятларига ва маҳсулот/хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа муаммоларга қандай муносабатда бўлмоқчисиз?

6. Жамоатчилик билан алоқалар, реклама ва реклама фаолияти

6.1. Сиз жамоатчилик билан алоқа, реклама, оммавий ахборот воситаларининг қай биридан фойдаланмоқчисиз?

6.2. Бевосита корреспонденция қанча бўлади ва қанча проспектларни тарқатмоқчисиз? Ҳар бир сотишга қанча тақдимот тўғри келади? Улардан қандай жавоб кутаяпсиз?

6.3. Сизнинг маҳсулотингизни самарали илгари суриш кўрсаткичлари, тақдим этиш суръатлари қандай?

6.4. Сизнинг фаолият тармоғингиздаги учрашув ва савдо кўргазмаларида Сизнинг иштирокингиз қандай бўлади?

6.5. Сиз ўз маҳсулот/хизматларингизни тақдим этишга ва унинг бозорда танилиши ҳамда қабул қилинишига нисбатан қандай умумий ёндашув ва стратегияга амал қиласиз?

Кейсни ишлаб чиқишнинг ушбу босқичига киришишдан олдин кейсолог қуйидаги қарорларни қабул қилади:

- Кейс ҳатийлик, кабинетли ёки илмий-тадқиқотчилик тусида бўлиши?
- Кейс объекти аниқ шахс (шахслар) ёки корхона ёхуд у кўп объектли бўлади?

Фақат шундан кейин у институционал тизимни танлайди (кабинетли кейс учун) ёки топади (ҳаётий ёки илмий-тадқиқотчилик кейси учун).

Институционал тизим - кейснинг кейс дастурий картасини амалга оширишига бевосита дахлдор объектдир.

Улар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- фирма;
- ташкилот;
- корхона ва ҳоказо.

Кейс учун ахборот йиғиш усуллари сифатида қуйидагилар танланиши мумкин: интервью, суҳбат, ўрганиш (архив хужжатлари, ҳисоботларни), кузатув ва ҳоказо.

Қуйидагилар ахборот йиғиш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин: сўровнома варағи, интервью олиш варағи, анкета, ҳар хил жадваллар ва бошқалар.

Кейсга асос бўладиган ахборотларни излаш ва йиғиш уни ёзишдаги муҳим муаммодир. Қуйидагилар ахборот манбалари бўлиши мумкин:

- статистик материаллар, ҳисоботлар;
- вазият объекти фаолияти ҳақидаги маълумотномалар, ахборотлар, проспектлар ва бошқа маълумотлар;
- Интернет;
- оммавий ахборот воситалари;
- корхона рақиблари, унинг таъминотчилари ва истеъмолчилари, тармоқдаги экспертлар ёки турли инвестицион фондлар таҳлилчилари билан мулоқот;
- тингловчиларнинг ўқув ва диплом лойиҳалари, магистрлик диссертациялари;
- илмий мақолалар, монографиялар.

Дарвоқе, хорижий тажрибанинг кўрсатишича, корхона раҳбарлари билан интервью кейснинг энг самарали манбаларидан бири ҳисобланади.

Интервьюни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича амалий маслаҳатлар ва тавсиялар

- Ҳаётида ҳеч бўлмаганда бундай интервьюни бир марта ўтказган киши ишонмасдан кулиб, шундай дейиши мумкин: «Бундай кишиларнинг ўз фаолияти ҳақидаги ахборотни шунчаки олдингизга тахлаб ташлашига сира ишонмайман!». Аслида ҳам, раҳбарлар ўз корхонаси ҳақидаги ахборотларни ўзгалар билан ўртоқлашишни хуш кўравериб қўймайди. Лекин умидсизликка тушиш ва аввал-бошдан оқ бундай имкониятдан воз кечиб қўйиш ярамайди.

Баъзан корхона раҳбари фақат реклама мақсадларини кўзлаб ҳам тадқиқотчилар билан ҳамкорлик қилади: кейс туфайли бир неча юз, ҳатто минглаб тингловчилар корхона ва унинг маҳсулотлари билан танишиб олиши мумкин. Мабодо зарур деб билсангиз, тингловчилар кейснинг мақсадли аудиторияси эканлигини унга эслатиб қўйинг.

Айрим менежерларнинг мамлакатдаги бизнес-таълимга ёрдам беришга тайёрлиги ҳақидаги альтруистик интилишини ҳам эътибордан четда қолдирманг.

Шу билан бирга, шуни ҳам эсда тутиш керакки, раҳбар интервью олувчининг ишончли шахс эканлигига ишончи қомил бўлганидагина бундай интервьюни олиш мумкин бўлади.

- Сиз вакили бўлган ўқув муассасасининг бизнес-элита назаридаги юксак имижига, шунингдек кенг доирадаги умумий танишлар Сизга интервью олиш учун зарур тавсияларни таъминлаши мумкин. Шу сабабли, эҳтимол, ишни

Сизнинг ўқув юртингизни битирган кишиларни ёки уларнинг танишларини излашдан бошлаганингиз маъқул.

- Шубҳасиз, раҳбар билан суҳбатга астойдил тайёрланиш лозим. Бундай кишиларниг ҳаёт суръатлари жуда жадал ва тигиз бўлади, интервьюни ўтказиш учун ажратилган қисқа вақт ичида имкони борича кўпроқ фойдали ахборот олишга уриниш керак. Шунинг учун менежер билан учрашгунга қадар корхонани ўрганиб чиқиш лозим. Бу аниқ ва ваколатли саволларни ифодалаш ва қўйишга имкон беради.

- Савол бера билиш қобилияти – катта санъат бўлиб, бу тажриба орттиришга қараб чиниқиб боради. Лекин шуни эсда тутиш керакки, нафақат саволларнинг мазмуни, шу билан бирга уларнинг шакли ҳам катта аҳамият касб этади. Улар лўнда, оддий, қисқа ва аниқ қилиб ифодаланиши лозим.

- Олинган материаллардан ўқув мақсадларида фойдаланиш ва уларни яқунланган кейс шаклида эълон қилиш учун корхона раҳбариятининг розилигини олиш зарурлигини эсда тутиш керак.

Кейсологнинг интервью ўтказиши қоидалари

- Суҳбатдошингизни диққат билан, сўзини бўлмасдан тингланг. Ҳеч қачон баҳсга киришманг ва маслаҳат берманг. Шуни эсда тутинг: Сизнинг учрашувдан мақсадингиз консалтинг хизматлари кўрсатиш эмас, балки кейс учун зарур ахборотлари тўплашдир.

- Ҳар қандай институционал тизимда ўзга шахслар эътиборидан эҳтиёт қилинадиган ўзининг ички муаммолари, масалан, ишчи муҳити, одамлар орасидаги муносабатлар ва шу қабилар бор. Агар суҳбатдошнинг ҳис-ҳаяжонлари, имо-ишораларига эътибор қилинса, бундай ахборотларни ҳам билиб олиш мумкин.

- Қандай ахборотни кўпчиликка таништириш учун кейсда тақдим этиш мумкину, қандай материалнинг махфий тусда бўлишини суҳбатдошингиздан албатта сўраб олинг. Кейс уни ишлаб чиқувчиларга ўз ахборотларини ишониб билдирган шахсларга зарар етказмаслиги керак.

Кейсологнинг кейсни ишлаб чиқишга доир фаолиятининг ушбу босқичдаги мазмунини унинг қуйидаги қарорлари белгилайди:

- Кейс қандай бўлади: сюжетли ёки сюжетсиз?

- Кейсдаги воқеалар ахборотни баён қилишнинг вақтдаги изчиллиги бўйича ўтмишдан ҳозирга келадиган ёки кейс-хотира ёхуд прогностик бўладими?

- Вазиятга оид машқ қандай жанрда баён қилинади: ҳикоя ёки эссе ёхуд таҳлилий ёзишма ёки бошқача шаклда?

Кейсолог қабул қилинган ечим асосида вазият моделини қуради.

□ Кейсдаги вазият модели вазият субъекти фаолиятининг идеал инъикосидан иборат бўлади ва ифодаланган муаммо ташувчиси ролини бажаради. Ташқи кўринишига кўра бу ҳодисаларнинг муайян занжири ёки ҳодисалар доираси, ҳодисалар боғлами ва шу қабилар бўлиши мумкин.

Модель вазиятнинг турга оид белгиларини танлаш асосида шакллантирилади (4-жадвалга қаранг).

Вазият моделини қуриш муваффақияти унинг ўрганилаётган мавзу ёки ўқув предметига мувофиқ бўлиши даражасига қараб, шунингдек унда ностандарт, муайян интрига борлигига кўра белгиланадики, бу унга ноординарлик бахш этиб, тадқиқотчилик мотивациясини ҳосил қилади.

Кейсолог кейсни ёзишга киришишдан олдин қуйидагича ечимларни қабул қилади:

- Кейс ўз ҳажмига кўра қисқа ёки ўртача миқдорда ёхуд катта бўладими?
- Бу саволли кейсми ёки кейс-топшириқми?
- Кейсда муаммо қандай усулда берилади?

1-усул – муаммони кейсолог ифодалайди.

2-усул – вазиятдаги муаммо яққол ифодаланади, лекин бунда вазиятнинг зарур элементларидан бири (масалан, шериклар ҳақидаги) ахборот бўлмайди.

3-усул–матнда вазият субъектлари ўртасидаги зиддият мавҳум ифодаланади.

- Кейс тузилмаси бўйича қандай бўлади?

Гап шундаки, кейс бу шунчаки моҳирона бир ҳикоя ёки муайян воқеаларнинг оптимал сонли саҳифалардаги оддий баёни эмас. Юқорида қайд қилинганидек, бу, аввало, муайян ўқув мақсадларига эришиш учун қўлланиладиган педагогик воситадир.

Шу сабабли кейс тузилмаси уч асосий таркибий қисм билан белгиланади:


1) мотивацион, кейснинг долзарблиги, унинг мақсади ва тингловчи кейсни ҳал қилишда эришадиган ўқув натижаларини белгилайди;

2) сюжетли, у кейсдаги амалий вазият мазмунини очиб берадиган ҳаракатлар, воқеалар мажмуидан иборат бўлади;

3) информацион, у вазият таҳлили учун зарур ахборотни ўз ичига олади; Сюжетли ва информацион қисмлар нисбатан мустақил тарзда ва чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳам амал қилиши мумкин (5-чизма).

□ Тингловчининг ҳал қилиши учун тақдим этиладиган ҳар қандай кейсда унинг мақсади ва топшириғи/саволлари аниқ ифодаланган бўлиши лозим; у топшириқни ҳал этиш учун зарур ва етарли ахборот ҳажминини ўз ичига олиши керак.

Кейс мазмунини компонентлари бўйича кўриб чиқамиз.



5-чизма. Кейс тузилмаси

- Мажбурий таркибий қисм (компонент).

Кейснинг ушбу тузилмали компоненти кейс долзарблигининг асосини, унинг таълим берувчи мақсади ва тингловчилар кейсни ҳал қилиш натижасида эришиши мумкин бўлган назарда тутиладиган ўқув натижаларини ўз ичига олади.

Кириш

Ҳозирги бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида мамлакатдаги ишлаб чиқариш амалиётида самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш зарурати ошиб бормоқда. Бу, аввало, маркетингнинг товарлар ва хизматлар бозоридаги рақобатчилик кучайиб бораётган шароитда корхонанинг самарали ривожланишига кўрсатадиган таъсири билан боғлиқдир. Қурилиш саноатидаги кўплаб корхоналар учун айнан суғ маркетинг фаолияти, кўпроқ унинг йўқлиги, бозордаги фаолликнинг сустлиги, қурилиш ишлаб чиқаришининг пасайиши ва бунинг оқибати сифатсизланиши, муайян сотиш бозорларининг йўқотилиши, ижтимоий ва молиявий қийинчиликлар кўпайишининг сабабларидан бири бўлди. Шу муносабат билан, корхона маркетинглоглари учун маркетинг стратегиясини тўғри ишлаб чиқиш ва унинг амалга оширилишини ташкил этиш қобилияти алоҳида аҳамият касб этаяпти. Ушбу кейснинг мақсади ўтказилган маркетинг таҳлили асосида маркетинг стратегиясини таҳлил этиш ва баҳолаш малакаларининг ривожлантирилиши, уни ишлаб чиқиш кўникмаларининг орттирилишидан иборатдир. Таклиф этилаётган кейснинг ечими қуйидаги ўқув натижаларига эришишга имкон беради:

- корхона имкониятларини таҳлил этиш ва баҳолаш қобилиятини ривожлантириш;

- корхонада маркетинг стратегиясини танлаш ва уни ишлаб чиқиш малакаларини орттириш;

- мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллаш.

Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси «DESK-INVEST» республика саноат бозорида фаолият юритиб, ўз маҳсулотларини йирик ва кичик корхоналарга улгуржи вариантда сотади. Ҳозирги вақтда бозор бунга ўхшаган товарларга тўлалиги, ўз навбатида, қурилиш маҳсулотлари маркалари ўртасида кескин рақобатчиликка олиб келди. Истеъмолчилар бундан фақат ютади, чунки қурилиш маҳсулотларини харид қилиш муаммоси истеъмолчи учун жиддий бўлиб тургани йўқ. Бугунги кунда хоҳлаган маҳсулотларни сотиб олиш мумкин бўлган жойлар – бозорлар, қурилиш материаллари дўконлари, павильонлари кўп бўлиб, улар амалда кўриб чиқиладиган товарларнинг бир хилдаги ассортиментини тақдим этади.

«DESK-INVEST» корхонаси ўзининг дастлабки фаолият юритиш йилларида ихтисослашиш стратегиясини (бозордаги ўрни концентрацияси) қўллаган эди. Корхона ўз эътиборини бир сегментга эҳтиёжларга қаратди ва бутун бозорни эгаллаб олишга интилмади.

Ҳозирги вақтда «DESK-INVEST» корхонасида сотишни кенгайтириш учун стратегияни қайта кўриб чиқиш зарурати вужудга келди. Топпирик: «DESK-INVEST» корхонасидаги мавжуд маркетинг стратегиясини таҳлил этиш асосида унинг учун сотиш бозорини кенгайтириш бўйича маркетинг стратегиясини танлаш ва асослаш керак.

КЕЙС ОБЪЕКТИНИНГ ТАРИХИЙ БАЁНИ

Ушбу компонент катта (америкача, узун) кейсларда доим бўлади. Тақдим этилган ахборот муаммонинг ретроспектив таҳлилинини ўтказиш, унинг сабаблари ва ривожланиш тенденцияларини белгилашга имкон беради.

ВАЗИЯТ

Вазият - кейснинг асосий тузилмавий компоненти ҳисобланади.

Кейсда баён қилинган вазият, корхонага шу пайтда ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган параметрлар, ўзгарувчан омилларнинг аниқ туркуми шаклида ифодаланади. Бошқача айтганда, у вазият объекти ҳақидаги релевант (муаммони ҳал этиш учун муҳим) маълумотлар рўйхатидан иборат бўлади. Вазият мазмуни тингловчиларнинг келгусидаги фаолияти учун хос бўлган ишлаб турган корхоналар ёки моделлаштирилган корхоналарнинг ҳаётидаги реал воқеаларга асосланади. Муваффақиятли вазиятли машқлар турли персонажлар ўртасидаги суҳбатларни ўз ичига олиши мумкин, тингловчилар-кейсдан фойдаланувчиларнинг вазиятнинг реаллигини ҳис этишига ёрдам берадиган бошқа публицистик усуллар ва воситалар ҳам ишлатилади.

Вазиятнинг кейсдаги баёни ва унинг ахборот таъминоти қуйидагиларга кўра турлича бўлиши мумкин:

- Ҳажмига кўра: бир неча жумладан тортиб, то юзлаб саҳифали матнгача;

- деталлаштириш даражаси ва ахборотга бойлигига кўра: таҳлил предметига бевосита тегишли бўлмаган ахборотнинг мавжуд бўлиши ёки, аксинча, вазият элементларидан бири ҳақидаги ахборотнинг бўлмаслиги ҳам мумкин.

Кейснинг мавзуси ва мақсадига қараб вазиятда шериклар, рақиблар ва/ёки вазият субъекти биргаликда фаолият юритадиган бошқа ҳаракат қилувчи шахслар, вазият амал қилиши ва ўзгаришига асос бўладиган шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

□ Вазиятнинг баён қилинишида ишлатилган тўлдирувчи материаллар, бир томондан, кейсдан фойдаланувчиларни уни ҳал этиш учун зарур тузилмаланган ахборот билан таъминлайди, бошқа томондан эса – вазиятнинг кўргазмали ахборотли негизини ташкил этади.

Кейснинг педагогик паспорти

Кейснинг педагогик паспорти, бу унинг ташкилий-услубий таъминотидир. У қуйидаги компонентларни ўз ичига олади:

- 1) педагогик аннотация;
- 2) тингловчига услубий кўрсатмалар;
- 3) ўқитувчи – кейсологнинг кейсни ҳал этиш варианты;
- 4) таълим технологияси.

Кейснинг педагогик паспортини компонентлари бўйича кўриб чиқамиз.

Педагогик аннотация

Қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Кейс мўлжалланган предмет, бўлим, мавзу, таълим даражаси, курс кўрсатилади.
2. Кейсдан қўзланган мақсад (таълимий мақсад, режалаштириладиган ўқув натижалари).
3. Тингловчилар кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган дастлабки билим ва малакалар.
4. Кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттириши ёки унда кейсолог сунъий моделлаштирган вазият баён қилиниши ҳақидаги маълумот.
5. Ахборот олиш манбалари рўйхати
6. Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси (сюжет, кейс объекти мавжудлиги, материални тақдим этиш усули, ҳажми, тузилмавий

ўзига хос хусусиятлари, ўқув топшириғини тақдим этиш усули, чизмалаштириш усули).

7. Кейсдан кўзланган мақсад ва, тегишлича, ташкилий-услубий таъминоти ўзгарганида у қўлланилиши мумкин бўлган ўқув предметлари рўйхати.

Тингловчига услубий кўрсатмалар

Кейс услубий паспортининг мазкур компоненти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кейсдаги муаммо ва кичик муаммолар ифодаси (агар кейс муаммони излаш ва ҳал этишга ўргатадиган кейслар тоифасига кирмайдиган бўлса);

- муаммо ечими алгоритми (ушбу элементнинг бўлишини ўқитувчи – кейсолог белгилайди);

- муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш варағи ёки муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишга доир йўриқнома;

- кейс билан индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари;

- ўқув-услубий материаллар: ҳисоб-китоблар қоидалари ва формулалари, услублар ва русумлар баёни ва бошқалар (кейсологнинг фикрига қараб).

Назорат саволлари:

1. Кейс-стади технологиясининг таълим жараёнига тадбиқ этилиши
2. Кейсологнинг вазифалари нималардан иборат
3. кейснинг тингловчиларнинг таълимдаги ютуқлари
4. Кейс турлари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. MarciaJ. Scherer “Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with disabilities”, American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover
2. S.K. Mangal, Uma Mangal, Educational technology, India 2013Ratha Mohan
3. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic
4. Ш.Мамаражабов, Ж.Халмуратова “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” Т.2015 й.
5. В.Сатторов, Х.Гатаев “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Т.2015 й.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъерий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- мазкур мустақил таълим ишларини натижалари 1 бал билан баҳоланади.

Мустақил таъли мавзулари

1. Техникавий мутахассислик ўқув фанининг мажмуавий-методик таъминланиши.
2. Мутахассислик фанидан маъруза ўқиш методикаси
3. Маърузалар ўқиш жараёнида ахборот технологиялардан фойдаланиш
4. Мутахассислик фанидан лаборатория ишларини ўтказиш методикаси
5. Муаммоли вазиятлар яратиш ва муаммоли топшириқлар билан ишлаш
6. Виртуал лаборатория ишлари
7. Мутахассислик фанидан амалий машғулотлар ўтказиш методикаси
8. Ўқув-илмий тадқиқот ишларининг информацион таъминоти
9. Таълимни технологиялаштириш.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс

Кейс вазияти: Сиз ёш педагогсиз ва педагогик тажрибангиз катта эмас.

Ўқитувчилик фаолиятингизни бошлаганингизга 6 ой бўлди. Сизга маъмурият ёш мутахассис сифатида таълим буриш яъни дарс жараёнига узгаришлар, янгиликлар киритишингизни кутмоқда. Сиз “**Модулли ёндашувнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари**” мавзуси юзасидан маъруза дарсини ташкил этишингиз керак. Маъруза дарси очик дарс сифатида режалаштирилганлиги сабабли бир қанча ўқитувчилар дарсингизни кузатиш учун киришларини билдирдилар. Дарс учунчи босқич талабалари учун ташкил этилади.

Кейс топшириғи:

“**Модулли ёндашувнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари**” мавзуси юзасидан маъруза дарсида самарали натижага эришиш учун дарсни қандай тошкил этиши лозим?

2-Кейс

Кейс вазияти: Каферда юқори малакали кадрларни тайёрлаш, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган кадрларни тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг учун нафақат назарий ёки амалий билимлар, шу билан бир қаторда мустақил таълимни тўғри ташкил этиш ҳам ўз аҳамиятига эга. Мазкур муаммони ечиш мақсадида ўқувчи Пирназарова Гулноза Хасановнага “**Таълим оловчиларнинг мустақил фаолиятни ташкил этиш бўйича хориж тажрибаси**” мавзусида мустақил таълимни ташкил этишда хориж тажрибасини ўзлаштириш муаммосини ҳал қилиш топширилди.

Ўқитувчи Пирназарова Гулноза Хасановна: “Энди йук, мавзуга оид тушунчаларига изоҳ беришни хоҳламадингларми, эслатма ёзамиз”-деди

Кейс топшириғи:

1. Хориж тажрибасининг бизнинг ўқитиш технологиямизга мослиги.
2. Мустақил таълим учун ажратилган вақт соатларининг фарқлари.
3. Мустақил таълимни ташкил этиш шакллари ва шароити.

3-Кейс

Кейс вазияти: Мутахассислик кафедраларида мутахассислик фанларини ўқитишнинг замонавий технологияларидан кенг фойдаланиш замон талаби ҳисобланмоқда. Ҳозирги кунда техника ва технологияларнинг шиддат билан ривожланиши мутахассислик фанларини ўқитишда ҳам бир қатор муаммоли вазиятларни келтириб чиқармоқда. Шу мақсадда кафедранинг ёш, чет лада тажрибалар орттириб қайтга Ўқувчи Абдуллаев

Сарвар Абуллаевич “Мутахассислик фанларини ўқитиш технологияси” фанидан тингловчиларнинг назарий машғулотларни ташкил этиш бўйича муаммони ҳал қилиш вазифаси топширилди.

Ўқувчи Абдуллаев Сарвар Абуллаевич: “Мутахассислик фанларини ўқитишнинг замонавий технологияларини таҳлил қиламиз”-деди

Кейс топшириғи:

1. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.
2. Бошқа фанларни ўқитиш технологиясидан мутахассислик фанларини ўқитиш технологиясидаги ўзаро боғлиқлик.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилида изох	Инглиз тилида изох
Модуль	мазмуний ва мантикий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир	having a logical conclusion to the content and didactic developed, outputs, input and output control unit, which consists of
Модуль дастур	бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндисидир бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндисидир	A science must achieve a collection of modular units within the didactic aims, methods and tools used in the summary
Ўқув модули	нисбатан мустақил , мантикий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув методик таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат	logical conclusion to a relatively independent part of an academic course. Provide the training methodology and practical tasks, such as the current and final control elements of the
Тьютер	(лот. <i>tutorem</i> – маслаҳатчи) фаолияти талабаларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган.	activities to adapt to the learning process of the students, aimed to help you find answers to any questions arising
Эдвайзер	(advisor - қадимги француз сўзи “avisen”, “ўйламоқ” сўзидан олинган) индивидуал ҳолда диплом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот олиб бориш, индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир.	The case of an individual without a diploma course development, scientific research, the individual in the process of software development consultant.
Фасилитатор	(ингл. facilitator , лот. <i>facilis</i> — «енгил, қулай» деган маънони билдиради) — фасилитатор груҳларда	Owned by facilitators to organize activities contribute to the organization of activities

	фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади.	Owned ko'maklashadifasilitator
Модератор	(<u>лот.</u> <i>moderor</i> — меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради	adopted rules to control the opening of students' skills, knowledge, help activation
Супервизор	қуйидаги тўрт фазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради.	The following four roles: as a teacher teaches, facilitators, consultants, expert role
Супервизия	бу ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда тутади.	This system of mutual relations, and other activities supervised by professional provides specialist advice to give.
Кредит (зачет бирлиги)	бу ўлчов бирлиги бўлиб, талабанинг аудиторияда ва мустақил ўқув фаолиятини, баҳолайди (ўқув юкламасини)	this unit, the students in the audience, and independent learning activities (the teaching load)
Рейтинг баҳолаш тизими	жорий, модулли ва семестр назоратида талабанинг бажарган ўқув фаолиятини ва эгаллаган билимлари ва шаклланган кўникма, малалкаларини баллар кўринишида баҳолаш тизими. Рейтинг (рейтинг баҳоси) – бу талаба эришган даражасини сифатини баҳоловчи балл тизими	in the modular control of the semester and the student has fulfilled the training and knowledge of the activities of the assessment system in the form of points and established talent malalkalarini. (Rating) is a points system for assessing the quality of the level of achievement of students

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар

1. Marcia J. Scherer “Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with disabilities”, American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover
2. S.K. Mangal, Uma Mangal, Educational technology, India 2013 Ratha Mohan
3. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic
4. Beverly D. Inquiry Based Teacher Education / D. Beverly, D. Shaklee, K. Cushner II.
5. Blank W.E. Handbook for developing Competency-Based Training Programs I
6. W.E. Blank. - New-Jersey: Prentice Hall, 2002.
7. Mokshein, Siti Eshah; Ahmad, Hussein Haji; and Vongalis-Macrow, Athena. Secondary Teacher Policy Research in Asia: Towards providing quality secondary education: Training and retaining quality teachers in Malaysia. Bangkok: UNESCO Bangkok, 2009.
8. Butler, John, Kieran Corcoran, Tomasz Kubikowski, and Truus Ophuysen, eds. Tapping into the Potential of Higher Arts Education in Europe, InterArtes Handbook. Amsterdam / Warsaw: European League of Institutes of the Arts (ELIA), 2008.
9. Commission of the European Communities. “Delivering on the Modernisation Agenda for Universities: Education, Research, and Innovation.” Communication from the Commission, COM (2006) 208 final, 16. Brussels: European Union, 2006.
10. Ш.Мамаражабов, Ж.Халмуратова “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” Т.2015 й.
11. В.Сатторов, Х.Гатаев “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Т.2015 й.